

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК
ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**



2019



**ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

Тингловчилар учун ўқув-услубий мажмуа

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАЎБАР КАДРЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”
Тармоқ маркази директори
Н.М.Эгамбердиева
“ _____ ” _____ 2019 йил

**“ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ЙЎНАЛИШЛАРИ ”**

модули бўйича

Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А

Малака ошириш курси йўналиши: Ўзбек тили ва адабиёти
Тингловчилар контингенти: олий таълим муассасаларининг
профессор-ўқитувчилари

Тошкент – 2019

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2019 йил 18 октябрдаги 5-сонли буйруғи билан
тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

Тузувчилар:

Холманова З.Т,
ТошДЎТАУ “Ўзбек тилини
ўқитиш методикаси” кафедраси
профессори, филол.ф.д.

Юсупова Р.Д,
ТошДЎТАУ “Ўзбек адабиёти
тарихи ва матншунослиги”
кафедраси, филол.ф.н.

Тақризчи:

Менглиев Б.Р,
ТошДЎТАУ профессорлари,
филол.ф.д.

Никадамбаева Ҳ,
ЎзМУ география факультети
п.ф.н. доц.

*Ўқув-услубий мажмуа Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ Кенгашининг 2019 йил
28-августдаги 1-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.*

МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР	3
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	
ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.	1
III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	14
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР.....	
ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.	
V.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР.....	73
VI. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	74
VII. ГЛОССАРИЙ.....	79
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	86

I. ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ 2909-сон Қарори йўналишлари мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

“Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари” модули олий мактаб профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш тизими олдида давр томонидан қўйилаётган янги талаблар асосида тузилган. Мамлакат ҳаётида юз бераётган жиддий ўзгариш ва янгиланишлар, шубҳасиз, олий филологик таълим тизимида адабиёт ўқитишни йўлга қўйиш борасида ҳам тубдан янгиланиш бўлишини тақозо қилади.

Очуннинг мавжудлиги ва тараққиётида шахснинг ўрни тобора юксалиб бораётганлиги бутун дунёда инсонда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришга алоҳида эътибор қаратишни тақозо қилмоқда. Бу ҳол, ўз навбатида, филологик таълим самарадорлигини оширишни талаб этади. Чунки бадиий адабиёт одамда эзгу маънавий сифатлар таркиб топдиришнинг энг самарали йўлидир.

Давр ўзгариши билан бадиий адабиётга муносабат ва унга ёндашув йўсинлари ҳам ўзгариб бормоқда. Олдинлари бадиий битикка насихат қилиш, эргаштириш воситаси тарзида қаралиб келинган бўлса, эндиликда адабиёт ва адабий таълимга ўқирманда аксеологик муносабат уйғотиш, баҳо беришга ички эҳтиёж пайдо қилиш воситаси сифатида қаралмоқда. Бундай ёндашув йўсини олий ўқув юртларида адабиёт ўқитишга ҳам янгича муносабатда бўлишни талаб қилмоқда.

Бугунги одам маънавияти шаклланиши учун бадиий асарни ўқиш, тушуниш ва таҳлил қилиш ҳамда битикдан келиб чиқадиган ижтимоий-эстетик маънони англаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ҳол таълим-тарбия тузилмаларида адабиёт ўқитиш самарадорлигини оширишни тақозо

қилмоқда.

Шунинг учун ҳам ушбу модул олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларига адабиёт ўқув фанларини ўқитишда янгича ёндашув йўллари борасида тушунча беради.

Модулнинг мақсад ва вазифалари

«Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари» модулининг **мақсади** малака ошириш курси тингловчиларида адабиётга доир турли фанлар, айниқса, “Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари” фанини ўқитиш борасида янгича илмий ёндашувларни ўргатиш ва уларни амалда қўллаш кўникмаларини шакллантиришни кўзда тутати.

Ушбу модулнинг **вазифалари** қуйидагилардан иборатдир:

- олий мактаб профессор-ўқитувчиларини адабиётга тегишли фанларни ўқитиш самарадорлигини оширишга доир илмий-методик янгиликлар билан таништириш;

- олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларида ўзбек адабиёти йўналишидаги исталган фандан маъруза ўқиш, амалий машғулотлар ўтиш малакасини шакллантириш;

- тингловчиларда “Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари” курси бўйича самарали сабоқлар уюштириш кўникмасини шакллантириш;

- профессор-ўқитувчиларда “Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари” курсини ўтишда турли инновацион усуллардан фойдалана билиш кўникмасини қарор топдириш;

- тингловчиларда адабиётга доир фанларни ўқитишда интерфаол усулларни қўллай олиш малакасини шакллантириш;

- тингловчиларни турли жанр ва адабий йўналишлардаги бадиий асарларни таҳлил қилишга ўргатиш.

Модул юзасидан тингловчилар билим, кўникма, малака ва компетент-лилиги даражасига қўйиладиган талаблар

«Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари» модули юзасидан тингловчилар қуйидаги **билимларга** эга бўлиши керак:

Тингловчи:

- ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари ва тараққиёт босқичларини;

- олий таълим муассасаларида адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифалари, мазмуни ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари ва принципларини;

- ўзбек тилини ўқитишнинг психоллингвистик асослари, мақсад ва вазифаларини;

- тил ўзлаштириш босқичларини;

- психоллингвистик қонуниятлар ва принципларни;

- энантиосемия – лисоний зиддиятнинг типик қўриниши ва унинг юзага келиш омилларини;

- нутқнинг ҳосил бўлиши ва қабул қилинишига қаратилган психолингвистик моделлар ҳамда матннинг тушунилишидаги ўзига хосликларни;

- фольклор асарларини филологик таҳлил қилиш йўлларини;

- ўзбек тилида лексик энантиосемия, энантиосемант, энантионим, конроним, псевдоантоним, омоантонимларнинг тузилиши ва унинг ўзига хосликларини;

- энантиосемия ҳодисасининг лингвистик моҳияти ва тилда акс этувчи энантиосемик маъноларини *билиши* керак.

Тингловчи:

- инновацион тадқиқ методларидан фойдаланиб бадиий матнни таҳлил қилиш;

- ассоциатив ёндашув асосида тил ва адабиёт масалаларига ечим топа олиш;

- хотирада сўз шаклларини сақлаб қолиш.

- нутқ механизмларини ўрганишга йўналтирилган ёндашувлар асосида тил чегараларини топиш ва қўллай олиш;

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликлари фарқлай олиш;

- энантиосемиянинг антифразис, ирония, эвфемия, дисфемиядан фарқлай олиш *қўникмаларига* эга бўлиши керак.

Тингловчи:

- ўзбек филологиясининг замонавий йўналишларда тадқиқотлар олиб бориш;

- адабиёт сабоқларида креатив технологияларни қўллай олиш;

- нутқий оқимни ташкилий қисмларга ажратиш;

- миллий менталитетга хос жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда бадиий асарни таҳлил эта олиш;

- ўзбек тилида лексик энантиосемиянинг турлари ва уларни нутқда намоён бўлишининг ўзига хосликлари фарқлай олиш *малакаларини* эгаллаши зарур.

Тингловчи:

- бадиий таҳлил қила олиш;

- креатив ёндашув асосида филолог тадқиқотларни олиб бориш;

- ўзбек тилининг ўзлаштирилишига оид, она тили дарсларида тўрт лисоний малакани – эшитиб тушуниш, ўқиб тушуниш, оғзаки нутқ ва ёзма нутқни шакллантириш;

- турли жанрлардаги асарларни филологик таҳлил қилиш;

- тиллараро энантиосемик таҳлил қилиш *компетенцияларига* эга бўлиши лозим.

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

«Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари» модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади. Модулдаги илмий қарашлар

моҳиятини тингловчиларга етказиш жараёнида ўқитишнинг замонавий усуллари, бадиий адабиёт ва эстетика илмидаги энг сўнгги ютуқлардан фойдаланиш кўзда тутилган:

- маъруза шаклидаги сабоқларда миллий ва чет эл адабиёт методикаси фанларидаги сўнгги ютуқлардан фойдаланиш;

- масофадан ўқитиш орқали тингловчиларнинг адабиёт ўқитишга доир янгиликларни мустақил эгаллаб олишларига имкон яратиш;

- амалий машғулотларда таълимнинг фикрий ҳужум, кичик гуруҳлар билан ишлаш сингари интерфаол усуллари кўллаш кўзда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари” модули ўқув режадаги мутахассислик фанларининг барчаси билан узвий боғланган.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар “Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари” мутахассислик фанини ўқитишнинг энг илғор йўллари эгаллайдилар, уларда ҳар қандай илмий даражадаги аудитория аҳли билан адабий яратиклар тўғрисида фикр билдириш кўникмаси шакллантирилади. Натижада, фанни ўқитиш самарадорлигини сезиларли оширади.

Модул бўйича соатлар тақсимооти

№	Модул мавзулари	Ҳаммаси	Ўқув юклараси (соат)		
			Аудитория ўқув юклараси		
			жумладан		
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари	2	2		
2.	Ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичлари.	2		2	
3.	Филологик талқин муаммолари	2		2	
4.	Инновацион тадқиқ методлари	2		2	
5.	Психоллингвистиканинг амалий аҳамияти. Когнитив ва ассоциатив тилшунослик.	2		2	
6.	Лингвокультурологиянинг тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари	2		2	

	талқинидаги ўрни.				
	Жами:	12	2	10	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари мақсади, вазифалари ва мазмуни ҳамда уларни такомиллаштириш йўллари. Тил тараққиётининг ҳозирги босқичида меъёрлашув, намуналашиш, табақаланиш, «интеллектуаллашув», глобаллашув, интернационаллашув ва демократлашув каби турли жараёнлар кечмоқдаки, уларнинг умумий тил тизимига, у нутқий мулоқот фаолиятига таъсири бир хилда кечмайди.

Меъёрлаштириш ёки стандартлаштириш сўзлашув тили ва ёзма тил услубларини бир қолипга тушириш, улар орасидаги фарқни йўқотиш ҳаракатидир. Бунда адабий тилнинг диалектларга таъсири ва ўзаро таъсир натижасида худудий диалектларнинг аста-секин йўқолиши кўзда тутилади. Бу хилдаги жараённинг бошланиши бадий адабиёт тилининг «камбағаллашуви», унинг грамматикаси ва луғатининг намуна ва норма вазифасини бажара олмай қолишига сабаб бўлади, инсонлар бадий адабиётдан кўра матбуот, радио, телевидение, реклама тилига кўпроқ дуч келишади. Натижада оммавий ахборот воситалари тили билан адабий тил нормаларини мувофиқлаштириш муаммоси келиб чиқади. Бундай глобал ҳодисаларнинг асосий сабаби меҳнат фаолияти жараёнидаги интеграциядир ва бу эса, ўз навбатида, мулоқот фаолиятини жадаллаштирувчи қандайдир бир «умумий тил» яратиш заруратини илгари суради.

2-мавзу. Ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичлари. Ўзбек филологияси шу кунга қадар ўзига хос тарихий этапларни босиб ўтди. Ўзбек филологиясининг ички ва ташқи тараққиёт омилларини ажратиш соҳа истикболини белгилашда амалий аҳамият касб этади. Ҳозирги ўзбек филологиясида юзага келган замонавий йўналишлар соҳа тараққиётини белгилаш билан бир қаторда тилдан амалий фойдаланиш, тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва нутқ масалаларини инсон омили нуқтаи назаридан талқин қилиш, нутқ маданияти талабларини эгаллаш, фикрни тўғри ифодалаш ва мақсадни тўғри тушунишда долзарблик касб этмоқда.

Тингловчи ўзбек филологияси тараққиёти, ўзбек тилшунослигидаги қиёсий-тарихий, систем-структур, антропоцентрик парадигмалар, замонавий йўналишдаги тадқиқотлар, антропоцентрик парадигма йўналишлари, тилшунослик ва адабиётшунослик тадқиқотларининг таҳлил объектлари, тадқиқотларнинг мақсад, вазифалари, илмий тадқиқотларнинг амалиётга татбиқи масаласида мустақил фикрига эга бўлиши лозим.

Лингвистиканинг асосий объекти инсонларга хос бўлган тилдир. Тил тизими қонуниятлари, унинг фаолияти ва тараққиёти ушбу фаннинг предмети ҳисобланади.

Жамиятни тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди; дарҳақиқат, бизга “одамийликни” тухфа қилаётган тилдир ёки, аниқроқ қилб айтадиган бўлсак, коммуникация воситаси сифатида фойдаланиш учун символлар тизимини

яратиш қобилияти. Тилсиз адабиёт, мулоқот, дипломатия, савдо, санъат, Қонун ва биз билган жамият бўлмайди. Тилни (оғзаки ёки ёзма, ички ёки очик айтилган) ўрганиш йўналишида олиб борилган изланишлар жамиятда фаол, мустақил ва ҳамкорлик фаолиятини олиб бормоқчи бўлганлар учун муҳимлиги аниқ. Бу уларга қулай ва бахтлироқ ҳаёт кечиришга имкон беради. Тил, бироқ, ўзининг асл табиатига кўра иккиюзламачи: кўп олимлар томонидан айтиб ўтилганидек, тил ўзига бўйсиндириш, назорат қилиш ва чегарлашга қодир бўлгани билан, у бизни озод қилади ва бизнинг имконият ва салоҳиятимизни оширади.¹

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

3-мавзу. Филологик талқин муаммолари. Ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичларида талқин масаласи бош мавзулардан бири бўлиб келган. Ижтимоий турмуш тарзидаги ўзгаришлар талқинларда ҳам ўз ифодасини топди. Тараққиёт шуни кўрсатдики, ижтимоий-сиёсий талаблардан келиб чиқиб таҳлил қилиш талқиннинг объективлиги, ҳаққонийлигига салбий таъсир кўрсатади.

Замонлар оша талқинлар ҳам ўзгаради. Бугунги ўзбек филологияси ўз талқин тамойилларига эга бўлиб, ички тараққиёт ва хориж тажрибаси асосида янгиланиб бормоқда.

Маълумки, оламни идрок этишнинг ҳар бир тил жамоаси онгида тарихан шаклланган, бақарорлашган ва айни шу жамоа учун хос бўлган одатий ва мажбурий усуллари мажмуи оламнинг лисоний манзарасини юзага келтиради. Оламнинг лисоний манзараси дунёни идрок этиш ва концептуаллаштиришнинг универсал ва айни вақтда миллий хосланган усуллари йиғиндисиدير.

Матн таҳлилида умумметодологик тамойиллардан фойдаланилади. Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

4-мавзу. Инновацион тадқиқ методлари. Ҳозирги вақтда «Инновация тушунчаси» жуда кенг қўлланилмоқда. *Инновация* сўзи инглизча сўз бўлиб, «инновацион» “янгилик киритиш” деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимиدير. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун хизмат қилади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингига нисбатан кўпроқ

¹ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.62

муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охирги натижадир².

Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

фаолият йўналишига кўра: *педагогик жараёндаги, бошқарувдаги инновация;*

киритилган ўзгаришлар тавсифига кўра: *локал, модулли, тизимли;*

келиб чиқиш манбаига кўра: *ички ва ташқи.*

5-мавзу. Психолингвистиканинг амалий аҳамияти. Когнитив ва ассоциатив тилшунослик.

Психолингвистиканинг асосий тадқиқот **объекти** нутқий фаолият субъекти бўлган шахс, тил эгасидир. Рус тилшунослигида мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифасини “тилнинг амал қилинишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш” бўлиши кераклигини таъкидлаган эди³.

Психолингвистика фанининг **объекти** – у ўрганадиган индивидуал объектлар мажмуидан иборат. Турли фанларда умумий, бир тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг предмети бир-биридан фарқ қилиши, яъни айни объектга бўлган қараши турлича бўлиши мумкин. Жумладан, инсон ҳам тиббиёт, ҳам психологиянинг тадқиқот объекти саналади. Лекин ҳар бир фан унга ўзининг қарашидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Тил ва тил белгиларининг тизими лингвистика, адабиётшунослик, антропология, дастурлаш ва психолингвистика фанларининг тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Яъни мазкур фанларнинг умумий объекти – турли мақсадларда ва турли вазиятларда қўлланиладиган инсон тили ва нутқи ҳисобланади⁴.

6-мавзу. Лингвокультурологиянинг тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари талқинидаги ўрни.

Лингвокультурология маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади. Лингвокультурология тилни маданиятнинг феномени, ташувчиси сифатида ўрганади. Лингвокультурология доирасида лексик даражанинг тил бирликлари семантикасидаги маданиятшуносликнинг таркибий қисмлари ва маданий маънолар талқин қилинади. Лингвокультурология тилшуносликнинг лексикология, лексикография, фразеология ва маданиятшунослик каби бўлимларининг тушунчавий тизими, сўзнинг семантик тузилиши, лексик бирликларнинг турлари ҳақида муайян билимга эга бўлишни талаб этади.

Филологик таълимда лингвокультурологиянинг антропоцентрик парадигма йўналиши сифатидаги аҳамиятини, предмети, вазифалари, методлари ва тушунчавий-терминологик аппаратини ёритиш; тил бирликларида маданиятнинг ифодаланиш даражасини таҳлил қилиш

² Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.82

³ Залевская А.А. Введение в психолингвистику. Учебник для студентов высших учебных заведений. –М., 1999. –С.25.

⁴ Белянин В. П. Психолингвистика. –М., 2004. –С. 8.

кўникмаларини шакллантириш, ўзбек тили лексикасини, луғат таркибини, барқарор бирикмаларини лингвокултурологик аспектда ўргатиш вазифалари белгиланган.

ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ

Ушбу модул бўйича қуйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- масофадан ўқитиш;
- маърузалар, амалий машғулотлар (таълим технологияларини англаб олиш, назарий билимларни амалиётга қўллаш);
- суҳбатлар орқали тингловчида муайян муаммога муносабат билдириш қобилиятини шакллантириш, унда адабий таълимга доир масалани эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хулосалар чиқариш хусусиятини қарор топдириш;
- тингловчиларни баҳс-мунозаралар пайтида муаммолар ечими бўйича далил ва асосли аргументлар тақдим қилишга, ўз фикрини асослашга ўргатиш.

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

«Хулосалаш» (Резюме, Веер) методи

Методнинг мақсади: Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характердаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айти пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммо ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва зарарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, химоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида, амалий ва семинар машғулотларида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлил қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

Методни амалга ошириш тартиби:



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гуруҳга умумий муаммони таҳлил қилиниши зарур бўлган қисмлари туширилган тарқатма материалларни



ҳар бир гуруҳ ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага ёзма баён қилади;



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар умумлаштирилади, зарурий ахборотлар билан тўлдирилади ва мавзу

“Тушунчалар таҳлили” методи

Методнинг мақсади: мазкур метод тингловчилар ёки катнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таништирилади;

- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки гуруҳли тартибда);

- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;

- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшиттиради ёки слайд орқали намойиш этади;

- ҳар бир иштирокчи берилган тугри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниқлайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.


Намуна: “Модулдаги таянч тушунчалар таҳлили”

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Қўшимча маълумот
Ассимиляция	қатор келган нутқ товушларининг бир-бирига таъсир қилиб ўзига мослаштиришидир.	
Прогрессив ассимиляция	айтди-айтти, юракга-юракка	
Регрессив ассимиляция	йигитча-йигичча, тузсиз-туссиз.	
Диссимиляция –	икки ўхшаш товушнинг ўрин алмашинуви.	
Прогрессив диссимиляция:	бирорта-биронта	
Регрессив Диссимиляция	иттифоқ-интифоқ	
Тавсифий фонетика	нутқ товушлари, уларнинг хусусияти ва характери қайд этилади. Фонетиканинг силлабика, акустика, интонасия, товуш ўзлгариши ва унинг қонуниятлари ҳақида маълумот бериладиган соҳаси.	
Тарихий фонетика	нутқ товушлари тараққиёти ўзгариши билан боғланган ҳодисалар, қонуниятлар берилади. Тилга хос фонетик жараёнлар тарихий	

	ёдгорликлар орқали ёритилади	
--	------------------------------	--

Изоҳ: Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

Намуна: Методиканинг шаклланиш тарихи. Фан сифатида ривожланиши



III. МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-Маъруза машғулот

Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари

Режа:

1. Ахборот асри ва ўзбек филологиясининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни.
2. Ўзбек филологиясининг замонавий йўналишлари – ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий эҳтиёж маҳсули.
3. Тил ўрганиш – маданиятлараро мулоқот омили. Маданиятлараро мулоқотда таржиманинг ўрни.
4. Оммавий ахборот воситаларининг лисоний муаммолари.

Асосий тушунчалар: *матн, маданиятлараро мулоқот, дунёни лисон орқали англаш, амалий филология, таҳрир масалалари, лисоний дидактика, автоматик бошқарув тизимида тил масалалари, нутқ маданияти муаммолари, реклама тили, оммавий ахборот воситалари тили, лисоний семиотика, антропоцентрик тилишунослик йўналишлари, компьютер лингвистикаси, автоматик таҳрир, ўзбек филологиясининг тараққиёт омиллари.*

Тил тараққиётининг ҳозирги босқичида меъёрлашув, намуналашиш, табақаланиш, «интеллектуаллашув», глобаллашув, интернационаллашув ва демократлашув каби турли жараёнлар кечмоқдаки, уларнинг умумий тил тизимида, у нутқий мулоқот фаолиятига таъсири бир хилда кечмайди.

Меъёрлаштириш ёки стандартлаштириш сўзлашув тили ва ёзма тил услубларини бир қолипга тушириш, улар орасидаги фарқни йўқотиш ҳаракатидир. Бунда адабий тилнинг диалектларга таъсири ва ўзаро таъсир натижасида ҳудудий диалектларнинг аста-секин йўқолиши кўзда тутилади. Бу хилдаги жараённинг бошланиши бадий адабиёт тилининг «камбағаллашуви», унинг грамматикаси ва луғатининг намуна ва норма вазифасини бажара олмай қолишига сабаб бўлади, инсонлар бадий адабиётдан кўра матбуот, радио, телевидение, реклама тилига кўпроқ дуч келишади. Натижада оммавий ахборот воситалари тили билан адабий тил нормаларини мувофиқлаштириш муаммоси келиб чиқади. Бундай глобал ходисаларнинг асосий сабаби меҳнат фаолияти жараёнидаги интеграциядир ва бу эса, ўз навбатида, мулоқот фаолиятини жадаллаштирувчи қандайдир бир «умумий тил» яратиш заруратини илгари суради.

Тилнинг табақаланиши эса социолектлар (муайян ҳудуддаги бир гуруҳ, бир ёшдаги, бир хил маданият даражаларидаги одамларнинг мулоқотидаги ўзига хосликлар), «профессиолектлар» (маълум шаклдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи кишиларнинг мулоқот тили) каби қатламларнинг фарқланишидир. Тил тараққиётидаги бу анъана илмий-техникавий

тараққийнинг, янги касблар, замонавий коммуникация воситаларининг вужудга келиши натижасидир. Масалан, ҳозирги даврда дунёдаги барча тилларнинг луғат таркибида янги атамаларнинг яратилиши, синоним, омоним сўзларнинг кенг тарқалиши, контекстуал маъно ролининг ошиши билан боғлиқ луғавий табақаланиш ҳодисаси кенг тарқалмоқда.

Тилнинг «интеллектуаллашуви» – умумий мулоқот тилига илмий тилга хос хусусиятларнинг кенг миқёсда кириб келишидир. Бу ҳолатда лисоний мулоқотнинг аниқликка, бир маъноликка, ифода воситаларини тежашга бўлган интилиши кузатилади. Бунинг сабабларидан бири фан ва техника тараққийи, жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларнинг тобора чуқурлашиб бораётганлигидир. Интеллектуаллашув тил системасининг лексик, фонологик ва морфологик қатламларида ўз аксини топади. Масалан, ҳозирги немис тилида бу ҳодисани қуйидаги жараёнларда кўриш мумкин: 1) луғат таркибига махсус илмий-техникавий атамаларнинг кўп миқдорда кириб келиши (масалан, «Plast»- дастлаб бу термин органик кимёга мансуб эди, ҳозирги пайтда у «сунъий мато» маъносини англатади.); 2) тилда мавжуд бўлган луғат бирликларининг махсус семантик маънога эга бўлиши⁵.

Тилнинг интернационаллашуви – умумий тилнинг бир неча тилларда мавжуд бўлган, бир хил шакл ва маънода ишлатилувчи янги сўзлар билан бойишидир. Тилларнинг интернационаллашувида инглиз тили муҳим ўрин тутди. Лотин, юнон ва бошқа тиллар асосида ҳам янги интернационал сўзлар вужудга келмоқда. Масалан, олмонча: «Autopilot» - автопилот, «Antikriegs film» - урушга қарши фильм; ўзбекча: «мониторинг», «лицей», «траффик», «гендер» кабилар.

Тилнинг демократлашуви – бу ёзма ва сўзлашув тилининг бир-бирларига яқинлашувидир. Бу ҳодиса сўзлашув тилидаги бирикмаларнинг ёзма нутққа кириб келишида ўз аксини топади. Масалан, немис тили ёзма нутқда мустаҳкам ўрин олган «Fernsehen» - «телевидение» сўзи ёшларнинг сўзлашув тилида «Television» сингари қўлланилади, асос сўз «Tele» эса айрим қўшма отларнинг ясалишида ишлатилади: «Tele - Theater» - телетеатр, «Tele - Klub» - телеклуб; қиёсланг: ўзбекча «Теледебат», «Телеўйин».

Бугунги куна ўзбек филологиясининг амалий характер касб этиб бораётганлигини, назарий қоидалардан амалий фойдаланиш кўникмалари томон борилаётганлиги эътиборга моликдир. Тил имкониятларидан ўринли фойдаланиш, нутқ жараёнида инсон омили, вазиятлар омилини эътиборда тутиш, коммуникациянинг психолингвистик, нутқий жараёнлари, матнни тўғри ифода этиш ва тўғри тушуниш, реклама, оммавий ахборот воситалари матни саводхонлигини таъминлаш замонавий филологиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Ўзбек тили мавқини оширишда, тилдан фойдаланиш имкониятларини такомиллаштиришда, кенг халқ оммасининг она тили саводхонлигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ўрни, айниқса, каттадир.

⁵ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.43/
Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.-Самарқанд, 2015.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримов, Республика Президенти Ш.Мирзиёевлар чиқишларида, асарларида оммавий ахборот воситалари (ОАВ) фаолияти учун зарур вазифалар белгилаб берилган ва уларнинг ҳозирги ҳолати баҳоланган. Мустақиллик йилларида ОАВнинг сони ошиб борган сари уларнинг ҳуқуқий кафолатланиши, журналистларнинг жанр имкониятлари ва тилдан фойдаланиш маҳоратларини кўрсатишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Журналистлар фаолиятининг ҳуқуқий кафолатланганлиги ва ижод эркинлиги ОАВ, жумладан, газетанинг жамиятдаги роли, газета жанрларининг тили ва услубини атрофлича ўрганишни талаб этади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган туб ислохотларнинг самарасини ОАВ иштироксиз тасаввур этиш қийин. Шу сабабли жамият янгиланаётган бир пайтда ОАВ зиммасига жуда катта масъулият юкланди. Бунда, энг аввало, ижодий жамоа ва унинг раҳбаридан ўз ишига масъулият билан ёндашиш, касб маҳоратини юқори даражада эгаллаш ва уни такомиллаштириб бориш талаб қилинади.

А.Абдусаидовнинг «Газета жанрларининг тил хусусиятлари»⁶ мавзуидаги докторлик диссертациясида Республика ва айрим маҳаллий газеталар материаллари асосида газета жанрларининг тил хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган. А.Абдусаидов тадқиқотида газета тилини ўрганишга доир обзорлар берилган. Ўзбек тилшунослигида публицистик услуб, хусусан, газета тили ва услуби, газета жанрларининг ўзига хос хусусиятлари К.Юсупов, А.Бобоева, С.Муҳамедов, Т.Қурбонов, А.Абдусаидов томонидан маълум даражада тадқиқ этилган.

Кейинги йилларда ОАВда нутқ маданияти масалаларини ўрганишга доир махсус илмий тадқиқотлар яратилган. Масалан, Д.Тешабоевнинг «Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида)» мавзуидаги докторлик диссертацияси амалий аҳамиятга эга.

А.Абдусаидов газета матнларида учрайдиган русча-байналмилал сўзлар ва уларнинг дублетларини тўплаб, “Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи (газета материаллари асосида)” номли ўқув қўлланмасини яратган⁷. Қўлланмада газета тилида лексик дублетларни қўллашдаги 1989 йилдан кейинги 4-5 йил ичидаги жараён таҳлил этилган. Унда *республика – жумҳурият, тарих – мозий, министр – вазир, журнал – мажалла, университет – дорилфунун, диагноз – таиҳис* кабиларнинг маъно хусусиятларини ўрганиш мақсадида газеталардан мисоллар тўплаб, уларни изоҳлайди. Ҳозирги давр газеталари мисолида лексик дублетлар, айрим адабиётларда қайд этилганидек, абсолют синонимларни атрофлича ўрганиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон ОАВ, хусусан, газета жамоатчилиқ

⁶ Абдусаидов А. Газета жанрларининг тил хусусиятлари: Филол.фан. доктори...дис.автореферати – Самарқанд, 2005. - 48 б.

⁷ Абдусаидов А. Лексик дублетлар ва уларнинг изоҳи (газета материаллари асосида). – Самарқанд: 1993. - 112 б.

фикрини акс эттиришни, аҳолини холис ахборот билан таъминлашни асосий мақсад қилиб олган. Шу нуқтаи назардан, ахборотнинг таъсирчанлиги муҳим аҳамиятга эга. Газета тилида қўлланилаётган сўз ва ибораларнинг омма онгига қай даражада таъсир этиши улар олаётган маълумотлар тез ва тушунарли бўлиши журналистнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига, айниқса, лексик-фразеологик воситалардан ўринли фойдаланишига ҳам боғлиқ. Бундай лексик birlikлар орасида синонимларнинг ҳам аҳамияти катта.

Ҳозирги муҳим жараён глобаллашув ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий ҳаётга, айтилиши вақтда, инсонларнинг турмуш тарзи ва дунёқарашига ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Ахборотни холис, таъсирчан етказишда газетанинг роли юксак. Газета тили ахборотни ихчам, мантқиқли, холис, таъсирчан ифодалашда ўзига хос хусусиятларга эга. Таъсирчанликни таъминлашда лексик ва фразеологик воситалардан унумли ва ўринли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Газета тилида икки муҳим хусусият - информация, ахборот бериш ва уни таъсирчан етказиш бир-бири билан чамбарчас ҳолда амал қилади. Газета тилида турли жанрдаги материалларнинг мазмунли, аниқ, таъсирчан бўлишини таъминлашда тилнинг бошқа лексик воситалари қатори синонимлар ҳам муҳим стилистик восита сифатида хизмат қилади. Газета тилида синонимлар фақат такрор ва қайтариқларнинг олдини олишда муҳим лексик восита бўлмасдан, таъсирчанликни таъминлашда ҳам кучли стилистик восита ролини бажаради.

Газета турмушимиз кўзгуси сифатида ҳаётдаги воқеа-ҳодисалар, уларнинг мазмун-моҳияти, муаммо ва уларнинг ечими ҳақида ахборот бериш, инсонларнинг муносабатини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, у ёки бу муаммо тафсилотлари, инсонларнинг жамият ҳаётидаги дахлдорлиги, ўзаро муносабатлари ва бошқаларга баҳо беришда маълум бир мезонларга амал қилинади. Ана шу мезон – ўзига хос баҳо синонимлар, айниқса, сифат сўз туркумига оид синоним сўзлар орқали амалга оширилади.

Газета тили ўзига хос хусусиятларга эга. Унда ахборот бериш таъсирчанликни таъминлаш билан уйғунлашган ҳолда олиб борилиши зарур. Тилнинг луғавий birlikлари газета тилининг барча имкониятларини намойиш қилиш учун муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, синоним сўзлар ва фразеологизмлар муҳим аҳамият касб этади.

Лексик синонимлар газета матнларида кучли стилистик восита ролини бажаради. Синоним сўзларнинг маъно хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўринли ишлатиш газета жанрларида таъсирчанликни ифодалашнинг муҳим омилларидан саналади. Ахборот, таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда синонимлардан фойдаланиш ўзига хос талабларга эга. Масалан, нейтрал маъноли синоним сўзлар ахборот жанрларида, эмоционал-экспрессив бўёқдор синоним сўзлар таҳлилий ва бадиий-публицистик жанрларда стилистик восита ролини бажаради.

Фразеологизмлар кучли стилистик восита сифатида газета тилининг

образлиги оширишга хизмат қилади. Таъсирчанликни ошириш ва қайтариқларнинг олдини олишда фразеологик синонимиядан ўринли фойдаланилади.

Оммавий ахборот воситалари тилининг психолингвистик хусусиятлари ҳам таҳлил этилган. Газета матнлари перцепциясига бағишланган мазкур диссертация оммабоп матнларни тушунишнинг психолингвистик асосларини ёритишга қаратилган⁸.

Шундай дастур ҳам борки, у муайян матндаги ҳар бир абзацни таҳлил қилади: асосий саволларни қўяди, ўзи жавоб беради. Boris – дарак гапли матнларни чуқур тушунишга мўлжалланган амалий тизим. Матнларни чуқурроқ тушуниб, унинг саволларига жавоб берувчи тажрибавий дастур. У билимлар манбаига асосланиб ишлайди. Фақат мазмунни эмас, матндаги барча дарак гапларни таҳлил қилади. Намуна тариқасида мисолларга мурожаат қиламиз.

Биринчи абзацни қайта ишлаш:

Бир аёл аэропортда самолёт учишини кутарди. Аммо ҳали эрта эди. Бекор ўтиришни ёқтирмаган аёл дўкондан битта китоб ва печенье сотиб олди. Бўш курсилардан бирига ўтириб, китобини ўқий бошлади. Китобни берилиб ўқир экан, ногоҳ ёнида ўтирган одам печеньеесидан олишга журъат қилаётганини сезиб қолди. Аммо биргина печенье учун бетакаллуфлик қилгиси келмади.

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Ким аэропортда самолёт учишини кутарди?*
- Бир аёл.
- *Аёл дўкондан нималар сотиб олди?*
- Битта китоб ва печенье.
- *Аёл китобни ўқийётганида ёнида ўтирган одам нима қилди?*
- Аёлнинг печеньеесидан олишга журъат этди.

Иккинчи абзацни қайта ишлаш:

Дам-бадам у ҳам соатга қараб қўярди. Китоб ўқиб, биттадан печеньеени ўғринча олаётган одамга кўз қирини ташлар экан, асабийлашмасликка уринарди. Печенье ўғрисига эътибор бермасликка ва соат миллари юришини кузатиб, унинг чиққиллашини эшитишга ҳаракат қиларди. Ўзига ўзи: “Агар маданиятли бўлмаганимда, шу одамнинг кўзларини кўкартирардим”, – деб қўйди. Ҳар гал печенье оламан, деганида ёнидаги одам ҳам қўлини узатарди. Охири пакетда битта печенье қолгач, “Қани энди нима қиласан?”, – деди ичида. Одам истехзоли кулимсираб, охирги печеньеени олди ва иккига бўлиб, ярмини оғзига солди; ярмини эса аёлга узатди. Аёл иддао билан печеньеени олар экан, “Бу қандай безбетлик! Бунчалар қўпол бўлмаса, бу одам. Бир оғиз раҳмат ҳам демади!” – деб гапириб кетди ўз-ўзига.

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

⁸ Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.

- *Аёл дам-бадам нима қиларди?*
- *Соатга қараб кўярди.*
- *Ким “Агар маданиятли бўлмаганимда, шу одамнинг кўзларини кўкартирардим”, деб айтади?*
- *Аёл ўзига-ўзи.*
- *Пакетда бита печенье қолгач, аёл ичида нима деди?*
- *Қани энди нима қиласан?*
- *Печенье олаётган одам қандай ҳаракат қилди?*
- *Охирги печеньеени иккига бўлиб, ярмини оғзига солиб, ярмини аёлга берди.*

Учинчи абзацини қайта ишлаш:

Аёл ҳеч қачон бундай асабийлашмаганди. Самолётнинг учиш вақти етгач, чуқур тин олди. Юкларини олиб, эшик томон юрди. “Печенье ўғриси”га қайрилиб ҳам қарамади. Самолётга чиқди ва ўрнига жойлашди. “Печенье ўғриси”дан қутулганига шукр қилди. Бироқ, унинг адабини бермаганига афсусланди. “Жаноб, – дейиши керак эди у. – Шукр қилинг, сиздек сурбет эмасман. Акс ҳолда юзингизга шапалоқ туширган бўлардим. Аммо, сиз қилган иш расман ўғрилиқ саналади. Печене ўғрилиги... Билдингизми?!”

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Аёл самолётнинг учиш вақти келгач нима қилди?*
- *Чуқур тин олди.*
- *Аёл нимага шукр қилди?*
- *Печенье ўғрисидан қутулганига.*
- *Нимага афсусланди?*
- *Унинг адабини бермаганига.*

Тўртинчи абзацини қайта ишлаш:

Шуларни хаёл қилиб, қўлини сумкага узатди. Чала қолган китобини олиб ўқимоқчи бўлди. Аммо, не кўз билан кўрсинки, дўкондан сотиб олган бир пакет печеньееси унинг сумкасида турарди. Бир оғиз ҳам гапирмай, энг охирги печеньеесини ҳам у билан баҳам кўрган одамдан бориб узр сўрашга энди кеч эди... “Кўпол ва журъатли печенье ўғриси”нинг самолёти осмонга кўтарилди...

Тизим савол-жавоб режимида ишлашга ўтади:

- *Аёлнинг сумкасида нима бор эди?*
- *Дўкондан сотиб олган бир пакет печеньееси.*
- *Кимнинг самолёти осмонга кўтарилди?*
- *“Кўпол ва журъатли печене ўғрисининг”.*

Юқоридаги матнни қуйидагича системалаштириш мумкин:
МЕТАКОР(сабаб занжири): Ўғрилиқ

- **PTRANS**(маълум бир объектнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиши) : Самолётнинг учиши;
- **ATRANS**(маълум бир шахснинг муайян нарсага эга бўлиши, назорат қилиши) : Аёлнинг юкларига эгалик қилиши;

- ATTEND (воқеаларга туртки бўлган ҳолат): Печенье сотиб олиниши;
- PROPEL (маълум нарсага эришиш учун ҳаракат қилиш): Сумкадан китобнинг олиниши.

АТВ(аффектив мазмунли блоклар, инсоннинг психологик ҳолати):

1. Асабийлашиш.
2. Шукр қилиш.
3. Афсусланиш.
4. Кулимсираш.⁹

Хулоса қилиб айтганда, Boris тизимини такомиллаштириш компьютер лингвистикасининг истиқболларидан бири бўлиб, матн мазмунини ўзлаштиришдаги юқори самарадорлиги билан аҳамиятлидир.

Назорат саволлари

- 1.Тилнинг «интеллектуаллашуви» деганда нимани тушунаси?
- 2.Тилнинг «интернационаллашуви» масаласини ёритинг.
- 3.Тилнинг «демократлашуви» ҳақида мулоҳазаларингизни баён этинг.
- 4.Оммавий ахборот воситалари тилнинг имкониятлари ҳақида сўзланг.
- 5.Антропоцентрик йўналишларнинг моҳиятини ёритинг.
- 6.Компьютер лингвистикасининг янги йўналиш сифатидаги аҳамиятини асосланг.
- 7.Автоматик таҳрир дастурларининг тил ўқитиш ва саводхонликни таъминлашдаги ўрни ҳақида мулоҳаза билдинг.
- 8.Савол-жавоб тизимининг матн мазмунини ўзлаштиришдаги, ахборот бериш, эмоционал-экспрессив функция бажаришдаги аҳамиятини ёритинг.
- 9.Замонавий филологиянинг амалий характер касб этиши омиллари ҳақида фикр билдинг.
- 10.Амалий филология масалаларининг тилдан амалий фойдаланиш кўникмаларини ҳосил қилишдаги, шахс омилини ёритишдаги ўрни ҳақида маълумот беринг.

Адабиётлар:

1. Абдусаидов А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.
2. Абдусаидов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.
3. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.
4. Абдусаидов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.
- 5.Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.-Тошкент, 1999.

⁹Abduhamidova L.Tilshunolsikning yangi yo'nalishlari: kompyuter lingvistikasi.-Т.,2015.

6. Abduhamidova L. Tilshunolsikning yangi yo‘nalishlari: kompyuter lingvistikasi.- T., 2015.
7. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.
8. Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.- Самарқанд, 2015.
9. Алимова Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.
10. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007
11. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
12. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Т., 2003.
13. Загвезинский. В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990
14. Зимняя И.А. Научно-исследовательская работа: методология, теория, практика организации и проведения. М. 2000.
15. Ирискулов М. Лингвистик таҳлил методлари. Китоьда: Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1992.
16. Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.
17. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари.- Тошкент, 2016.
18. Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия, 2003.
19. Сластинин. В.А. Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М., 1997.
20. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б
21. То‘хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – Т., 2006
22. То‘хлиев В.. Adabiyot o‘qitish metodikasi. Toshkent, Yangi asr avlodi , 2006.

Интернет ресурслари (сайтлари)

1. <http://bitcoin.org>. >innovation
2. <http://ru.m.wikipedia.org/wiki/un>
3. www.literature.uz
4. www.genhis.philol.ru
5. www.library.ziyonet.uz
6. www.lingvo-online.ru
7. www.globalterminology.com
8. www.basiccomputerterminology.com
9. www.tilde.com
10. www.oxfordhandbooks.com
11. www.tdpu.uz

12. www. pedagog.uz
13. www. edu.uz
14. tdpu-INTRANET. Ped
15. www.bbc.com/russian/learning_english
16. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>

IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛЛАРИ, ТОПШИРИҚЛАР ВА УЛАРНИ БАЖАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

1-амалий машғулот. Ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичлари

Амалий машғулот мақсади: Ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичлари, янги йўналишлари ҳақида маълумот бериш, тилшунослик ва адабиётшуносликдаги даврлаштириш масаласи, мезонлари, тамойиллари, амалий филология, тилшунослик предмети, ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойиллари ҳақида умумий хулосаларни баён этиш, замонавий филологиянинг талаб ва эҳтиёж асосида амалий характерга эга бўлиши, бунинг соҳа асосларини ўзлаштиришдаги аҳамиятини ёритиш.

Асосий иборалар: ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичлари, замонавий йўналишлар, даврлаштириш масаласи, даврлаштириш мезонлари, даврлаштириш тамойиллари, замонавий филология, амалий филология, тилшунослик предмети, ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойиллари, тил тараққиёти ва ўзгарувчанлиги, тилнинг ижтимоий вазифалари, тил бирликлари таснифи, тил бирликларининг турли талқинлари, янги қарашларнинг шаклланиши, инновацион ёндашув.

Масаланинг қўйилиши: ўзбек филологияси шу кунга қадар ўзига хос тарихий этапларни босиб ўтди. Ўзбек филологиясининг ички ва ташқи тараққиёт омилларини ажратиш соҳа истиқболини белгилашда амалий аҳамият касб этади. Ҳозирги ўзбек филологиясида юзага келган замонавий йўналишлар соҳа тараққиётини белгилаш билан бир қаторда тилдан амалий фойдаланиш, тил ва жамият, тил ва тафаккур, тил ва нутқ масалаларини инсон омили нуқтаи назаридан талқин қилиш, нутқ маданияти талабларини эгаллаш, фикрни тўғри ифодалаш ва мақсадни тўғри тушунишда долзарблик касб этмоқда.

Тингловчи ўзбек филологияси тараққиёти, ўзбек тилшунослигидаги қиёсий-тарихий, систем-структур, антропоцентрик парадигмалар, замонавий йўналишдаги тадқиқотлар, антропоцентрик парадигма йўналишлари, тилшунослик ва адабиётшунослик тадқиқотларининг таҳлил объектлари, тадқиқотларнинг мақсад, вазифалари, илмий тадқиқотларнинг амалиётга татбиқи масаласида мустақил фикрига эга бўлиши лозим.

Лингвистиканинг асосий объекти инсонларга хос бўлган тилдир. Тил тизими қонуниятлари, унинг фаолияти ва тараққиёти ушбу фаннинг предмети ҳисобланади.

Жамиятни тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди; дарҳақиқат, бизга “одамийликни” тухфа қилаётган тилдир ёки, аниқроқ қилб айтадиган бўлсак,

коммуникация воситаси сифатида фойдаланиш учун символлар тизимини яратиш қобилияти. Тилсиз адабиёт, мулоқот, дипломатия, савдо, санъат, Қонун ва биз билган жамият бўлмайди. Тилни (оғзаки ёки ёзма, ички ёки очик айтилган) ўрганиш йўналишида олиб борилган изланишлар жамиятда фаол, мустақил ва ҳамкорлик фаолиятини олиб бормоқчи бўлганлар учун муҳимлиги аниқ. Бу уларга қулай ва бахтлироқ ҳаёт кечиришга имкон беради. Тил, бироқ, ўзининг асл табиатига кўра иккиюзламачи: кўп олимлар томонидан айтиб ўтилганидек, тил ўзига бўйсиндириш, назорат қилиш ва чегарлашга қодир бўлгани билан, у бизни озод қилади ва бизнинг имконият ва салоҳиятимизни оширади.¹⁰

Грамматикага доир илк ишлар дастлаб ҳар қандай тил тизими учун хос деб ҳисобланган. Кўпгина халқларнинг мутаффақирлари бир тил грамматикасини иккинчисига нисбатан тадбиқ қилишни табиий ҳол деб қабул қилишган. Қизиқарли томони шундаки, XVIII асрда юнон-лотин тилларидаги кўпгина феъл замонларини рус тили грамматикаси кўчириб олгани каби, XX асрнинг 50- йилларигача туркий тиллар грамматикаларида ҳам рус тили грамматикаси аънаналарига хос бўлган феълнинг замон шакллари ҳақидаги маълумотларни қайд этишга ҳаракат қилинган.

Тилнинг инсонга хослиги туфайли индивидуал ва бутун халққа тегишли бўлганлиги учун ижтимоий эканлигини эътироф эта туриб, Хумбольдт тилдаги субъективлик ва объективлик яхлитлигини ҳамда тарихий тараққиёт ва фаолият ҳамоҳанглигини таъкидлаб ўтади. Хумбольдт тил ва маданият, тил ва ёзув муносабатлари ҳақидаги масалага эътибор қаратди ва тилнинг билиш қуроли сифатидаги ўрнини кўрсатиб берди.

Хумбольдтнинг ғоялари Август Шлейхер (1821-1868), Александр Афанасьевич Потебня (1835-1891), Иван Александрович (Ян) Бодуэн де Куртенэ (1845- 1929) каби йирик тилшуносларнинг лингвистик қарашларига катта таъсир кўрсатди.

Хумбольдт тилнинг фаолият эканлигини таъкидлаб ўтади. Лекин у тилни фаолият қуроли сифатида қўлланиши ва лисоний фаолиятнинг ўзи ўртасидаги аниқ чегарани ажратиб бера олмади. «Тил-нутқ» дихотомиясини лингвистикага бир неча йиллардан сўнг, замонавий лингвистикага асос солиш борасида И. А. Бодуэн де Куртенэ билан бир қаторда турган олим Фердинанд де Соссюр (1857-1913) киритди.

Соссюрнинг муҳим хизмати – *тилни белгилар тизими сифатида* тушунишнинг асосий тамойилларини шакллантирганлиги, синхронликни аниқ чегаралаганлиги, яъни тилни ўзгариш ва тараққиёт жараёнида таҳлил этганлиги ва *тилнинг тизимли характери* ҳақидаги масалани аниқ қўя билганлигидадир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, Соссюр тил тизими ҳақида Хумбольдт ва айниқса Шлейхер каби организм сифатида эмас, балки айнан тизим сифатида фикр юритади.

1.2. Тилшунослик фанининг предмини белгилаш

Тилшунослик фанининг предмети тушунчаси тарихий нуқтаи назардан

¹⁰ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.62

Ўзгарувчан характерга эгадир. Маълумки, тил ҳақидаги фан тўғри ёзиш ва ўқиш ҳақидаги таълимотлар билан бошланган эди. Ушбу таълимот *грамматика*, яъни «ёзув санъати» деб аталган. Аммо ана шундай аниқ амалий мақсадга эришиш жуда кенг қамровли масалаларни ҳал қилишни талаб этди. Масалан, тил ўзгарувчанлиги, тиллардаги фарқлар, қадимий матнлар ёки хорижий тилдаги ёзувни ўқишга ўргатиш каби масалалар шулар жумласидандир. Ёзувнинг яратилиши эса товушлар ва ҳарфлар муносабати ҳақидаги масалани ҳал қилишни тақозо этди. Бундан ташқари, товушларнинг барча турлари эмас, балки фақат маънони ажратишга хизмат қиладиган ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товуш белгилари учунгина ҳарфлар яратиш зарур эди.

Сўз ўзгариши ва гапдаги сўзларнинг боғланиш қоидаларини билмасдан туриб тўғри ўқиш ва ёзиш мумкин эмас. Шундай қилиб, аста-секинлик билан грамматика «ёзув санъатидан» сўзларнинг ўзгариши ва боғланиши, товушлардан сўзлар тузиш ва уларнинг маънога эга қисмлар (морфемалар)дан ташкил топиши ҳақидаги фанга айланиб борди¹¹.

Маълумки, бундай ёндашувда тилнинг жуда муҳим элементи – сўз тил ҳақидаги фан қизиқиши доирасидан четда қолади. Шундай бўлсада, амалиёт луғатлар тузиш заруратини туғдирди. Натижада, тил ҳақидаги фан ўз таркибига *лексикология* фанини, яъни луғат таркиби ҳақидаги фанни ҳам киритди. Тўғри ўқиш ва ёзишга ўргатишда тил тизими ва ёзувни билиш етарли эмас. Тилнинг қандай ҳаракат қилиши ва фаолиятини англаш ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Шу асосда тил фаолияти муаммолари – аввалига намунавий нутқ таълимоти бўлган риторика ва кейинчалик, услублар ҳақидаги таълимот – стилистика билан боғлиқ ҳолда тил ҳақидаги фан предмети таркибига киритилди.

Лингвистиканинг бугунги ҳолати дедуктив ва индуктив ёндашувларнинг лингвистик тадқиқотларда амалда бирлаштирилиши ва кузатишлар, тажрибалар ва олинган маълумотларни йиғишни ўзаро боғлашни талаб этмоқда.

«Умумий тилшунослик» фанининг икки мустақил тармоққа бўлинган. Тармоқлардан бири *умумий тилшунослик* бўлиб у дунёнинг турли тиллари доирасида олиб борилган кузатишларни умумлаштириш ва ана шундай умумлаштирилган хулосалар асосида тилларнинг структураси, фаолияти ва тарақққиётига хос умумий қонуниятларни аниқлаш каби вазифаларни ўз олдига қўйса, умумий тилшуносликнинг иккинчи тармоғи бўлган *назарий тилшуносликда* эса тилларнинг структураси, фаолияти ва тарақққиётининг моделлари яратилади.

Умумлингвистик тадқиқотлар тизимида *типологик лингвистика* ўзига хос ўринни эгаллайди. Дунёдаги турли тилларнинг қиёсий таҳлили муайян белгиларга кўра тилларни, уларнинг товуш ва грамматик тизимлари, луғат бойлиги ва услубий турларини маълум типларга бирлаштириш имкониятини

¹¹ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.68

беради¹².

Хумбольдт давридаёқ тилларнинг морфологик структурасидаги фундаментал хусусиятларни эътиборга олишга асосланган типологик таснифлаш кенг тарқалган эди. Ушбу таснифга мувофиқ тилларнинг қуйидаги типлари ажратилган:

1. Сўз таркибида ёрдамчи морфемалар ишлатилмайдиган *аморф тиллар*;

2. Ёрдамчи морфемаларнинг ўзакда сезиларли ўзгаришларни юзага келтирмасдан унга агглютинатинация (яъни елимлаш) йўли билан бирикадиган *агглютинатив тиллар*;

3. Ёрдамчи морфемалар ўзак билан жуда яқин бирикадиган ва бунда ўзакда ҳам, ёрдамчи морфемада ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берадиган *флектив тиллар*.

Ушбу типлар гуруҳига яна бир типни, яъни полисинтетик тилларни киритиш мумкин. Бу тиллардаги ўзак ва ёрдамчи морфемалар бирикиб, муайян даражада сўз–гап ягона тузилмасига айланади (Америка хиндулари тиллари ва Осиёдаги баъзи тиллар – чукот, коряк ва ҳ.к.). Ушбу таснифлашни таниқли америкалик лингвист Эдуард Сепир (1884–1939) аниқлаштирган ва бунда у кўпгина нотаниш тиллардан тўпланган фактларни инобатга олган.

Умумий ва амалий тилшунослик ўзининг назарий аспектларида яқин алоқададир. Тарихдан тилшуносликнинг мақсади тил ва тўғри ёзишни ўргатишга қаратилганлигини айтдик. Кейинги даврларда ушбу вазифалар қаторига инсоннинг машина ва компьютер билан ўзаро мулоқоти билан боғлиқ вазифалар ҳам қўшилди.

Умумий тилшунослик лингвистиканинг назарий ядроси ҳисобланади. Тил назарияси инсоният мулоқотининг муҳим воситаси сифатида ҳар қандай табиий тил доирасида олиб бориладиган тадқиқот ишининг асосини ташкил этади. Дунёнинг турли тиллари структураси, фаолияти ва тараққиётида юз берадиган ҳар қандай ҳодисанинг тўлақонли таҳлилини амалга ошириш ишончли назарий асос ва методологик тамойиллар билан таъминланиши зарурдир.

Ўзбек адабиётининг тараққиёт тамойиллари.

Поэтика тарихини даврлаштириш ҳам, худди адабий алоқалар тарихини даврлаштириш каби, адабиёт тарихини даврлаштиришга ёрдам беради, яъни методологик асалардан бири бўлиб хизмат қилади. Икки жилдли “Адабиёт назарияси” (“Теория литературы”) қўлланмасидаги даврлаштириш анча йиллардан бери давом этиб келган икки босқичли – *синкретизм* ва *индивидуал ижод* даврига (А.Н.Веселовский, Ю.М.Лотманнинг даврлаштиришга) жиддий аниқликлар киритди. Аниқлик шундан иборат бўлдики, поэтика тарихи икки босқичдан эмас, балки уч босқичдан иборат бўлиб, булар *синкретизм даври* (ибтидоий даврдан Антик давргача), *эйдетик поэтика даври* (милоддан олдинги VII-VI асрдан милодий XVIII асргача) ва *бадий модаллик поэтикаси* (XVIII асрдан бугунгача) давридир.

¹² Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.69

Қўлланманинг иккинчи жилдини муаллифлар ҳар бир даврнинг ўзига хос мезонларини далиллашга бағишлаганлар. Мезонлар: *синкретизм даври поэтикасида* – образ, сюжет, адаби турлар, жанрларнинг битта объект доирасида яхлит ҳолда намоён бўлиши, архаик онгнинг, ҳозиргидан фарқли равишда, ажралмас яхлит табиатга эга бўлиши; *эйдетик поэтика даврида* – индивидуал ижод ибтидоси, кўчимларнинг пайдо бўлиши, образларнинг сўз орқали ифодаси, жанрлар тизимининг юзага келиши, бадий асарда муаллиф позицияси; *бадий модаллик поэтикаси даврида* – бадий модаллик тамойиллари, поэтикада субъективлик қатлами, реализмнинг босқичлари, бадий воситаларнинг трансформациялашуви, образли тилга муносабат ва ҳ. Агар ўзбек адабиётини даврлаштиришга татбиқ этадиган бўлсак, синкретизм даври поэтикасида – туркий мифлар ва культлар фаолиятда бўлган даврни (айниқса, синкретизм мифларда ва ибтидоий даврга оид амалий ҳамда тасвирий санъат асарларида яхлит ҳолда аниқ намоён бўлади – уларда образлилик ҳам бор, ўз даврига оид одатлар ҳам акс этган, ҳикоя ёки эртак жанри ва б. ҳам бор), эйдетик поэтика даври – қадимги туркий ёзма ёдгорликлардан бошлаб “Девону луғатит-турк”даги шеърӣ парчалар ва афсоналарнинг бадий модаллик поэтикаси даври – Қорахонийлар сулоласидан бошлаб бугунгача бўлган адабий жараённи қамраб олади. Айтганларимиз – тарихий поэтикага оид, умуман, “Тарихий поэтиканинг предмети...бадийлик тамойиллари, усуллари ва шакллариининг келиб чиқиши ва тараққиёти”дан иборат. Ўзбек адабиёти тарихини даврлаштиришга асос бўладиган адабий категориялар айнан тарихий поэтикада шаклланган.¹³

Топшириқлар

1-топшириқ: Тил ўқитишда компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланиш. Матнларни автоматик таҳрир қилиш дастури. Boris тизими. Ўзбек тили дарсларида аудио, видео материлларидан дарслик ва қўлланмаларнинг электрон версияларидан фойдаланиш йўллари. Тил ўқитишда компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланиш каби мавзуларни жамоавий тарзда ёритинг.

2-топшириқ. Ўзбек филологиясининг янги йўналишлари ҳақида маълумот беринг. Компьютер лингвистикасининг амалий аҳамияти ҳақида сўзланг. Тил ўқитишда компьютер лингвистикаси имкониятларидан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида фикр билдириңг.

¹³ Н.Раҳмонов. Ўзбек адабитини даврлаштириш масалалари. Тошкент – 2016.Б.7-8.



Адабиётлар:

5. Абдусайдов А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.
6. Абдусайдов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.
7. Абдусайдов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.
8. Абдусайдов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.
5. Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.- Тошкент, 1999.
6. Abduhamidova L. Tilshunolsikning yangi yo‘nalishlari: kompyuter lingvistikasi.- T.,2015.
7. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.

8. Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.- Самарқанд, 2015.
9. Алимova Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.
10. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007
11. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
12. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Т., 2003.
13. Загвезинский. В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990
14. Зимняя И.А. Научно-исследовательская работа: методология, теория, практика организации и проведения. М. 2000.
15. Ирискулов М. Лингвистик таҳлил методлари. Китобда: Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1992.
16. Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.
17. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари.- Тошкент, 2016.
18. Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия, 2003.
19. Сластикин. В.А. Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М., 1997.
20. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б
21. То‘хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – Т., 2006
22. То‘хлиев В.. Adabiyot o‘qitish metodikasi. Toshkent, Yangi asr avlodi , 2006.

Интернет ресурслари (сайтлари)

1. <http://bitcoin.org>. >innovation
2. <http://ru.m.wikipedia.org/wiki/un>
17. www.literature.uz
18. www.genhis.philol.ru
19. www.library.ziyonet.uz
20. www.lingvo-online.ru
21. www.globalterminology.com
22. www.basiccomputerterminology.com
23. www.tilde.com
24. www.oxfordhandbooks.com
25. www.tdpu.uz
26. www.pedagog.uz
27. www.edu.uz
28. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
29. www.bbc.com/russian/learning_english
30. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>

2-амалий машғулот. Филологик талқин муаммолари

Амалий машғулот мақсади: Ўзбек филологиясидаги талқин муаммосини ёритиш, талқин муаммосининг ўзбек филологияси тараққиёт босқичларидаги ифодасини таҳлил қилиш.

Асосий иборалар: умумметодологик тамойиллар, феноменологик талқин, феноменология, герменевтика, матнларни тушуниш, талқин қилиш санъати, талқин қилиш тамойиллари, герменевтика, лингвистик прагматика синергетика, «ташқилланиш», «ташқил этиш», фуракция, беқарорлик, барқарорлик, тартиб (космос), тартибсизлик (хаос).

Масаланинг кўйилиши: Ўзбек филологиясининг тараққиёт босқичларида талқин масаласи бош мавзулардан бири бўлиб келган. Ижтимоий турмуш тарзидаги ўзгаришлар талқинларда ҳам ўз ифодасини топди. Тараққиёт шуни кўрсатдики, ижтимоий-сиёсий талаблардан келиб чиқиб таҳлил қилиш талқиннинг объективлиги, ҳаққонийлигига салбий таъсир кўрсатади.

Замонлар оша талқинлар ҳам ўзгаради. Бугунги ўзбек филологияси ўз талқин тамойилларига эга бўлиб, ички тараққиёт ва хориж тажрибаси асосида янгилашиб бормоқда.

Маълумки, оламни идрок этишнинг ҳар бир тил жамоаси онгида тарихан шаклланган, бақарорлашган ва айни шу жамоа учун хос бўлган одатий ва мажбурий усуллари мажмуи оламнинг лисоний манзарасини юзага келтиради. Оламнинг лисоний манзараси дунёни идрок этиш ва концептуаллаштиришнинг универсал ва айни вақтда миллий хосланган усуллари йиғиндисидир.

Матн таҳлилида умумметодологик тамойиллардан фойдаланилади. Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Феноменологик талқиннинг бош мақсади борлиқдаги воқеа ва ҳодисалар қандай бўлса, шундайлигича таърифлашдир. Феноменология – (юн. *phainomnon* – «мавжуд», *logos* – «таълимот») феномен ёки ҳодисалар назариясидир. Унинг асосчиси Эдмунд Гуссерл бўлиб, Мартин Хайдеггер томонидан ривожлантирилган.

Феноменология фалсафий таълимот сифатида XX асрнинг 20-30-йилларида Э.Гуссерл ғоялари таъсири остида илк бор Германияда шаклланди.

Феноменология, кўпинча, оддий воқеаларни таърифлайди: дон янчиш, от тақасини қоқиш, хат ёзиш каби. Булар ҳақиқий ҳаётий олам ва унинг узвлари (феноменлари) саналади. Кундалик буюмлар, фикрлар, ҳодисалар, лингвистик ҳодисалар ҳам феноменлар сифатида қаралади.

Феноменология билан герменевтика узвий алоқадордир. Ҳар иккиси матнни тушуниш билан боғлиқ. Демак, лингвистик прагматика учун ҳар икки метод методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Герменевтика (юн. *hermeneu* – тике, *hermeneio* – «тушунтираман») – матнларни тушуниш, талқин қилиш санъати, уни талқин қилиш тамойиллари

ҳақидаги талимот саналади. Унинг текшириш методи герменевтик методдир.

Ҳозирги кунда герменевтика гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланади. Матнда муаллифнинг нима демоқчилигини ўқувчи томонидан тўғри тушуна олиш герменевтиканинг вазифаси саналади.

Герменевтика илдизлари антик даврларга бориб тақалса ҳам, мустақил илмий йўналиш сифатида XIX асрда немис мутафаккирлари Ф.Шлеермахер ва В.Дилтейлар асарлари орқали шаклланди. Бу йўналиш XX асрда немис олими Г.Г.Гадамер ва француз олими П.Рикёрлар томонидан ривожлантирилди.

Г.Шпет бу таълимотнинг кўп асрлик тарихини тадқиқ этган бўлса, М.М.Бахтин ўзининг «Гуманитар фанларнинг фалсафий асосларига доир», «Адабиётшунослик методологиясига доир», "Гуманитар фанлар методологиясига доир» каби асарлари орқали уни оммалаштирди.

Герменевтиканинг марказий тушунчаси тушунишдир. Шлеермахер ўзи кашф этган герменевтик доирани талқин қилишнинг асосий тамойили ҳисоблайди. Бунга мувофиқ, бутунлик (масалан, матн)га хос бўлган рух унинг алоҳида қисмларида ҳам ўз таъсирини қолдиради. Бўлаклар бутунлик асоси, бутунлик эса бўлакларнинг ички уйғунлиги сифатида тушунилиши лозим.

Гадамер фикрича, тушуниш, энг аввало, нутқ орқали амалга ошади. Демак, тушуниш шахслараро муносабатда воқеланади. Сўзловчи ёки адибнинг матн орқали нима демоқчилигини тингловчи томонидан тўғри тушуниш герменевтиканинг вазифаси саналади.

Нутқ гапларнинг, гап эса сўзларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топади. Демак, ҳар қандай нутқ бутун ва бўлакнинг шажаравий муносабатидан иборат бўлади. Бунда бутунга хос умумий мазмун билан бўлакка хос хусусий мазмун иштирок этади. Гадамернинг такидлашича, бир бутун матнни тушуниш, унинг таркибидаги сўзлар йиғиндиси асосида тушуниш эмас, у айтилган ахборот яхлитлигидан келиб чиқадиган ҳодисадир.³ Ҳар қандай нутқ шакл ва мазмун ўртасидаги муносабатдан ташкил топган бутунлик бўлиб, унинг ҳар икки томони ўзига хос ички тузилишга эга. Бу икки томоннинг ички тузилиши кўп ҳолларда бир-бирига мувофиқ келмайди. Масалан, «Эшигингизга (қулчиликка келдик) гапининг синтактик тузилиши билан мазмуний тузилиши бир-бирига мос келмайди. Ўзбекларнинг нутқ одоби, урф-одатини билмайдиган ўзбек тилини ўрганаётган шахс гап таркибидаги сўзларнинг алоҳида-алоҳида маъноларидан бутунга хос умумий маънони чиқара олмайди.

Бир қатор гапларда юза маъно остига тагмаъно яширинган бўлади. Айниқса, ана шундай шароитда тингловчига тилни тушуниш кўникмаси керак бўлади. Агар ана шундай кўникмага эга бўлмаса, матнни тўғри тушуна олмайди. Шу билан бирга, алоҳида нутқ парчаси бутундан узиб олинганда ҳам, бу нутқ парчасидан сўзловчининг мақсадини тўғри тушуниб бўлмайди. Шунинг учун матнни бутун ва бўлак муносабатини эътиборга олган ҳолда ўрганиш бўлак мазмунини тўғри тушунишга ёрдам беради.

XX асрда кашф этилган нисбийлик назарияси ва квант механикасида

бошқа яна квант кимёси, микро– макро– мега дунёлар физикаси, реактив динамика назарияси сингари янги фанлар майдонга келди. Ана шундай янги фанлар орасида синергетика алоҳида ажралиб туради.

Синергетика (лот. *synergeia* – «хамкорлик») – органик ва ноорганик дунёда содир бўладиган ўз-ўзидан ташкил этилиш тамойилининг математик моделларини яратувчи умумий фандир. Синергетика учун объектнинг муҳим белгиси «ташкилланиш» белгисидир. «Ташкилланиш»нинг «ташкил этиш»дан фарқи шундаки, иккинчи жараёнга субъект аралашади, биринчиси эса объектив жараёндир. Масалан, ишлаб чиқаришни ташкил этиш, физикавий ва кимёвий усуллар ёрдамида янги моддалар ҳосил қилиш, сўз ясовчи воситалар ёрдамида янги сўзлар яратиш – буларнинг ҳаммаси субъектнинг ташкилотчилиқ, яратувчилиқ фаолияти маҳсули саналади. Аммо ташкилланиш одам фаолиятининг таъсирсиз, ўз-ўзидан амалга ошадиган жараёндир. Ана шундай ички ташкилланиш жараёнини ўрганувчи фан синергетика ҳисобланади. Унинг асосчиси ҳақида адабиётларда икки хил фикр юритилади. Кўпчилиқ адабиётларда синергетиканинг асосчиси сифатида белгиялик физик, Нобел мукофоти лауреати Иля Пригожин эканлиги эътироф этилади. Хусусан, О.Файзуллаев бу фанни Пригожин кашф этганлигини, сўнгра И.Стингерс, Г.Николис, Хакен сингари олимлар ривожлантирганини баён қилади. Н.Шермухамедованинг фикрича эса, 1973-йили немис олими Г.Хакен ўз-ўзини ташкил этиш муаммоларига бағишланган биринчи конференцияда нутқ сўзлаган йил синергетиканинг туғилган йили ҳисобланади.

Олима бу янги фанни илк бор Хакен «синергетика» номи билан номлаганини баён қилар экан, бундай номланиш сабабини Хакеннинг асарида баён қилинган фикрлар орқали тушунтиради. Биринчидан, унда «микроскопик даражада тузилма ва тегишли фаолиятни вужудга келтирадиган кўплаб кичик тизимларнинг биргаликдаги фаолияти тадқиқ қилинади. Иккинчидан, тизимларнинг ўз-ўзини ташкил этиш умумий тамойилларини топишга у турли фанларни жалб этади».

Синергетика таълимотига кўра, оламда ҳар бир нарса тизимдир. Тизимлар орасида ўзаро таъсир мавжуд. Бу таълимот оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ эканлигини эътироф этади. Масалан, одам организмга ташқи муҳит таъсир қилади, яъни ҳаво, озуқа, энергия, ахборот ва бошқ. Синергетика бундай ташқи муҳитнинг ҳаммаси йиғилиб, организмга таъсир қилади, умуман, очиқ тизим таъсирида яшайди, деб қарайди. О.Файзуллаев бунга ўз муносабатини билдириб: «Биз мана шундай чексиз очиқ тизимни ёпиқ тизимлар занжиридан ташкил топади, деган бўлар эдик», – дейди. Унинг фикрича, биологик ва ижтимоий тизимлар мана шундай хусусиятга эга бўлиб, бу ҳар хил табиатга эга тизимларнинг бир хил математик моделларини тузиш синергетиканинг вазифасига киради.

Синергетика борлиқдаги ҳар бир нарса-ҳодисанинг доимий лараққиётда, ўзгаришда эканлигини эътироф этади. Тараққиёт жараёнида беқарор ва барқарор ҳолат ўртасидаги алоқа борлигига алоҳида эътибор бериш синергетиканинг бош тамойилидир.

Синергетика пайдо бўлгунга қадар, беқарорликка салбий баҳо берилган ва бу ҳодиса эътибордан четда қолган. Пригожин эса «Беқарорлик фалсафаси» асарида бу ҳолатга алоҳида аҳамият берди ва уни синергетиканинг асосий тушунчасига айлантирди. У беқарорликни борлиқнинг муҳим жиҳати сифатида талқин этади. И.Пригожиннинг фикрича, ҳар қандай эски система янги система билан алмашинар экан, аввало, беқарорлик, тартибсизлик юз беради. Сўнгра барқарор ҳолат ва тартиблилик вужудга келади.

Синергетиканинг чизиқсизлик тамойилида тараққиёт олдиндан белгилаб кўйилган йўлдан кетмай, оламдаги нарса, ҳодисаларнинг ички хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги, бетакрор йўлдан бориши мумкинлиги эътироф этилади. Синергетикада икки ҳолат– беқарорлик ва барқарорлик ҳолатига, беқарорликдан барқарорликка ўтиш жараёнига эътибор қаратилади. Бу диалектик жараённинг биринчи ҳолати флуктуация, иккинчиси эса бифуркация дейилади.

Барқарор ҳолатдан оғиш, тартибсизлик, хаос флуктуация, ривожланишнинг иккига айрилиб тартибга тушиш ҳолати бифуркация саналади, ўтиш жараёнида бир неча тармоққа ажралиши – полифуркация ҳолати ҳам бўлиши мумкин.

Синергетика фақат табиий фанлар учунгина эмас, ижтимоий- гуманитар фанлар, хусусан, лингвистика учун ҳам методологик асос бўлиши мумкин. Чунки ҳар қандай тил ички ривожланиб бораётган ижтимоий ҳодисадир. Шундай экан, ундаги миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келиши табиий. Буни ўзбек тили унлилар системаси тараққиётида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўзбек тилининг ички тарихий тараққиёти ва ёндош тилларнинг таъсирида қадимги туркий «тўрт поғонали, икки қаторли» 8 фонемали унлилар системасидан қатор белгиси йўқолган 6 фонемали унлилар системасига ўтиши ана шундай беқарорлик, тартибсизликдан тартиблиликка ўтиш жараёнининг натижасидир.

Тилшуносликда илк бор А. Раҳимов лисоний типлар тараққиётида типологик ўзгаришларнинг содир бўлиш механизмини ёритишда синергетика тамойилидан ўринли фойдаланди¹⁴.

Ҳозирги кунда синергетика тамойилларининг фақат табиий фанлардагина эмас, балки ижтимоий фанларда ҳам кенг қўлланилаётганлиги унинг фалсафий метод сифатида эътироф этилганидан гувоҳлик беради.

Синергетика ютуқларини эътироф этган олимлар, уни диалектикага зидлаган ҳолда, диалектиканинг ўрнини босганлигини таъкидламоқдалар. Бундай фикрга танқидий баҳо бериб, О.Файзуллаев қуйидагиларни баён қилади: «Диалектика эскирди, унинг ўрнини синергетика эгаллаб олди, дегувчилар орасида, афсуски, файласуфлар ҳам бор. Аслида, бу нотўғри фикр. Ахир уч минг йиллар давомида фалсафанинг ўзаги ҳисобланадиган диалектика, аввало, табиатда, жамиятда ва билиш назариясидаги зиддиятлар, ўзгаришлар, риволаниш ва таназзуллар, дунёқарашлар, сабабият ва оқибат,

¹⁴ Раҳимов А. Фузия лисоний типини квантитатив ва синергетик ёндашув асосида тадқиқ этиш (ўзбек тили мисолида). Филол.фан.номз...дис.авторэф.-Тошкент, 2009.

моҳият ва воқелик, қонуният ва тасодиф каби масалалар билан шуғулланиб келмоқда. Бу фалсафий масалалар билан синергетика шуғулланмайди-ку!

Диалектика билан нисбийлик назарияси. Диалектика билан квант механикаси, диалектика билан генетика орасидаги муносабат қандай бўлса, диалектика билан синергетика орасидаги муносабат ҳам шундайдир. Яъни диалектика табиатнинг ўзида ва табиат фанларида, жамият фанларида, техника фанларида, жумладан, синергетика фанида баб-баробар намоён бўлади».

Проф. Қ.Назаров ҳам синергетиканинг диалектика билан муносабати ҳақида худди шундай фикр билдиради. Унинг таъкидлашича, синергетикани XX аср табиий фанларининг фалсафа соҳасига киритган энг катта услубий ютуқларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Аммо бу у диалектикани фалсафадан бутунлай суриб чиқарди, дегани эмас. Зеро, фалсафада ҳар бир талимот, услуб ва методнинг ўз ўрни ва фаолият доираси бор. Диалектиканинг фалсафадаги аҳамиятига келганда эса, унинг ижтимоий билимлар соҳасидаги ўрни, кадр-қиммати ниҳоятда катта ва у фалсафанинг асосий қисмларидан бири бўлиб қолаверади. Синергетика ҳам фанларнинг охириги ва мутлақ услуби эмас, балки тараққиёт натижасида ўзгарадиган ва такомиллашадиган тафаккур мевасидир¹⁵.

Бадий матннинг лисоний таҳлили фанининг методологияси диалектик тафаккур қонуниятларига асосланади. Диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва ривожланиши фалсафий қонунлар, тушунчалар (категориялар) тизими ёрдамида очиб беради. Диалектиканинг қонун ва тушунчалари воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини акс эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш ва онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади. Лекин мазкур қонуниятлар муайян бадий асарга татбиқ қилинганида унинг хусусий томонларини ҳисобга олиш зарур.

Бадий матнни лисоний таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги тамойилларга таяниб иш кўрилса мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили.
2. Макон ва замон бирлиги тамойили.
3. Бадий матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабат аниқлаш тамойили.
4. Бадий матндаги поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш тамойиллари.
5. Бадий матндаги интертекстуаллик механизмларини аниқлаш тамойили.

Таҳлил усуллари сифатида эса қуйидагилар эътироф этилади:

1. Лисоний тадбил усули.
2. Матн вариантларини қиёслаш усули.
3. Луғатларга асосланиш усули.

¹⁵Nurmonov A. Lingvistik tahlil metodologiyasi va metodlari.-Т., 2011.

4. Лисоний бирликлар индексини тузиш усули.

1. Шакл ва мазмун бирлиги тамойили. Борликдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги алоқадорлик, боғланиш турларидан бири шакл ва мазмуннинг диалектикасидир. Шакл ва мазмуннинг диалектик бирлиги тушунчаси ҳар қандай матн учун зарурий хусусият ҳисобланади. Файласуфлар мазмунга «муайян нарса ва ҳодисаларни тавсифловчи ички элементлар ва ўзгаришларнинг мажмуи» деб баҳо берадилар. Шаклни эса «мазмунни ифодалаш усули, ташкил этувчиси» сифатида талқин қиладилар. Шакл ва мазмун бир-бири билан шундай боғланиб кетганки, бирида сезилган нуқсон иккинчисидagi бутунликка путур этказиши мумкин. Шакл ва мазмун мувофиқлиги бузилса, муаллифнинг нияти тўла намоён бўлмай қолиши турган гап.

Бунда асосий эътиборни матн ва унинг жанр хусусияти ўртасидаги мувозанатга қаратган ҳолда, матндаги лисоний бирликларнинг матн табиатига мослиги масаласини ҳам диққат марказидан қочирмаслик керак.

Бадиий матн ҳам шаклан, ҳам мазмунан мутлақо ўзига хос боълган

мураккаб ва серқатлам эстетик бутунликдир. Унда мазмун қанчалик муҳим бўлса, шакл ҳам шунчалик фавқулодда аҳамиятлидир. Баъзан шакл ҳатто мазмун даражасига кўтарилиши, мазмун мақомини олиб, ҳақиқий мазмуннинг қимматига даҳл қилиши ҳам мумкин. Бадиий матнда муаллифнинг мазмунни шаклга солишдаги маҳорати, бундаги индивидуал хусусиятлар алоҳида қимматга эга. Бадиий матннинг лингвопоэтик таҳлилида, энг аввало, ана шу жиҳат, яъни шакл ва мазмун бирлиги

бирламчи тамойил сифатида назарда тутилиши лозим. Шакл ва мазмуннинг очик ёки яширин мувофиқлиги муаллиф бадиий ниятининг аниқ ва тўла намоён бўлиши учун жиддий заминдир.

2. Макон ва замон бирлиги тамойили. Бадиий матннинг тил хусусиятлари текширилаётганида ундаги ҳар бир ҳодисага макон ва замон бирлиги тушунчасини ҳисобга олиб ёндашиш керак. Ҳар қандай асар макон ва замон билан боғлиқ ҳолда юзага келади. Тарихий мавзудаги асар тилида муайян замон руҳини ташувчи воқеаларнинг қайси маконда, қандай муҳитда юз бераётганини ойдинлаштирувчи лексик-грамматик бирликлар иштирок этади. Макон ва замон тушунчаси бадиий асаргагина хос белги эмас. У ҳар қандай матн кўринишига тааллуқлидир. Ушбу

тамойил асосида таҳлил олиб борилаётганда матн ёзилган давр, матнда кўтарилган мавзу ва матн бирликларининг табиатига қараб диахрон ва синхрон аспектлардан бири танланиши керак

3. Бадиий матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тил муносабатини аниқлаш тамойили. Таҳлил этилаётган матн тилининг умумхалқ тили ва адабий тилга муносабатини назарда тутишнинг яна бир тамойилидир. В.В.Виноградов "Бадиий адабиёт тили ҳақида" (1959) номли асарида таъкидлаганидек, бадиий адабиёт тилининг тарихий ҳаракатини умумхалқ тили ҳамда унинг турли тармоқланиши тарихидан тамоман ажратилган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Бадиий матннинг икки турини фарқлаш

мумкин: 1) замонавий матн (бугун яратилган) 2) тарихий матн (ўтмишда яратилган). Замонавий матннинг ҳам ўз навбатида икки турини кузатиш мумкин, яъни: а) бугунги кун мавзусидаги замонавий матн, б) тарихий мавзудаги замонавий матн.

4. Бадиий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш тамойили.

Бадиий асардаги поэтик актуаллашган тил воситаларини аниқлаш ҳам муҳим тамойиллардандир. Бундай воситаларнинг лингвистик ва бадиий моҳиятини очиб бериш орқали бадиий мазмуннинг шаклланиши ва ифодаланиши механизмларини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

5. Бадиий матндаги интертекстуаллик механизмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини аниқлаш тамойили. Матн ичида қўлланилган ўзга матн кўринишларини (назира, тақлид, нақл, ҳадис, ривоят, мифлар, афсоналар, дидактемалар, у ёки бу ижодкорнинг асари ёки парчаси каби) аниқлаш ва уларнинг асар мазмуни билан қай даражада уйғунлиги бадиий мазмун ифодасидаги ўрни, асосий матн билан лисоний ва семантик боғланишидаги муҳим ҳолатлар ҳақида фикр юритиш бадиий матн лингвопоэтикасини очишда фавқулодда зарурдир.

1. Лисоний табдил усули. Табдил – “алмаштириш, ўзгартириш, ўрин алмаштириш” деган маънони билдиради. Айрим адабиётларда ўзакдош сўзларнинг жуфт ҳолда қўлланишига нисбатан ҳам ишлатилиши айтилади

2. Асар тилининг бадиийлиги, ишонарлилиги, ёзувчининг муаллифлик маҳоратини аниқлашда ушбу таҳлил усули натижаларидан фойдаланилади. Асарда қўлланилган сўз ёки ибораларни, жумлаларни қайта тузиб кўриш, ўхшаши билан алмаштириб кўриш ва шу асосда баҳо бериш назарда тутилади.

2. Матн вариантларини қиёслаш усули. Бу усул орқали маълум асар матни бошқа вариантлари билан қиёсланади ва лисоний фарқларнинг моҳияти адиб нуқтаи назари, бадиий-эстетик нияти ҳамда асар ғоясига боғлаб ёритилади. Ёзувчининг бадиий асар тили устида ишлашини ўрганишда, ёзувчи тузатишларни айтиб бир мазмунни ифодалашга қаратилган турли воситаларни аниқлашда ва умуман ёзувчининг тилдан фойдаланишдаги маҳоратини белгилашда бу усул яхши самара беради.

3. Луғатларга асосланиш усули. Асар тили, аynиқса тарихий мавзудаги асар ёки таржима асарларининг тил хусусиятлари текшириладиган пайтда тегишли луғатларга мурожаат қилиш лозим бўлади.

4. Лисоний бирликлар индексини тузиш усули. Бадиий матннинг таҳлили жараёнида асардаги лисоний бирликларнинг индексини тузиб чиқиш талаб қилинади. Бунинг учун дастлаб, асардаги энг коьп коьлланилган, асар бадиияти учун характерли бўлган бирликлар (масалан, иборалар, синонимлар, антонимлар ёки эпитетли бирикмалар, метонимия, метафоралар боьлиши мумкин) аниқланади. Кейин алифбо тартибида териб чиқилади. Бу ёзувчининг лисоний маҳоратини ёритишда фактик материал вазифасини ўтайди.

Бадиий матнни таҳлил қилишнинг тамойил ва усуллари бўлганидек,

Ўзига хос типлари ҳам мавжуд. Таҳлилнинг мақсади, йўналиши ва қамровини асар ҳажми жиҳатини ҳисобга олиб иккига ажратиш мумкин: тематик ва комплекс таҳлил.

1. Тематик таҳлил деганда, бирор бир бадиий асарни тилнинг бир жиҳати бўйича ва маълум тамойил, усуллар бўйича таҳлил қилиш назарда тутилади. Тематик таҳлил асосан, тил сатҳларидан бири бўйича амалга оширилади. Масалан, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” номли романини лексик-семантик жиҳатдан таҳлил қиламиз, дейлик. Асардаги луғавий бирликлар (айрим сўзлар, иборалар, мақоллар, маталлар, афоризмлар) ажратиб олинади. Луғавий бирликлар асар бадииятига қай даражада хизмат қилиши, анъанавий ёки индивидуал эканлиги аниқланади. Матн компонентларини бириктириб усуллари алоҳида ўрганилади. Матн типлари ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

2. Комплекс таҳлил. Тилнинг барча соҳаларга хос бирликлар ва уларнинг муайян бир асарда қўлланишини матннинг умумий мазмуни, жанри, таркибий тузилиши билан ўзаро боғлиқликда олиб ўрганиш комплекс таҳлилнинг асосини ташкил этади. Бу хилдаги таҳлил умумфилологик йўналиш, мазмун ва характер касб этади. Шунинг учун матнни таҳлил қилишдан аввал адабиётшунослик ва тилшунослик билан алоқадор соҳаларнинг тамал қонуниятларидан албатта хабардор бўлишимиз керак. Комплекс таҳлил бирор бир ижодкорга бағишланган бўлади. Бундай таҳлилни бир асарни турли сатҳлар бўйича ёки бир неча асарни бир сатҳ бўйича ўтказиш мумкин.

Топшириқлар

1-топшириқ. “Талқин” тушунчаси ҳақидаги фикрларингизни ёзма равишда баён этинг.

2-топшириқ. Феноменологик талқиннинг моҳиятини ёритинг. Феноменологик талқин хусусиятларини ўзингиз ўқиган асар мисолида таҳлил этинг.

3-топшириқ. Герменевтик талқиннинг моҳиятини ёритинг. Герменевтик талқин хусусиятларини ўзингиз ўқиган асар мисолида таҳлил этинг.

4-топшириқ. Муайян матнни автоматик таҳрир дастурларидаги савол-жавоб тизими асосида талқин қилинг.

5-топшириқ. Берилган матнни лингвокультурологик жиҳатдан таҳлил қилинг.

6-топшириқ. Берилган матнни психоллингвистик жиҳатдан таҳлил қилинг.

7-топшириқ. Берилган матнни макон ва замон бирлиги нуқтаи назаридан таҳлил қилинг.

ҲУРҚИЗ

ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР (Қиссадан парча)

Абдулла Қаҳҳор

Кўқонга туш маҳалида кириб келдик. Кўчаларда одам кўп, худди Яйпаннинг бозор кунига, йўқ, ҳайитга ўхшайди. Жангур-жунгур извошлар, арава, гумбур соябон аравалар кўп, онда-сонда эшак ёки одам кўшилган эшак аравалар ҳам кўриниб қолади. Кўчанинг икки бети тўла лавка, дўкон; темирчилар, мисгарлар тарақлатгани-тарақлатган. Ясаниб нағма чалиб кетаётган бир болани кўриб қолдим. Бир жойга келганимизда худди азага келган бир ҳовли хотин бараварига уввос тўртиб йиғлагандай ваҳимали бир товуш эшитилди. Мен ҳайрон бўлиб қолган эдим, дадам: «Кўрқма, зовут, Мирраббийбойнинг зовути, одам чақиряпти», деди.

Амакимнинг ҳовлиси Қипчоқариқ деган маҳаллада, толларнинг остига кўмилган анҳор бўйидаги пастқам ҳовлилардан бири экан. Ярмини каттакон тол қоплаб ётган ҳовлида бизни бошдан-оёқ, оппоқ кийинган бир кампир билан озғин, ранги захил, лекин қоши-кўзи қоп-қора, сариқ, кўйлак ва қизил желатка¹ кийган бир қиз қарши олишди. Кампир дадамнинг онаси, қиз амакимнинг қизи Савринисо экан. Кампир дадамни кучоқлади. Қиз аямнинг кўксига бошини кўйиб йиғлади, кейин юз-кўзини артиб мени кучоқлади, ўпди. Иккови бизни тандир ва ўчоқ қурилган бостирмага, ундан қоронғирок уйга бошлаб киришди. Бу уйда амакимнинг оғир бетоб хотини ётган экан. Бетоб озиб чўп бўлиб кетган, чақчайиб турган кўзларидан одам кўрқар эди. Савринисо мени ҳовлига олиб чиқди, рўпарадаги янги уйнинг зинасига ўтказиб гапга солди, желаткасининг чўнтагидан иккита парварда олиб берди, кейин «Ҳозир Гаффоржон мактабдан келади, бирга ўйнайсиз» деди-ю, қайтиб кетди, анчадан кейин яна чиқди: кўлимга бир бўлак совунак холва берди.

Топшириқ. Келтирилган шеърни контраст усулда талқин қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН

АБДУЛЛА ОРИПОВ

*Юртим, сенга шеър битдим бу кун,
Қиёсингни топмадим асло.
Шоирлар бор, ўз юртин бутун -
Олам аро атаган танҳо.
Улар шеъри учди кўп йироқ,
Қанотида кумуш диёри.
Бир ўлка бор дунёда бироқ,
Битилмаган дostonдир бори:
Фақат ожиз қаламим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.*

Юрмасман ҳеч беҳиштни излаб
Тополмасам чекмасман алам.

Ўтирмасман эртаклар сўзлаб,
Мусалло деб йўнмасман қалам.
Кўкламингдан олиб сурурни,
Довруқ солди устоз Олимжон,
Ғафур Ғулом туйган ғурурни
Қилмоқ мумкин дунёга дoston.
Олис тарих қадамим маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.

Кечмишинг бор чиндан ҳам узок,
Илғай олмас барчасин кўзим.
Мақтамасман мозийни бироқ,
Ўтмишингни ўйлайман бир зум.
Забтга олиб кенг Осиёни,
Бир зот чикди мағрур, давонгир,
Икки аср ярим дунёни
Зирқақшатди оқсоқ жаҳонгир.
Демам, бу кун, у маним, маним,
Ўзбекистон, Ватаним маним.
*Боболардансўз кетса зинҳор,
Бир калом бор гап аввалида.
Осмон илми тугилган илк бор
Кўрагоний жадвалларида.
Қотил қўли қилич солди маст,
Куёш бўлиб учди тилла бош.
Дўстлар, кўкда юлдузлар эмас,
У, Улўзбек кўзидаги ёш.
Ерда қолган, о, таним маним.*

Адабиётлар:

9. Абдусаидов А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.
10. Абдусаидов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.
11. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.
12. Абдусаидов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.
5. Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.- Тошкент, 1999.
6. Abduhamidova L. Tilshunolsikning yangi yo‘nalishlari: kompyuter lingvistikasi.- T., 2015.
7. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.

8. Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.- Самарқанд, 2015.
9. Алимова Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.
10. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007
11. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
12. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Т., 2003.
13. Загвезинский. В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990
14. Зимняя И.А. Научно-исследовательская работа: методология, теория, практика организации и проведения. М. 2000.
15. Ирискулов М. Лингвистик таҳлил методлари. Китобда: Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1992.
16. Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.
17. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари.- Тошкент, 2016.
18. Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия, 2003.
19. Сластинин. В.А. Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М., 1997.
20. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б
21. То‘хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – Т., 2006
22. То‘хлиев В.. Adabiyot o‘qitish metodikasi. Toshkent, Yangi asr avlodi , 2006.

Интернет ресурслари (сайтлари)

1. <http://bitcoin.org>. >innovation
2. <http://ru.m.wikipedia.org/wiki/un>
31. www.literature.uz
32. www.genhis.philol.ru
33. www.library.ziyonet.uz
34. www.lingvo-online.ru
35. www.globalterminology.com
36. www.basiccomputerterminology.com
37. www.tilde.com
38. www.oxfordhandbooks.com
39. www.tdpu.uz
40. www.pedagog.uz
41. www.edu.uz
42. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
43. www.bbc.com/russian/learning_english
44. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>

3-амалий машғулот. Инновацион тадқиқ методлари

Амалий машғулот мақсади: ўзбек филологияси масалаларини ёритишда фаол қўлланиши тавсия этилаётган инновацион тадқиқ методларини кенг ёйиш, ўзбек филологиясининг таҳлил методлари, инновацион тадқиқ методларини амалий натижаларга йўналтириш.

Асосий иборалар: *новация, инновация, диалектик метод, метафизика, феноменологик метод, герменевтик метод, методология, метод, тамойил, усул, шакл ва мазмун бирлиги тамойили, макон ва замон бирлиги тамойили, илмий мушоҳада усули, лисоний табдил усули, матн вариантларини қиёслаш усули, лугатларга асосланиш усули.*

Масаланинг қўйилиши: ҳозирги таълим жараёнида ва тадқиқотларда “новация”, “инновация” тушунчалари кенг қўлланмоқда. Инновацион тадқиқ методлари анъанавий ва хориж тажрибасини уйғунлаштириган ҳолда тадқиқот олиб боришга имкон яратади. Кўпгина инновацион ёки интерфаол деб баҳоланаётган методларнинг моҳияти у ёки бу шаклда анъанавий методика, таълим тизими, тадқиқотлар мазмунида ўз ифодасини топган. Метод анъанавий ёки хориж тажрибасидан олинанишидан қатъий назар, энг муҳими: амалий аҳамиятга эга бўлган натижага эришиш нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ҳозирги вақтда «Инновация тушунчаси» жуда кенг қўлланилмоқда. *Инновация* сўзи инглизча сўз бўлиб, «инновацион» “янгилик киритиш” деган маънони билдиради, яъни тизим ички тузилишини ўзгартириш, деб таърифланади. Инновация амалиёт ва назариянинг муҳим қисми бўлиб, ижтимоий-маданий объект сифатларини яхшилашга йўналтирилган ижтимоий субъектларнинг ҳаракат тизимидир. Инновациялар долзарб, муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бир тизимда шаклланган янгича ёндашувлардир. Улар ташаббуслар ва янгиликлар асосида туғилиб, таълим мазмунини ривожлантириш учун хизмат қилади. Шунингдек, умуман таълим тизими ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Инновация – маълум бир фаолият майдонидаги ёки ишлаб чиқаришдаги технология, шакл ва методлар, муаммони ечиш учун янгича ёндашув ёки янги технологик жараённи қўллаш, олдингига нисбатан кўпроқ муваффақиятга эришишга олиб келиши маълум бўлган охириги натижадир¹⁶.

Бугун таълим тизимидаги инновацияларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

фаолият йўналишига кўра: *педагогик жараёндаги, бошқарувдаги инновация;*

киритилган ўзгаришлар тавсифига кўра: *локал, модулли, тизимли;*

келиб чиқиш манбаига кўра: *ички ва ташқи.*

Инновациялар одатда бир неча муаммо кесишган пайтда вужудга

¹⁶ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.82

келади ва умуман янги масалаларни ҳал қилади, педагогик жараённинг узлуксиз янгиланиб боришга олиб келади. Янгилик – бу алоҳида олинган шахс учун янги бўлган ғоядир, бу ғоя объектив равишда янги ёки янги эмаслиги аҳамият касб этмайди, биз уни вақт бўйича – янгилик очилган пайт ёки ундан биринчи марта фойдаланилган пайтда аниқлаймиз. Янгиликни жорий қилиш предмет мазмунига кўра учта асосий гуруҳга бўлинади: 1) техник-технологик; 2) маҳсулий; 3) ижтимоий. Ўз навбатида буларга қуйидагилар киради: иқтисодий, ташкилий- бошқарув, хусусий- ижтимоий, ҳуқуқий. Таълим тизимидаги ҳар қандай янгилик инновация бўла олмайди. Шу сабабли «новация» ва «инновация» тушунчалари ўртасидаги асосий фарқларни кўрсатиб ўтиш зарур. Бунинг учун ислоҳот фаолиятининг аниқ шакли, мазмуни ва кўлами асос бўлиб хизмат қилади. Агар фаолият қисқа муддатли бўлса ва яхлит тизим хусусиятига эга бўлмаса, ўз олдида муайян тизимдаги фақат баъзи элементларини ўзгартиришни вазифа қилиб қўйган бўлса, у ҳолда биз новация билан мулоқот қилаётган бўламиз. Агар фаолият маълум концептуал ёндашув асосида амалга оширилаётган бўлса ва унинг натижаси ўша тизим ривожланишига ёки унинг принципиал ўзгаришига олиб келсагина инновация дея оламиз. Ҳар иккала тушунча мезонлари қуйидагича: инновация амалдаги назария доирасида амалга оширилади, кўлам ва вақт бўйича чегараланади, методлар янгиланади ва натижаси аввалги тизимни такомиллаштиради. Инновация эса тизимли, яхши ва давомли бўлади, маълум амалиётда янги фаолият тизимини лойиҳалайди, амалиёт субъектлари позицияларини тўла янгилайди. Бунда фаолиятнинг янги йўналишлари очилади, янги технологиялар яратилади, фаолиятнинг янги сифат натижаларига эришилади, натижада амалиётнинг ўзи ҳам янгиланади. Инновациянинг амалиётга киритилиши инновацион жараёнларда амалга оширилади. Инновацион жараён – инновацион ўзгаришларга тайёргарлик кўриш ва уни амалга оширишдир.

Инновацион жараён бу педагогик янгиликлар, бу янгиликларнинг педагогик ҳамжамият томонидан ўзлаштирилиши ва улардан илмий асосда амалиётда самарали фойдаланишнинг ўзгариб боровчи яхлитлигидир. Таълим жараёнидаги инновацион ўзгаришлар, таълим тизимида ҳар қандай янгиликнинг киритилиши бевосита ўқитувчи фаолиятини янгилаш ва ўзгартириш орқали амалга оширилиши ҳам атрофлича ўрганилган. Инновацион фаолият – бу узлуксиз равишда янгиликлар асосида ишлаш бўлиб, у узоқ вақт давомида шаклланади ва такомиллашиб боради. Ўқитувчи инновацион фаолияти хусусиятларини ўрганиб чиққан педагогик олимлар фикрларига таянган ҳолда, қуйидагиларни инновацион фаолиятнинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин: – ижодий фаолият фалсафасини эгаллашга интилиш; – педагогик тадқиқот методларини эгаллаш; – муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти; – тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш; – ўзидан бошқа тадқиқотчи – педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш; – ҳамкасблар билан ҳамкорлик; – фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик; – зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш; –

янгиликларни излаб топиш ва уларни ўз шароитига мослаштириб бориш. Инновацион фаолият даврида янгиликлар, инновациялар, том маънода таълим жараёнига кириб келади. Шу сабабли таълим тизимидаги инновацияларни педагогик жараёнга киритиш 4 босқичда амалга оширилади: 1. Муаммоли таҳлил асосида аниқлаш. 2. Мўлжалланаётган таълим тизимини лойиҳалаш. 3. Ўзгаришлар ва янгиликларни режалаштириш. 4. Ўзгаришларни амалга ошириш. Инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад – ўқитувчининг янгиликка интилувчанлигини, мустақил ўз устида ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, янги педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат. Хулоса қилиб айтганда, инновацион фаолият – янги ижтимоий талаблар билан анъанавий меъёрларнинг мос келмаслиги ёхуд амалиётнинг янги шаклланаётган меъёрининг юзага келган меъёр билан тўқнашувчи натижасида вужудга келган қатор муаммоларни ечишга қаратилади. Инновациялар доимий равишда педагогик фаолиятга янгиликлар олиб кириш орқали таълим ривожига ҳисса қўшади, педагогик фаолиятга ижобий таъсир кўрсатади. Ўқитувчининг инновацион фаолияти бутун педагогик жамоани ҳаракатга келтирувчи, олға бошловчи, тараққий эттирувчи куч вазифасини бажаради ва таълим жараёнининг сифатини кафолатлайди. Шунинг учун ҳам инновацияни ҳар бир ўқитувчи тушуниб, ўқиб ва ўрганиб, ўзининг педагогик фаолиятига олиб кира олса, таълим стандартларида кўрсатилган меъёрий талаблар амалга ошади. Ўқитувчи инновация фаолиятга тайёр бўлиб, дарсга энг сўнгги янгиликларни олиб кириб, ўқувчига қизиқарли ва уни эҳтиёжига мос равишда ташкил этсагина, сифат ва самарадорликни кафолатлаши мумкин¹⁷.

Инновацион ёндашув илмий тадқиқотларда ҳам янги ғояларнинг, қарашларнинг юзага келишига асос бўлади.

Ҳар қандай тадқиқотчи муайян мавзуда илмий изланиш олиб борар экан, энг аввало, маълум методологияга таянади ва ўз мақсадини амалга ошириш учун қулай илмий тадқиқот методларидан фойдаланади.

Методология ва тадқиқот методидан холи бирорта илмий асар мавжуд бўлмайди. Шундай экан, фанда илмий тадқиқот методологияси ва методи тушунчалари марказий ўринни эгаллайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир тадқиқотчи тадқиқот методологияси ва методлари ҳақида яхши билимга ва улардан ўринли фойдаланиш кўникмасига эга бўлмоғи лозим.

Метод (юн. *methodos* – билиш усули) – субъектнинг ҳар қандай шаклдаги фаолият усули саналади¹⁸. Фаолиятнинг муайян соҳасида (фан, сиёсат, санъат ва бошқ.) қўлланиладиган восита ва усуллар системаси; методнинг умумий назарияси, методлар системаси ҳақидаги таълимот методология саналади¹⁹.

Машҳур тилшунос Ю.С.Степановнинг таъкидлашича, метод муаммоси

¹⁷ Nurmonov A. Lingvistik tahlil metodologiyasi va metodlari.-Т., 2011.

¹⁸ Nurmonov A. Lingvistik tahlil metodologiyasi va metodlari.-Т., 2011.

¹⁹ Nurmonov A. Lingvistik tahlil metodologiyasi va metodlari.-Т., 2011.

учта марказий тушунчани ўз ичига олади: методика – метод – методология. Бу тушунчалар қуйидагича изоҳланади:

Методика – кузатиш ва эксперимент усуллари мажмуаси.

Метод – тажриба (эксперимент) орқали аниқланган ва куза- тилган натижаларни назарий умумлаштириш усуллари.

Методология – билиш жараёнига дунёқараш тамойилларини қўллаш.

Методология, умуман, илмий метод ҳақидаги талимот ҳамда хусусий фанлар методлари ҳақидаги талимот, яъни билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот сифатида ҳар қандай фан назарияси ва амалиётида катта аҳамиятга эга.

Фан методологияси фалсафий билиш методининг муайян фан доирасида ўрганилаётган объект хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда конкрет қўлланилишидир.

Фалсафий метод, яъни билиш методи табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонуниятлари ҳақидаги таълимот саналади.

Умумметодологик тамойиллар турли фанлар берган маълумотларни умумлаштириш асосида вужудга келади.

Илмий билишда метод ва методологиянинг аҳамияти жуда катта.

В.П.Кахановский тадқиқотчини икки чегара ҳолатга тушиб қолиш хавфидан сақланишга чақиради. Бу чегара кутбларининг биринчиси методологик негативлик, иккинчиси методологик эйфория саналади. Методологик негативизм метод ва методология муаммоларига менсимай қарайди. Уни ҳақиқий илмий тадқиқотдан чалғитувчи номухим восита деб баҳолайди.

Методологик эйфория эса методнинг ролини ўта ошириб юборади. Уни ўрганилаётган объектдан кўра устунроқ кўради ва методни универсал ўйинга айлантиради.

Дастлаб методология муаммолари фалсафа доирасида кўрила бошланди: хусусан, Сукрот ва Афлотунларнинг диалектик методи, Ф.Беконнинг индуктив методи, Р.Декартнинг рационалистик методи, Г.Гегелнинг диалектик методи, Э.Гуссерлнинг феноменология методи ва бошқ. Шунинг учун методология фалсафа билан, айниқса, унинг гносеология ва диалектика бўлимлари билан узвий боглиқдир.

Материалистик диалектика диалектика шаклларида бири саналади. Диалектика эса метафизика, феноменология, герменевтика қаторидаги фалсафий методологиянинг бир қисмидир.

Методология маълум маънода билиш назариясидан торроқ ҳисобланади. Чунки билиш назарияси фақат билиш шакллари ва методларини ўрганиш билангина чекланмасдан, билиш табиати, билишнинг борлиқ билан муносабати, билиш субъекти ва объекти, билиш имкониятлари ва чегараси, билишнинг ҳақиқийлик мезонлари сингари масалалар билан ҳам шуғулланади.

Ҳозирги тилшуносликда бир қатор фалсафий методлардан фойдаланилмоқда.

Диалектик метод. Табиат, жамият ва тафаккур таракқиётининг умумий

конуниятларини эътиборга олувчи методдир. Табиат ва жамиятнинг ривожланиш, ўзгариш, янгиланиш жараёнларини очиб беришда, яъни диалектикани ўрганишда қўлланиладиган метод диалектик метод саналади.

Диалектик метод қуйидаги муҳим белгилари билан характерланади:

- 1) оламга ўзаро муносабатда бўлган узвлардан ташкил топган бутунлик сифатида ёндашади;
- 2) объектга доимий ўзгариш ҳолатида, ҳаракатда, ривожланишда, янгиланишда деб қарайди;
- 3) диалектик метод табиат ривожланишини сезилмас ва секин- аста рўй берувчи миқдор ўзгаришларини сифат ўзгаришларига олиб келувчи жараён сифатида баҳолайди.

Диалектик метод методологик асос бўлган тилшунослик, энг аввало, ўрганилаётган объектда мавжуд бўлган умумийлик-хусусийлик диалектикасини тил-нутқ зидланиши асосида, унинг бўлинувчанлик табиатига эга бўлган нисбий бутунлик эканлигини узвий таҳлил методини қўллаган ҳолда, ички таркибий қисмлари ўртасидаги зиддиятларни оппози- тив методни қўллаган ҳолда очиб беради. Тилга доимо ривожланишда, ўзгаришда бўлган бутунлик - система сифатида қарайди.

Метафизик (лот. физикадан олдин) **метод.** Объектни ажралган ҳолда, ўзаро муносабатидан ташқарида ўрганади. Объектнинг ички ўзгарувчанлик хусусиятини эътиборга ол- майди. Шунинг учун бутунни ташкил этган ички аъзоларнинг зиддиятли муносабатлари, бу зидланишларнинг объектни ривожлантирувчи, ўзгартирувчи куч эканлигини назардан четда қолдиради. Табиат барқарор, ўзгармас хусусиятга эга, унинг тараққиёт жараёни миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келмайдиган оддий ўсиш, деб баҳолайди. Объектларнинг тараққиёт манбайи ички зиддиятлар эмас, балки ташқи қарама-қарши кучлар эканлигини эътироф этади.

Феноменологик метод. Феноменология – (юн. *phainomnon* – «мавжуд», *logos* – «таълимот») феномен ёки ҳодисалар назариясидир. Унинг асосчиси Эдмунд Гуссерл бўлиб, Мартин Хайдеггер томонидан ривожлантирилган. Феноменологиянинг текшириш методи феноменологик метод саналади. Унинг бош мақсади борликдаги воқеа ва ҳодисалар қандай бўлса, шундайлигича таърифлашдир. Масалан, қалам – ёзув қуроли. Айни пайтда, аёллар қошини бўяш учун ҳам ишлатилади. «Борликдаги нарсалар бизга қай тарзда намоён бўлса, шундайлигича қабул қилиш ва таърифлаш феноменологиянинг асосий мақсади бўлганлигидан, феноменологик метод асосида қаламга икки хил таъриф бериш мумкин бўлади: 1) ёзув қуроли; 2) косметик қурол.

Феноменологиянинг танқидий тиғи табиий фанлар томонидан таърифланган ҳодисаларнигина ҳақиқат деб қарашга қарши йўналтирилган. Шунинг учун ҳам қаламни атомларнинг муайян йиғиндиси деб тушуниш хато деб ҳисобланади.

Феноменологик нуқтаи назардан, муайян субъект томонидан фойдаланилган тил, яъни нутқ моддий дунёнинг бир қисмини ташкил қилади. Нутқ таркибида сўзловчи маълум бир сўзни қайси маънода ишлатган

бўлса, шундайлигича изоҳлаш феноменологик методнинг мақсади саналади. Демак, сўзларнинг прагматик амалларини белгилаш феноменологик методнинг вазифасига киради.

Феноменологик метод герменевтика методи билан узвий алоқадордир. Ҳар иккиси матнни тушуниш билан боғлиқ. Демак, лингвистик прагматика учун ҳар икки метод методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Герменевтик метод. Герменевтика (юн. *hermeneue* – тике, *hermenio* – «тушунтираман») – матнларни тушуниш, талқин қилиш санъати, уни талқин қилиш тамойиллари ҳақидаги талимот саналади. Унинг текшириш методи герменевтик методдир.

Ҳозирги кунда герменевтика гуманитар фанларнинг методологик асоси ҳисобланади. Матнда муаллифнинг нима демокчилигини ўқувчи томонидан тўғри тушуна олиш герменевтиканинг вазифаси саналади.

Кўринадики, герменевтика ҳозирги даврда ривожланиб бораётган лингвистик прагматика учун методологик асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Синергетик метод. XX асрда кашф этилган нисбийлик назарияси ва квант механикасидан бошқа яна квант кимёси, микро– макро– мега дунёлар физикаси, реактив динамика назарияси сингари янги фанлар майдонга келди. Ана шундай янги фанлар орасида синергетика алоҳида ажралиб туради.

Синергетика (лот. *synergieia* – «хамкорлик») – органик ва ноорганик дунёда содир бўладиган ўз-ўзидан ташкил этилиш тамойилининг математик моделларини яратувчи умумий фандир. Синергетика учун объектнинг муҳим белгиси «ташқилланиш» белгисидир. «Ташқилланиш»нинг «ташқил этиш»дан фарқи шундаки, иккинчи жараёнга субъект аралашади, биринчиси эса объектив жараёндир. Масалан, ишлаб чиқаришни ташқил этиш, физикавий ва кимёвий усуллар ёрдамида янги моддалар ҳосил қилиш, сўз ясовчи воситалар ёрдамида янги сўзлар яратиш – буларнинг ҳаммаси субъектнинг ташқилотчилик, яратувчилик фаолияти маҳсули саналади. Аммо ташқилланиш одам фаолиятининг таъсирсиз, ўз-ўзидан амалга ошадиган жараёндир. Ана шундай ички ташқилланиш жараёнини ўрганувчи фан синергетика ҳисобланади.

Синергетика таълимотига кўра, оламда ҳар бир нарса тизимдир. Тизимлар орасида ўзаро таъсир мавжуд. Бу таълимот оламда ҳамма нарса бир-бирига боғлиқ эканлигини эътироф этади. Масалан, одам организмга ташқи муҳит таъсир қилади, яъни ҳаво, озуқа, энергия, ахборот ва бошқ. Синергетика бундай ташқи муҳитнинг ҳаммаси йиғилиб, организмга таъсир қилади, умуман, очик тизим таъсирида яшайди, деб қарайди. Синергетика борлиқдаги ҳар бир нарса-ҳодисанинг доимий лараққиётда, ўзгаришда эканлигини эътироф этади. Тараққиёт жараёнида беқарор ва барқарор ҳолат ўртасидаги алоқа борлигига алоҳида эътибор бериш синергетиканинг бош тамойилидир.

Синергетиканинг чизиксизлик тамойилида тараққиёт олдиндан белгилаб кўйилган йўлдан кетмай, оламдаги нарса, ҳодисаларнинг ички хусусияти ва ташқи алоқадорлиги негизида ҳар сафар янги, бетақрор йўлдан бориши

мумкинлиги эътироф этилади. Синергетикада икки ҳолат– беқарорлик ва барқарорлик ҳолатига, беқарорликдан барқарорликка ўтиш жараёнига эътибор қаратилади. Бу диалектик жараённинг биринчи ҳолати флуктуация, иккинчиси эса бифуркация дейилади.

Барқарор ҳолатдан оғиш, тартибсизлик, хаос флуктуация, ривожланишнинг иккига айрилиб тартибга тушиш ҳолати бифуркация саналади, ўтиш жараёнида бир неча тармоққа ажралиши – полифуркация ҳолати ҳам бўлиши мумкин.

Кўринадики, синергетика диалектика билан узвий боғлиқ бўлган мустақил фалсафий методдир.

Юқорида баён қилинганлардан шу нарса маълум бўладики, хусусий илмий методлар фақат битта умумий фалсафий метод, методологик асос билан чекланиб қолмайди. Ўрганилаётган объектнинг мураккаб белгиларини очиш учун қўл келадиган турли фалсафий методларга таяниш мумкин.

Бадий матннинг лисоний таҳлили фанининг методологияси диалектик тафаккур қонуниятларига асосланади. Диалектик тафаккур нарса ва ҳодисаларнинг моҳияти уларнинг бир-бири билан алоқадорлиги ва ривожланиши фалсафий қонунлар, тушунчалар (категориялар) тизими ёрдамида очиб беради. Диалектиканинг қонун ва тушунчалари воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг энг умумий алоқасини акс эттириб, инсонда нарсаларнинг моҳиятига чуқур кириб бориш ва онгли таҳлил қилиш имкониятини яратади. Лекин мазкур қонуниятлар муайян бадий асарга татбиқ қилинганда унинг хусусий томонларини ҳисобга олиш зарур.

Моделлаштириш методи. Ўзбек филологияси таълимимда моделлаштириш методидан фойдаланиш ижобий натижалар беради.

Кузатиладиган объектларни илмий билишнинг бевосита услубларидан яна бири моделлаштиришдир.

Моделлаштириш (қолиплаштириш) эҳтимолли тенглаштириш (аппроксимация) амалининг бир туридир. Бунда бирор бир қиймат бошқа оддийроқ, кўпроқ маълум бўлган қийматга тенглаштирилган ҳолда ифодаланади.

Одатда, моделлаштириш амалига бирор бир объектни бевосита тадқиқ қилиш ёки уни тасаввур этиш қийинлашса (чунки унинг айрим хусусиятлари ўта яширин ҳолда мавжуд бўлади) мурожаат қилинади. Бундай ҳолда объектнинг ўрнига унинг модели, яъни содаллаштирилган рамзи ўрганилади.

Моделлардан билиш фаолиятида фойдаланиш мантиқий ўхшатиш амали бўлиб, унинг воситасида бир предметнинг хусусиятлари, муносабатларини билиш «ушбу предметнинг бошқа предметлар билан ўхшашлиги мавжудлигини билиш билан боғлиқдир» (Кондаков 1972: 29).

Моделлаштириш турли кўринишга эга бўлиши мумкин: моддий, физик, математик, мантиқий ва ҳоказо. Бу моделлар тузилишида модел ва аслиятнинг ўхшашлиги, тенг томонлари инобатга олинади. Бу ўхшашлик объектнинг ташқи кўринишига, моддий таркибига асосланиши мумкин, фарқ эса ҳажмда кўринади. Лекин уларнинг ўхшашлиги ички тузилишлар

айнанлигида, бошқа объектлар билан бўлган алоқаларида ва бошқа мазмуний - вазифавий хусусиятларида намоён бўлади.

Тилшуносликда моделлаштиришнинг турли усулларида фойдаланиб келинмоқда. Анъанавий грамматикада мавжуд бўлган отларнинг турланиши ва феъл тусланишининг турли чизма шакллари моделлаштириш намуналаридир. Бу моделларда сўз грамматик шакллари уларнинг кетма-кетлигини кўрсатувчи аниқ тасвирларда берилган (Ревзин 1967: 17). Ушбу кетма-кетликнинг лисоний муҳитда қандай эканлигини биз билмаймиз, чунки далиллар тўлиқ эмас. Шу сабабли барча далилларни бир жойга тўплаб, модел (қолип) тузамиз ва унинг воситасида турли шаклларнинг ўзаро муносабатини ҳамда уларнинг тил тизимида тутган ўрни, бажарадиган вазифасини аниқлаймиз.

Худди шу йўсиндаги таҳлил усули синтактик бирликларга нисбатан ҳам қўлланилади. Гап ва бошқа бирликларнинг структур ва семантик қолипларини қиёслаш асосида уларнинг таркиби, тузилиш қоидалари ҳамда таркибий қисмларининг ўзаро структуравий ва семантик муносабатларини ўрганиш имконияти мавжуд. Моделлаштириш воқеий лисоний ҳодисаларни бевосита билиш учун хизмат қилувчи воситадир.

Моделлаштириш амалининг тилшуносликдаги моҳияти ва роли анча нисбийдир. Шунинг учун ҳам лисоний моделни «тил тизимининг асосий муносабатлари ва алоқаларини намунавий ва соддалаштирилган кўринишда акс эттирувчи фикрий структура» (Гухман 1970: 157) сифатида талқин қилишади.

Маълумки, тил тизими элементларнинг тартиблантирилган тўпламидир. Ушбу элементлар ўзаро шундай боғланганки, уларнинг барчаси бир-бирига қарам ва ҳар бирининг мавжудлиги ушбу муносабатлар занжирига асосланади, бу эса лисоний таҳлилда мавҳумлаштирилган математик моделлардан фойдаланиш имконини беради. Бундай моделлар рамзий белгилар «либосида» бўлиб, улар воситасида формал амаллар бажариш мумкин бўлса-да, аслиятдан анчагина йироқдирлар. Лекин улар тилнинг энг умумий хусусиятларини илмий - назарий таҳлил қилиш имконини яратадилар.

Шу тариха лингводидактика, лисоний педагогика соҳалари ривож топмоқда, бу соҳаларда янги ахборот технологиялари тадбиқи масаласи долзарбланимоқда. Мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларида ахборот технологияларини таълимга тадбиқ қилиш ва масофали таълим марказлари ташкил топди. Бу марказларда виртуал кутубхоналар, мультимедиа ўқув дастурлари, қўлланмалари яратилмоқда.

Тил одамларнинг ўзаро мулоқотга киришувида фойдаланиладиган, уларнинг онгида сақланадиган, бироқ конкрет фикрларидан, ҳиссиётларидан, истакларидан холи бўлган материал бирликлар тизимидир (Джонсон – Лэрд 1988: 234-235).

Морфем – морфологик сатҳ асосини морфемалар ташкил қилади. У сўз ва грамматик формалар таркибига киради, талаффузда фонемалар йиғиндисидан иборат ва грамматик шакллар таркибида вариантларга эга

бўлади. У ҳам ички бутунликка эга бўлиб, (барча вариантлар учун мазмун бирлиги) махсус белги билан ифодаланди. Бу белги мустақил мазмунга эга эмас.

Сўз яшаш сатҳида тил тизимида мавжуд бўлган сўзларнинг структураси («сўзлар қандай ясалган») ва янги сўзлар яшаш имкониятлари («қандай ясалади?») ҳақида фикр юритилади.

Тилнинг сўз яшаш имкониятлари ушбу тизимни алоҳида сатҳ сифатида ажратишга туртки бўлади. Сўз яшаш моделлари морфологик гуруҳларни (сўз туркумлари) ташкил қилишда иштирок этади, сўзлар орасидаги муносабатларни умумлаштиради, нутқ таркибида қайта воқеланади, модел ички яхлитликка эга (маъно, восита ва ифода усуллари)нинг яхлитлиги). Морфемаларнинг асосий вазифаси сўз яшаш ва сўз шакллари ўзгартиришидир.

Ўзбек тилидаги сўз яшалиши ўзининг тарихий қонуниятига эга. Сўзшакллар таркиби **асос+сўз ясовчи+луғавий шакл ясовчи+синтактик шакл ясовчи** қолипида бўлади. Сўз яшалиш қолипи эса **асос+сўз ясовчи** кўринишида бўлади.

Тавсифий метод - тилшуносликдаги энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, у тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга. **Тавсиф қилиш методи** тилдаги турли ходиса ва маълумотларни, унинг сатҳи ва бирликларини изоҳлаб беради. Бу метод ёрдамида турли тилларнинг фонетика ва стилистикаси шарҳлаб берилади. Унинг ўзига хос жиҳати объектни бевосита сезги аъзолари берган маълумотга асосланиб ўрганади. Унинг ўрганиш объекти матн ҳисобланади. Матндан гаплар, гаплардан сўзлар, сўзлардан морфемалар, морфемалардан товушлар ажратилади ва улар муайян гуруҳларга бирлаштирилган ҳолда тавсифланади. Тавсифий метод маълумотлари бошқа методлар учун таянч нуқта бўлиб хизмат қилади. Структур метод тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради. Қиёсий-тарихий метод учун ҳам қиёсланаётган объект ҳақидаги изоҳни тавсифий метод беради, у ҳам тавсифий метод хулосаларига таянган ҳолда иш кўради.

Тарихий-генетик (генеологик) метод – тилларнинг фонетик, лексик-грамматик бирликларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш асосида муайян тил оилаларига бирлаштириб ўрганиш тарихий-генетик метод ҳисобланади. Тарихий-генетик методнинг ҳақиқий асосчиси Маҳмуд Кошғарий ҳисобланади. У туркий тилларни хоконича-туркча, қипчоқ, ўғуз гуруҳларига бўлган ҳолда, бу гуруҳлар ўртасидаги фонетик, лексик-грамматик фарқланишлар ҳақида изчил маълумот беради. Шу билан бирга мазкур тиллар бир умумий манбадан келиб чиққани ҳақида фикр билдиради. Кошғарийнинг асари илмий жамоатчиликка маълум бўлмаганлиги сабабли тарихий-генетик метод (19-асрга қадар) немис олими Август Шлейхер номи билан боғлиқдир. У ҳинд-европа тил оиласини ўрганган ҳолда, бу оилага мансуб тиллар бир аждоддан, яъни бир бобо тилдан келиб чиққан деган хулосага келади. У тилшунослик тарихида илк бор ҳинд-европа тилини тиклашга ва шажарасининг тарихий тараққиётини кўрсатишга эришди.

Квантитатив метод – лисоний тилларни белгилашда ва тилларни оилаларга бирлаштиришда квантитатив ва тарихий-генетик методлардан кенг фойдаланилади. Квантитатив метод Америка тилшуноси Э.Сепир томонидан қўлланилган бўлса, унинг шогирди Ж.Гринберг томонидан ривожлантирилди. Э.Сепир ва унинг издошлари турли тилларни яхлит ҳолда киёсий-типологик планда ўрганиш учун ушбу методдан фойдаланган. Ж.Гринберг эса улардан фаркли равишда тилларни бир бутун ҳолда эмас, уларнинг айрим категорияларини, муайян қисмларини бир-бирига қиёслашда ушбу методдан фойдаланган. Бу метод дунё тилларини муайян белгиси асосида маълум гуруҳларга, тилларга бирлаштириш учун қўлланадиган методдир.

Трансформация методи - тилдаги элементлар ва бирликларнинг турли гапларда бошқача йўл билан қайта тузишда қўлланилади. Трансформациянинг синтаксисдаги элементларни ўзгартиришда қўлланувчи оддий турлари: ўрин алмаштириш, қўшиш, қисқартириш ва тушириб қолдиришдир. Бу методни АҚШ олими З.Харрис таклиф этган ва кейинча уни шогирди Н.Чомский алоҳида илмий тадқиқ этган. Бу метод математика ва мантикдаги баъзи тушунча ва тамойиллардан фойдаланади.²⁰ Трансформацион метод замонавий усуллар ичида энг мукаммали ҳисобланади.

Ушбу метод тилдаги синтактик жараёни тушунтириш имконига эгаллиги билан характерлидир .

Агар бир турдаги элементларга эга бўлган икки ва ундан ортиқ конструкциялар бир хил ўринда учрасалар, уларни трансформалар дейилади. Масалан, қурувчилар Тошкентда жуда кўп чиройли бинолар қурдилар – гапида трансформалар қуйидагича бўлиши мумкин: Тошкентдаги жуда кўп чиройли бинолар қурувчилар томонидан қурилди (пассив конструкция). Жуда кўп Тошкентдаги чиройли биноларни қурувчилар қурдилар. Жуда кўп чиройли биноларни Тошкентда қурувчилар қурдилар ва ҳ.к. Юқоридаги трансформалар гапнинг бирор маъносини ўзгартиришга ҳам хизмат қиладилар. Агар шу гап асосида диалог тузсак, ундаги элементлар ўз ўрнини ўзгартиради, тушиб қолади ва тўлдиради.

Трансформация методи фақат синтаксисда эмас, балки стилистик трансформация шаклида ҳам қўлланоқда. Унда синтактик стилистика учун энг зарурий восита бўлиб хизмат қилмоқда.

Трансформация методи ҳам лисоний бирликларнинг парадигматик муносабатларини ўрганишга йўналтирилган. Ушбу методнинг олдингилардан фарқи шундаки, унинг асосида бир тизим таркибидаги бирликларнинг бир-бирига ўтиши, бири иккинчисидан «туғилиши» ёки ясалиши ғояси ётади.

Тил бирликларининг қандай тузилиши, ўзаро ўрин алмашинувига оид мисол ва фактлар тилшунослар диққатини олдиндан жалб этиб келар эди. Бу ҳодисалар, айниқса, матн таҳрири жараёнида бир синоним сўзлар ўрнида

²⁰ Засорина Л.Н. Введение в структурную лингвистику. М.: 1974, -с. 252.

иккинчисини қўллаш, стилистик жиҳатдан маъқул кўринган синтактик курилмаларни топиш амалиётида яққол кўзга ташланиб туради. Лекин бундай амаллар натижаларининг тилшунослик соҳасидаги аҳамиятини илмий асослаш биринчилардан бўлиб Санкт-Петербурглик олим акад. Лев Владимирович Щербага насиб этган экан. Олим тилшунослик назариясига тажриба (эксперимент) тамойилини жорий қилишни таклиф қилади ва нутқий тузилмаларни турли кўринишларда ўзгартириш йўли билан назарий хулосаларининг тасдиқловчи ёки инкор этувчи материал тўплаш мумкинлигини исботлаб берди. Шундай қилиб, лисоний тажриба илмий тадқиқотнинг ва трансформацион методнинг асосий амалига айланди.

Трансформацион методнинг илмий тадқиқот методи сифатида тўлиқ шаклланиши ва унинг турли вариантларининг яратилиши америкалик тилшунослар З.Хэррис, Д.Уорс, Н.Хомскийлар номлари билан боғлиқдир. Дистрибутив таҳлилнинг камчиликларини бартараф этиш истагида бўлган тилшунослар трансформация усулига мурожаат қилишди. Бу усул ҳозирги пайтда синтаксисда кенг қўлланилмоқда ва синтактик тузилмаларнинг турли ўзгартириш қонуниятлари бу birlikларнинг умумий тизимда тутган ўрнини аниқлаш имконини бермоқда.

Ҳар қандай гап тузилиш ва таркиб жиҳатидан ўзгаришларга бўлган имкониятларига нисбатан тажриба синовидан ўтиши мумкин ва ушбу гап айнан шу трансформация имкониятлари ўлчови асосида у ёки бу синтактик турлар қаторидан ўрин олади. Бундан ташқари, ушбу синовлар жараёнида гап бўлаклари, унинг ташкилий қисмларининг семантик хусусиятлари, синтактик муносабатлари ҳам аниқланади ва бу жиҳатдан трансформацион метод дифференциал маъно хусусиятлари таҳлилинини тўлдиради, унинг исботловчи амалига айланади.

Трансформация методини лисоний тажриба усули сифатида гап бўлақларининг синтактик-семантик хусусиятларини аниқлашда кенг миқёсда қўллаш имконияти мавжудлигини қўйидаги мисоллар таҳлилида изоҳлаш мумкин: Rachel was looking at him – with her honest brown eyes «Рачел унга тикилиб турган эди – ростгўй қўй кўзлари билан» ва Rachel was there – with her honest brown eyes «Ростгўй қўй кўзлари Рачел ўша ерда эди» гаплари қиёсланганда Rachel бўлагининг агентивлик маъносига эга эканлигини, иккинчисида эса бу фарқловчи семантик хусусият йўқлигини кўраемиз. А.М.Мухин (1980: 278) биринчи гапдаги агентив ситаксемани иккинчисидаги субстанционал синтаксемадан фарқлаш учун трансформация усулига мурожаат қилишни маслаҳат беради: Rachel was looking at him----- He has been looked at by Rachel. Иккинчи гап эса бундай мажхул даражага ўтказиш трансформациясига «бўйсунмайди». Худди шунингдек, олим his hair was long «унинг сочи узун эди» синтагмасидаги was long бўлаги квалитатив (сифатловчи) синтаксемалар қаторига киришини ушбу синтагманинг аниқловчили тузилмага трансформация қилиниши имкониятида кўради: his hair was long -----his long hair «унинг узун сочи». Қиёсланг (Мухин 1990: 258): the greatness of Charles Strickland was authentic «Чарлз Стрикленднинг буюклиги ҳақиқий эди» ----- The authentic greatness of Charles Strickland

«Чарлз Стрикленднинг ҳақиқий буюклиги».

Синтаксисда трансформация методидан икки асосий мақсадда фойдаланилади:

1) тизимлаштириш мақсадида (бир гапнинг иккинчисига «ўтиши» қоидаларини аниқлаётиб, биз уни синтактик муносабатлар қаторида тутган ўрнини аниқлаймиз);

2) таснифлаш мақсадида (трансформация ўзгартиришлари жараёнида гап бўлақларининг «хулқ-атвори»га қараб, биз уларнинг синтактик-семантик вазифаларини аниқлаймиз ва таснифлаймиз).

Ушбу икки мақсаднинг фарқига нисбатан трансформация методи қўлланилганда, трансформация синтези ва трансформация таҳлили амаллари фаоллашади.

Булардан трансформация таҳлили тасниф мақсади кўзланганда фаоллашади ва унинг асосида гаплар ва уларнинг таркибий бўлақларини алмаштириш (ўзгартириш) йўли билан тил бирликларининг тизимий хусусиятлари аниқланади ва улар маълум гуруҳларга тақсимланадилар.

Таҳлил ва тасниф мақсадлари кўзланганда, трансформациянинг куйидаги амаллари бажарилади:

1) дастлаб кичик гуруҳдаги тузилмаларнинг трансформациялари доираси аниқланади ва бу тарнсформациялар жараёнида луғавий таркиб сақланиб, грамматик морфемалар ўзгариши мумкинлиги шарти қўйилади;

2) ҳосил бўлган трансформация шаклларининг гуруҳ рўйхати тузилади (кейинчалик бу рўйхат тўлдирилиши мумкин);

3) барча турдаги трансформалар матн таркибида синовдан ўтказилади ва уларнинг фаоллашув имконияти аниқланади;

4) таҳлил қилинган тузилмалар трансформация фаоллашуви имкониятларига нисбатан маълум гуруҳларга тақсимланадилар.

Трансформация синтези тизимлаштириш мақсадини кўзлайди. Ушбу кўринишда трансформациялар синтактик тузилмаларни яшаш (ҳосил қилиш) қоидалари мажмуасини аниқлаш имконини беради. Бу қоидалар асосида турли кўринишдаги гаплар ўзаро қиёсланадилар ва тизимлаштириладилар.

Трансформация синтезида ҳам трансформация таҳлилида қўлланилган амалларга мурожаат қилинади, аммо бу амалларнинг бажарилишида маълум шартларга риоя қилиш талаби бор. Чунончи, гаплар тузилишини ўзгартиришда луғавий таркиб сақланиши талаби билан бир қаторда мазмун инвариантлиги (ифодаланаётган воқеа-ҳодисанинг бир хиллиги) шарти ҳам қўйилади. Бу шартга биноан «Опаси укаси билан фахрланади» каби гапларни «Укаси опаси билан фахрланади» туридаги трансформага ўтказиш таъқиқланади. Трансформация таҳлилида эса бу турдаги ўзгаришлар одатийдир.

Компонент таҳлил методи. Компонент таҳлил (КТ) дифференциал таҳлилнинг лексик тизимга тадбиқ этилиши натижасида юзага келадиган таҳлил усулидир.

Луғавий бирликлар, худди бошқа сатҳлардагидек, тил тизимида маълум тартибдаги гуруҳларни ташкил қиладилар ва маънолари жиҳатидан (ушбу

гуруҳлар доирасида) ўзаро парадигматик муносабатларда бўладилар. Бундай парадигматик дастурларни «мавзувий гуруҳлар» ёки «лексик-семантик гуруҳлар» (ЛСГ) деб атайдилар. Масалан, қуйидаги мавзувий гуруҳларни ажратиш мумкин:

1) уй жиҳозлари номлари: стол, стул, шкаф, кресло, диван, сандиқ, тахмон ва ҳ.к.

2) метеорологик ҳодисалар: шамол, қор, ёмғир, изғирин, тўфон, бўрон ва ҳ.к.

3) қон - қариндошлик атамалари: ота, бола, она, қиз, ўғил, ака, ука, тоға, жиян, хотин, қайнота ва ҳ.к.

4) ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи сўзлар: хурсандчилик, хафалик, шодлик, мамнунлик, нафрат, завқ, шафқат ва ҳ.к.

5) инсон интеллектуал фаолиятини ифодаловчи феъллар: ўйламоқ, иккиланмоқ, фикрламоқ, билмоқ, фараз қилмоқ, тушунмоқ, эсламоқ, унутмоқ ва ҳ.к.

Ҳар бир мавзувий қатор ушбу гуруҳга кирувчи сўзлар ўртасида тақсимланадиган умумий «маъно доирасини» қамраб олади. Бу қатор доирасидаги ҳар бир сўз маъноси бошқасиникига мослашади. Улар семантик умумийликка эгадир ва айтилган пайтда, бир-биридан фарқ қилади. Шу асосда уларни қарама-қарши қўйиш ва қиёслаш йўли билан ҳар бир сўзнинг маъносини компонентларга (бўлақларга) ажратиш мумкин. Ушбу дифференциал маъно хусусиятларини аниқлаш КТ нинг асосий мақсадидир.

КТ методи қисман луғатшунослик амалиёти билан боғлиқ ҳолда шаклланди. Маълумки, изоҳли луғатларда сўзларнинг маъноси уларнинг бошқа сўзлар билан бўлган семантик алоқалари асосида изоҳланади. Маъноларнинг бу усулда изоҳланиши турли сўзларни уларнинг семантик белгилари умумийлиги асосида маълум лексик-семантик гуруҳларга ажратиш имконини яратади. Шунинг билан бир қаторда ушбу гуруҳланиш жараёнида қисман бўлса-да, сўзларнинг фарқловчи маъно хусусиятлари ҳам инобатга олинади. КТ да луғатшунослик амалиётининг ушбу тажрибасига таянилади ва фарқловчи белгилар тизимлаштирилади.

Юқорида айтилганидек, тил луғат бойлиги таркибидан маълум ЛСГ ларнинг ажратилиши КТ нинг зарурий илк босқичидир. Бу гуруҳлар таркибига маъно жиҳатидан маълум бир умумийликка эга бўлган, воқеликнинг алоҳида бир парчасини акс эттирадиган луғавий бирликлар киради. Воқеликнинг маълум қисмларга ажратилиши билан боғлиқ ментал фаолият кўп босқичли фаолиятдир. Шу сабабли турли кўринишдаги ЛСГ ларнинг ажратилиши ҳам кўп босқичлидир.

Масалан, тирик мавжудотларни атовчи бирликлар бирикадиган ЛСГ жонсиз предметлар номлари гуруҳига қарама-қарши қўйилади. Бу умумий гуруҳ таркибида қушлар номлари лексик-семантик гуруҳ, масалан, балиқ турлари атамалари гуруҳидан фарқланади. Худди шу каби, инсоний ҳис-туйғулар билан боғлиқ сўзлар гуруҳини кейинги босқичда ижобий ва салбий ҳис-туйғулар лексик-семантик гуруҳларига тақсимлаш мумкин.

Бирор бир лексик-семантик гуруҳ таркибига кирувчи сўзлар умумий

семантик хусусиятга эга бўлиши сабабли ушбу хусусиятни ягона бир сўз билан аташ эҳтимоли туғилади. Кўпинча бу сўз ушбу ЛСГнинг ўзидан танланади ёки бу вазифани махсус шартли белги бажариши ҳам мумкин. Масалан, ҳаракат феъллари ЛСГни ажратаётиб, умумий семантик белгини «ҳаракат қилиш» сўзи билан аташ ёки билан белгилаш умумий қайд этилган ҳодисадир.

Глоттохронология – қардош тиллар ёшини яъни уларнинг бўлиниш тарихини аниқлаш методидир. У 1951-52 йилларда америкалик лингвист М. Сводеш томонидан таклиф қилинган. Бу метод, шунингдек, «лексикостатистик» деб ҳам аталади. Барча тиллар учун луғат бойлигининг янгиланиш тезлиги деярли бир хилдир. М.Сводеш келтирган маълумотларга кўра, 215 та сўздан иборат бўлган сўзлар рўйхатидан минг йил давомида 15-24% фоизи ўзгариб, қолганлари ўзгаришсиз қолади.

Филологик таҳлилларда интерфаол методларнинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади:

- гуруҳли музокаралар (group discussions);
- жамоа лойиҳалари (project work);
- жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш (pair work);
- якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш (individual presentation);
- давра суҳбатлари ўтказиш (round-table discussion);
- инсерт техникаси (Insert technique);
- пинборд техникаси (Pinboard);
- кейс- стади (case-study);
- ақлий хужум методи (brainstorming).

лингвистик шарҳлаш (контекстуал маънолар таҳлили, денотатив ва коннотатив маънолар бирикиши таҳлили, матн бирликларини, уларнинг луғатдаги маънолари билан солиштириш);

суперлинеар таҳлил методи (матнда имплицит маълумот сигналларини аниқлаш);

стилистик эксперимент методи (синонимлар танлаш, матнни торайтириш ва кенгайтириш, перифраз, гапда компрессиядан фойдаланиш, матнда аранжировканинг турли кўринишлари);

матн семантикасини моделлаштириш имконини берувчи когнитив моделлаштириш методи. Когнитив моделлаштириш сўзларнинг луғавий маънолари, сўз бирикмалари, сўзларнинг ассоциатив алоқалари; контекстуал маънолар асосида тузилувчи когнитив карталар орқали амалга оширилади;

концептуал таҳлил одам когнициясининг юзаки тил тузилмалари билан алоқасини ўрганишни назарда тутди. Концептуализация жараёнида олинган маълумотларни англаб етиш ва минимал концептуал маъноларни аниқлаш рўй беради.

инференсия методи (семантик хулоса) концептуализация жараёнида хулоса олиш. Олинган билим тузилмаларини солиштириш ва қиёслашга асосланган инференсия жараёнида қўшимча концептуал маънолар аниқланади ва матннинг яхлит концептуал тизими ҳақида мантиқий

хулосалар қилинади;

матн таҳлилининг статистик методлари сон жиҳатдан қонуниятларни ва фарқли томонларини аниқлаш, матннинг тил воситалари ўзига хос сифат хусусиятларини белгилаш имконини беради.

фрейм таҳлили лисоний структуралар ва ментал моделларнинг боғлилигида амалга оширилади (матнда фреймни ифодалайдиган вербал сигналларни қидириб топиш, фреймнинг иерархик структурасини тиклаш, фреймда намоён бўлган билимларни концептуализацияси);

кросс-маданий таҳлили тиллар ва маданиятларни қиёслаб ўрганишга асосланган (матнда миллий-маданий буёқдор лисоний бирликларни, лингвокултуремаларни, маданий концептларни топиш ва уларни матнда вербаллашувини таҳлил қилиш).

Топшириқлар:

1-вазифа. Филологик таълимда қўлланадиган методларнинг хусусиятларини ёритинг.



1. Метод объектив бўлмоғи керак. Методнинг қўлланиш вақти ва ўрнидан қатъий назар, натижа бир хил бўлиши лозим. Субъектив ёндашувлар метод қийматиغا салбий таъсир кўрсатади.



2. Метод изчил бўлиши, аниқ тушунчаларга асосланиши лозим.



2-вазифа. Фанлар интеграцияси ва тилшуносликда қўлланадиган методлар; аниқ ва табиий фанларда қўлланадиган методларнинг тилшуносликда қўлланиш жиҳатларини ёритинг.



3-вазифа. Умумий ва хусусий методларни тавсифланг. Метод ва усул тушунчалари ҳақида мулоҳазаларингизни билдиринг.

4-вазифа: Тил ҳодисаларини синергетик парадигма асосида талқин қилинг. Тил бирликлари орасидаги муносабатларни ёритинг.


Тил бирликлари қисмларида аранжировка (ўрин ва тартиб). Синергетика ва синергетик таҳлил.

1-вазифа. Ижтимоий фанларда синергетик ёндашув масалалари ҳақида фикр билдиринг. Ундов, тақлид сўзларни синергетик ёндашув асосида талқин қилинг.

2-вазифа. Барқарорлик ва беқарорлик тушунчаларининг тил ҳодисаларидаги моҳиятини ёритинг.

3-вазифа. Филологик таълимда фанлараро интеграциядан фойдаланиш заруратини мисоллар ёрдамида асосланг. *Метод, методика, методология* тушунчалари тавсифига муносабат билдиринг. Замонавий тадқиқ методларидан намуналар келтириб, мисоллар асосида таҳлил қилинг.

4-вазифа. Бевосита қисмларга ажратиш методи ҳақида мулоҳазаларингизни билдиринг.




WWW.ARXIV.UZ


5-вазифа. Лингвистик таҳлил методларидан инновацион таълим технологиясида фойдаланиш ҳақида фикр-мулоҳаза билдиринг.

6-вазифа. Моделлаштириш методининг таълим жараёнидаги афзалликларини баён этинг. Сўз туркумларини, гап бўлақларини моделлаштириш ҳақида фикрингизни баён этинг. Инглиз тили асосидаги, рус

тили қолипидаги моделлаштириш мазмунини ёритинг. Ўзбек тили негизидаги моделлаштириш кўринишлари ҳақида тавсияларингизни айтинг.



7-вазифа. Гап бўлаklarини моделлаштиришда қўлланадиган символлар ҳақида маълумот беринг.



8-вазифа. Адабиёт дарсларини ташкил этишда инновацион. Бадиий адабиётнинг тил имкониятларини акс эттиришдаги ўрни. Тилнинг тасвирий воситаларидан тафаккур омили сифатида фойдаланиш.

9-вазифа:

Ўзбек адабиёти таълимида инновацион педагогик технологиялар Лирик, эпик, драматик жанрларни ўргатишда “Ақлий ҳужум”, “Блиц-

сўров”, “Венн диаграммаси” методларидан фойдаланиш. Оғзаки ва ёзма нутқни такомиллаштиришга қаратилган методлардан фойдаланиш. Нутқ ўстиришда “Матбуот конференцияси”, “Интервью” методларининг аҳамияти.

Иншо ёзиш кўникмасининг тафаккурни ўстиришдаги белгиловчи аҳамияти.

КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беринг ва мисоллар келтиринг:

1. Табиий моделлар – бу
2. Математик моделлар – бу
3. Мантиқий-математик моделлар – бу
4. Компьютер моделлари – бу


Инглиз, рус тилларида содда гап қурилиши доир қуйидаги моделга мисоллар айтинг

$C + B + O$: $C ==$ эга, $O =$ тўлдирувчи, $B =$ кесим.

Ўзбек тилида содда гап қурилиши моделини айтинг ва мисоллар келтиринг.

2-кейс. Сўз туркумларини формаллаштириш. Гап бўлақларини формаллаштириш

Ўзбек тилидаги формаллаштиришга қуйидаги йўналишлар бўйича мисол келтиринг



3-кейс. Ўзбек тили грамматикасининг компьютер моделини яратишнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади.? Фикрингизни асослаб беринг.

4-кейс. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш дастурларини яратиш давр талаби эканлигини изоҳланг. *Автоматик таҳрир дастурининг ишлаш принципини тушунтиринг.*

5-кейс. Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таржима қилиш дастурларини яратиш давр талаби эканлигини изоҳланг. Таржимон дастурлар ҳақида маълумот беринг.

Автоматик таржима дастурининг ишлаш принципини тушунтиринг


6-кейс. *Қуйидаги жадвалда берилган мисолларни давом эттиринг ва моделлаштиринг.*

Шахс отларининг ясалиши		
терим	-чи	теримчи
	-кор	
	-шунос	
	-дор	
	-хўр	
	-паз	
	-боз	
	-бон	
Нарса- буюм отларининг ясалиши		
кура	-к	курак
	-қ	
	-оқ	
	-ла	
	-чоқ	
	-қи	
	-ги	
	-диқ	
Сифат ясалиши		

гул	-дор, -ли	гулдор, гулли
	-дон	
	-дор	
	-қи	
	-ги	
	-қоқ	
	-чоқ	
	-қ	

7-кейс.

Аксиоматик назария босқичларини кетма -кетликда изоҳланг ва ўзбек тили материалларидан ҳар бирига 3 тадан мисол келтиринг



Адабиётлар:

13. Абдусаидов А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.
14. Абдусаидов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.
15. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.
16. Абдусаидов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.
5. Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.- Тошкент, 1999.
6. Abduhamidova L. Tilshunolsikning yangi yo‘nalishlari: kompyuter lingvistikasi.- T., 2015.
7. Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.
8. Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.- Самарқанд, 2015.
9. Алимova Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.
10. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007
11. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
12. Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Т., 2003.
13. Загвезинский. В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990
14. Зимняя И.А. Научно-исследовательская работа: методология, теория, практика организации и проведения. М. 2000.
15. Ирискулов М. Лингвистик таҳлил методлари. Китобда: Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1992.
16. Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.
17. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари.- Тошкент, 2016.
18. Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия, 2003.
19. Сластинин. В.А. Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М., 1997.
20. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б
21. То‘хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi (o‘quv qo‘llanma). – Т., 2006
22. То‘хлиев В.. Adabiyot o‘qitish metodikasi. Toshkent, Yangi asr avlodi , 2006.

Интернет ресурслари (сайтлари)

1. <http://bitcoin.org>. >innovation
2. <http://ru.m.wikipedia.org/wiki/un>
45. www.literature.uz
46. www.genhis.philol.ru
47. www.library.ziyonet.uz
48. www.lingvo-online.ru
49. www.globalterminology.com
50. www.basiccomputerterminology.com
51. www.tilde.com
52. www.oxfordhandbooks.com
53. www.tdpu.uz
54. www.pedagog.uz
55. www.edu.uz
56. tdpu-INTRANET.Ped
57. www.bbc.com/russian/learning_english
58. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>

4-Амалий машғулот.

Психолингвистиканинг амалий аҳамияти. Когнитив ва ассоциатив тилшунослик.

Амалий машғулот мақсади: психолингвистиканинг филологик таълимдаги, нутқий фаолиятни шахс омилига кўра баҳолаш, нутқ маданияти асосларини ўзлаштириш, матнни тўғри ифодалаш ва тўғри тушунишдаги амалий аҳамиятини, ассоциатив ва когнитив тилшуносликнинг филологик таълимдаги ўрнини ёритиш

Асосий иборалар: *бадший матннинг психолингвистик таҳлили, психолингвистика ва когнитив тилшунослик, когнитив ва ассоциатив тилшунослик, когнитив тилшуносликнинг филологик таълимдаги аҳамияти. бадший матн таҳлилида янгича ёндашувлар.*

Масаланинг кўйилиши: психолингвистика – нутқий фаолият ҳақидаги фан бўлиб, нутқни шахс омили ҳамда вазият омилига кўра баҳолайди. Психолингвистика нутқ механизми, нутқни ифода этиш ва тушуниш масалаларини талқин қилиши билан филологияда амалий аҳамият касб этади. Амалий филология тилдан фойдаланишнинг реал, ҳаётий вазиятларига таянар экан, нутқ маданияти талабларини эгаллаш, фикрни тўғри ифода этиш ва тўғри тушуниш, сўзловчи мақсадини тўғри қабул қилиш, нутқнинг феноменологик ҳамда герменевтик жиҳатдан тўғри баҳолаши бевоиста психолингвистик ёндашувга боғлиқ. Нутқда субъектив баҳо муносабатига эга бўлган сўзни қўллаш, информатив ва субъектив маъноларнинг реаллашуви, лексема семаларининг тингловчи идрок этилиши психолингвистик таҳлилларсиз амалга ошмайди. Лингвистик экспертиза жараёнларида матннинг мақсади, уни тўғри ифодалаш ва идрок

этиш билан боғлиқ масалаларда, адресант ва адресат ўртасидаги субъектив баҳо муносабати билан алоқадор вазиятларда психолингвистика таҳлиллари изоҳловчи вазифасини бажаради.

Психолингвистиканинг асосий тадқиқот **объекти** нутқий фаолият субъекти бўлган шахс, тил эгасидир. Рус тилшунослигида мазкур соҳа ривожига катта ҳисса қўшган А.А.Залевская психолингвистиканинг вазифасини “тилнинг амал қилинишини психик феномен сифатида тавсифлаш ва тушунтириш” бўлиши кераклигини таъкидлаган эди²¹.

Психолингвистика фанининг **объекти** – у ўрганадиган индивидуал объектлар мажмуидан иборат. Турли фанларда умумий, бир тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Бироқ уларнинг предмети бир-биридан фарк қилиши, яъни айни объектга бўлган қараш турлича бўлиши мумкин. Жумладан, инсон ҳам тиббиёт, ҳам психологиянинг тадқиқот объекти саналади. Лекин ҳар бир фан унга ўзининг қарашидан келиб чиққан ҳолда ёндашади. Тил ва тил белгиларининг тизими лингвистика, адабиётшунослик, антропология, дастурлаш ва психолингвистика фанларининг тадқиқот объекти бўлиши мумкин. Яъни мазкур фанларнинг умумий объекти – турли мақсадларда ва турли вазиятларда қўлланиладиган инсон тили ва нутқи ҳисобланади²².

Психолингвистика фанининг объектини аниқлаштиришда А.А.Леонтьев қайд қилган *фрейм* тушунчасини келтириш мақсадга мувофиқдир. Фрейм у ёки бу объект ёхуд ҳодисани тасвирловчи ўлчовлар тизимини ифодалайди. Масалан, “Ишловчининг шахсий варақаси” (ўлчовлари аниқ шаклда келтирилган)да мазкур шахснинг энг камида унинг ишга қабул қилиниши билан боғлиқ хусусиятларини тасвирловчи фрейм мавжуд бўлади. Фанда моделлаштирилган аниқ ҳодисалар, одатда, фрейм тамойилига кўра тавсифланади. Масалан, психологияда аксарият ҳолларда “фаолият фрейми” ишлатилади. Унда ҳодисаларга муайян саволлар (Мақсад? Мотив? Шароит? Қандай фаолият тури? ва ҳ.к.) берилади ва мазкур ўлчовлар асосида ҳодисалар тавсифланади. Психолингвистикадаги турли йўналишлар унинг объекти бўлган аниқ нутқ ҳодисаларига турли фреймларнинг “призмаси” орқали ёндашишади²³.

Бироқ ҳар қандай ҳолатда, нутққа ҳар қандай методологик ёндашувда ушбу фреймнинг тузилишида нутқ субъекти, нутқ объекти ёки адресат, мотив ёки эҳтиёж, ният ёки нутқий мақсад, нутқий мулоқотнинг мазмуни ва предмети, лисоний ёки семиотик воситалар тавсифи эътиборга олинади. Хуллас, психолингвистиканинг объекти қандай тушунилишидан қатъий назар, ҳар доим нутқий ҳодисалар ёки нутқий вазиятлар мажмуидан иборат бўлади. Бу объект тилшунослик ва бошқа нутқий фаолият билан боғлиқ

²¹ Залевская А.А. Введение в психолингвистику. Учебник для студентов высших учебных заведений. –М., 1999. –С.25.

²² Белянин В. П. Психолингвистика. –М., 2004. –С. 8.

²³ Леонтьев А.А. Основы психолингвистики: Учебник для студ. высш. учеб. заведений. –М.: Смысл,1999. – С. 15-16.

фанлар билан умумий ҳисобланади.

Психолингвистиканинг *предмети* турли – объектларнинг мавҳум тизими ёки айрим объектларнинг мавҳум тизими ҳисобланади. Психолингвистика фанининг предметини белгилашда айрим психолингвистларнинг қарашларини келтириш ўринли бўлади. Америкалик психолингвистларнинг фикрича, “психолингвистика сўзловчилар ниятининг мазкур маданиятда қабул қилинган кодда сигналларга айланиши ва бу сигналларнинг тингловчилар тушунчасига айланиши жараёнларини ўрганади. Бошқача айтганда, психолингвистика кодлаш ва декодлаш жараёнларини ўрганади”²⁴. Шунга ўхшаш қарашларни европалик психолингвистларнинг тадқиқотларида ҳам учратиш мумкин. Жумладан, П.Фресс психолингвистикани “тил орқали тақдим этиладиган бизнинг экспрессив ва коммуникатив эҳтиёжларимиз ва воситаларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳақидаги фан”, - деб изоҳлаган²⁵. Т.Слама-Казак психолингвистиканинг предмети хусусида “мулоқот вазиятининг хабарга таъсири” деган қисқача хулосага келади²⁶. Рус психолингвистикаси назариясининг асосчиси А.А. Леонтьев шундай ёзади: “Психолингвистика – тил тизими ва лисоний қобилият орасидаги муносабатларни ўрганувчи фан”²⁷. Бу ўринда тубандаги шарҳ лозим бўлади. А.А.Леонтьев Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқни фарқлаши хусусида тўхталиб, бу фарқлаш икки мезондан: тил (ижтимоий) – нутқ (индивидуал) ва тил (абстракт) - нутқ (конкрет)дан ўтишини таъкидлайди. Бу иккала қарама-қаршиликни фақат икки тушунча доирасида бирлаштириш қийин. Шунинг учун бу ерда учинчи тушунча, ҳатто Ф. де Соссюрнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган “лисоний қобилият” тушунчаси керак бўлади. Лисоний қобилият ижтимоий ҳодиса бўлган тилдан фарқли ўлароқ, ҳар бир индивидга тегишлидир. Бироқ у нутқдан фарқли ўлароқ, мавҳумдир. Лисоний қобилият – индивидуал тил, у мавҳум ижтимоий тилдан конкрет индивидуал нутққа ўтиш имконини берадиган кўприк ҳисобланади. Чунки, нутқда дарҳол бевосита ижтимоий тил эмас, балки онгда мавжуд бўлган унинг нусхаси – лисоний қобилият қўлланилади. А.А.Леонтьевнинг белгилашича, психолингвистиканинг предмети ижтимоий тил ва индивидуал лисоний қобилият орасидаги ўзаро муносабатдир. У психолингвистикани янада кенгроқ тавсифлаб: “Нутқий фаолият ва уни комплекс моделлаштириш қонуниятлари психолингвистиканинг предмети ҳисобланади”, - деб қайд қилади. Шунинг учун айрим адабиётларда *психолингвистика* термининг синоними сифатида *нутқий фаолият назарияси* термини қўлланилади. А.А.Леонтьевнинг таъкидлашича, *нутқий фаолият назарияси* термини психолингвистика шуғулланадиган масалалар доирасини аниқроқ белгилаб беради.

Психолингвистика нутқий фаолиятни нутқ акти мазмуни билан

²⁴ Psycholinguistics. A Survey of Theory and Research Problems. 2nd ed. –Bloomington, 1965. –P. 3.

²⁵ Fraisse P. La psycho-linguistique // Problems de psycho-linguistique. –Paris, 1965. –P. 5.

²⁶ Slama-Cazacu T. Indroduction to Psycholinguistics. –The Hague-Paris, 1973. –P. 57. Булар ҳақида қаранг: Усманова Ш. Психолингвистика. Маърузалар матни. –Тошкент, 2014.

²⁷ Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. –М., 1969.

сўзловчининг мақсад, нияти орасидаги алоқадорлик нуқтаи назаридан ўрганадиган фан. У нутқни идрок этиш, тилни эгаллаш каби масалаларни ўрганади. Психоллингвистиканинг диққат марказида индивид ва коммуникация туради. Унга кўра, сўзловчи нутқни юзага чиқарар экан, ўзи ўйлаган ниятини маълум қоидалар асосида аниқ тилнинг нутқ бирликларига узатади. Тингловчи нутқни қабул қилар экан, нутқ ифодаларининг ташқи шаклида ўз аксини топган маънони чиқариб олади.

Чарлз Осгуднинг фикрича, “Психоллингвистика сўзловчи ниятининг муайян маданият кодида (тилида) қабул қилинган сигналга айланиши ва бу сигналлар тингловчининг интерпретациясида қайтадан намоён бўлиши жараёнларини ўрганади. Бошқача қилиб айтганда, психоллингвистика коммуникациянинг кодлаш ва декодлаш жараёнлари билан шуғулланади”²⁸. Шунини таъкидлаш жоизки, психоллингвистиканинг тадқиқот предмети фақат код (тил) структураси ва сигнал бўлиб қолмай, балки матн яратиш ва уни тушуниш билан боғлиқ жараёнлар, кишилар мулоқотидаги барча мураккаб омиллар ҳисобланади.

Инсон тилни тўлиқ эгаллаш имкониятига эга бўлиб туғилади. Бироқ бу имкониятни амалга ошириш керак бўлади. Буни қандай юз беришини тушуниш учун психоллингвистика болалар нутқининг ривожланишини ўрганади. Психоллингвистика, шунингдек, нутқий фаолият ва унинг ҳаракатга келиш жараёнининг меъёрдан чиқиб кетиш сабабларини тадқиқ қилади. Катталар ва болалар нутқидаги бузилишларни ўрганади.

Психоллингвистика баъзан тил ва тафаккурни ўрганадиган фан сифатида белгиланади. Психоллингвистиканинг асосий мақсади инсоннинг сўзлаш ва тилни тушуниш қобилияти замирида ётган структура ва жараёнларни аниқлашдир. Психоллингвистларнинг кишилар орасидаги ўзаро тил муносабатлари билан қизиқишлари шарт эмас. Улар индивиднинг ичида кечаётган ҳодисаларни тадқиқ қилишга ҳаракат қилади.

Психоллингвистика талқинлари когнитив тилшунослик масалалари билан алоқадордир.

Бу ўринда дастлаб когнитив тилшуносликнинг предмети ва вазифалари, “Когнитив тилшунослик” тушунчасининг моҳияти ўрганилиши лозим. Шундан кейин когнитологиянинг таянч нуқтаси ва матн турлари, когнитив фонология ва унинг матнни ўрганишдаги ўрни ҳақида маълумот бериш яхши натижа беради.

Тингловчи когнитологиянинг асосий тушунчаларидан бўлган “сценарий”, “скрипт”, “фрейм”, “гештальт” кабиларнинг моҳияти ва уларнинг матн билан алоқадорлиги, лисон ва маданиятнинг ўзаро муносабати, унинг матндаги инъикоси, тил ва маданият ўртасидаги муносабатнинг изоморфлиги, детерминизми, уларнинг матндаги ифодаси. Э.Сепир-Б.Уорф фарази, унинг тил ва маданият ўртасидаги муносабатни ўрганишдаги аҳамияти масалалари ҳақида етарли маълумотларга эга бўлиши зарур²⁹.

²⁸Osgood Ch.E. Psycholinguistics // Psychology: a Study of Science. –New York, 1963. V.6.

³ Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: “Сангзор” нашриёти, 2006. – Б. 47-53; Мирзаев И.,

Адабиётлар:

17. Абдусаидов А. Газета тилида фразеологизмлар. – Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.
18. Абдусаидов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.
19. Абдусаидов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.
20. Абдусаидов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.
- 5.Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.-Тошкент, 1999.
- 6.Abduhamidova L.Tilshunolsikning yangi yo‘nalishlari: kompyuter lingvistikasi.-T.,2015.
- 7.Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.
- 8.Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.-Самарқанд, 2015.
- 9.Алимова Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.
10. Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007
11. Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.
- 12.Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Т., 2003.
- 13.Загвезинский. В.И.Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990
- 14.Зимняя И.А. Научно-исследовательская работа: методология, теория, практика организации и проведения. М. 2000.
15. Ирисқулов М. Лингвистик таҳлил методлари. Китобда: Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1992.
- 16.Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.
- 17.Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари.-Тошкент,2016.
- 18.Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия,2003.
- 19.Сластинин.В.А.Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М.,1997.
20. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б
21. То‘хлиев В., Shamsiyeva M., Ziyodova T. O‘zbek tilini o‘qitish metodikasi

(o‘quv qo‘llanma). – T., 2006

22. To‘xliyev B.. Adabiyot o‘qitish metodikasi. Toshkent, Yangi asr avlodi , 2006.

Интернет ресурслари (сайтлари)

1. <http://bitcoin.org>. >innovation
2. <http://ru.m.wikipedia.org/wiki/un>
59. www.literature.uz
60. www.genhis.philol.ru
61. www.library.ziyonet.uz
62. www.lingvo-online.ru
63. www.globalterminology.com
64. www.basiccomputerterminology.com
65. www.tilde.com
66. www.oxfordhandbooks.com
67. www.tdpu.uz
68. www.pedagog.uz
69. www.edu.uz
70. [tdpu-INTRANET. Ped](http://tdpu-INTRANET.Ped)
71. www.bbc.com/russian/learning_english
72. <http://www.native-english.ru/articles/study-abroad>

5-амалий машғулот. Лингвокультурологиянинг тилшунослик ва адабиётшунослик масалалари талқинидаги ўрни

Амалий машғулот мақсади: лингвокультурологиянинг филологик таълим, филологик йўналишлардаги ахамиятини ёритиш, тил ва маданият муносабатлари ифодасига хос хусусиятларни ажратиш, маданий код, маданий семаларнинг матндаги коммуникатив хусусиятларин белгилаш, этник маданиятнинг дунёкараши ва шаклини ифодаловчи универсал восита бўлган тил билан таништириш, уларда тил ва маданият муносабати, филологик таълимда лингвокультурологик аспектда ёндашиш, фонетика, лексикология, морфология, синтаксис бўлимлари предмети ҳамда бадиий матнда тил ва маданият муносабатларининг акс этиш даражасини таҳлил қилиш

Асосий иборалар: *лингвокультурология - тил ва маданият муносабатлари ҳақидаги соҳа, тил ва маданият, маданий муносабат, маданий сема, оламнинг лисоний манзараси, маданий кодлар; лисоний-маданий муносабатлар, тил бирликларининг маданий муносабатларни ёритишидаги ўрни, лисоний-маданий муносабатларни акс эттириш, тилнинг аккумулятив функцияси, тарихий-бадиий матнлар, филология масалаларида ассоциатив ёндашув.*

Масаланинг қўйилиши: лингвокультурология маданиятшунослик ва тилшунослик кесишган нуқтада шаклланган тил тадқиқининг янги соҳасидир. Лингвокультурология маданият ва тилнинг ўзаро алоқасини, ўзаро таъсирини, тилда ўз аксини топган халқ маданиятининг кўринишларини тадқиқ этади. Лингвокультурология тилни маданиятнинг

феномени, ташувчиси сифатида ўрганади. Лингвокультурология доирасида лексик даражанинг тил бирликлари семантикасидаги маданиятшуносликнинг таркибий қисмлари ва маданий маънолар талқин қилинади. Лингвокультурология тилшуносликнинг лексикология, лексикография, фразеология ва маданиятшунослик каби бўлимларининг тушунчавий тизими, сўзнинг семантик тузилиши, лексик бирликларнинг турлари ҳақида муайян билимга эга бўлишни талаб этади.

Филологик таълимда лингвокультурологиянинг антропоцентрик парадигма йўналиши сифатидаги аҳамиятини, предмети, вазифалари, методлари ва тушунчавий-терминологик аппаратини ёритиш; тил бирликларида маданиятнинг ифодаланиш даражасини таҳлил қилиш кўникмаларини шакллантириш, ўзбек тили лексикасини, луғат таркибини, барқарор бирикмаларини лингвокультурологик аспектда ўргатиш вазифалари белгиланган.

Тил ва маданиятнинг ўзаро муносабатлари масаласини ўрганар эканмиз, маданиятнинг кўп қиррали ва кўп аспекти ҳодиса эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ўз навбатида, тил ҳам мураккаб қурилма сифатида маданиятнинг турли қисмлари билан бир хил муносабатларга киришавермайди. Аммо, тилнинг маданиятнинг турли элементларига таъсири ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас (Сафаров 2006).

Инсоннинг тил маданияти унинг маънавий оламида муҳим ва залворли ўрин эгаллайди. Унда тарихий босқичнинг, тизимнинг, у ёки бу ижтимоий-иқтисодий қурилмаларнинг ўзига хос хусусиятлари ўз аксини топади. Улар тил қурилишида унинг асосий лисоний хусусиятларнинг ўзгаришларида, стилистик воситаларнинг идрок қилинишида, мулоқотнинг ўзига хос (махсус) шаклларида, шунингдек, тилнинг ижтимоий фаолиятдаги вазифаларида ҳам ўз ифодасини топади. Шу сабабли «тил маданияти» тушунчаси турли тарихий даврларда турлича мазмунга эга бўлган.

Тил маданияти, энг аввало, илмий хулосалар ва ижтимоий амалиёт натижалари асосида ўрнатилган, лисоний фикрлашнинг аниқлигини таъминлайдиган тил нормалари, унинг луғат бойлиги, фразеологик захирасидир.

Тил маданияти ҳодисасини унинг тараққиёти нуқтаи назаридан ўрганиш учун қуйидаги тадқиқ йўналишларига мурожаат қилиш лозим:

1) орфография (замонавий тизимни архаик хусусиятлардан тозалаш мақсадида орфографияни илмий асосларда ислоҳ қилиш борасидаги тадқиқотлар);

2) нутқнинг товуш (оҳанг) томонини ўрганишга оид тадқиқотлар (бу тадқиқотлар фақат орфоэпиягагина доир эмас, балки талаффузнинг мулоқотни амалга оширишдаги вазифасини ҳам қамраб олади);

3) морфология. Тил маданияти муаммоси грамматикага ҳам дахлдордир, бироқ грамматик тизимда тил маданияти бошқача йўналиш олади. Зеро, тил маданияти назарияси мустақил равишда морфологик норма яратишга қодир эмас. Норма тил тизимининг ўзида вужудга келади, тил маданиятининг унга таъсири билвоситадир;

4) синтаксис. бу соҳани тил маданияти доирасида ўрганишда оғзаки ва ёзма нутқ синтаксиси ўртасидаги фарқларга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади;

5) тил маданиятини стилистик фарқлар нуқтаи назаридан ўрганиш;

б) тил маданиятини семантик нуқтаи назардан ўрганиш луғат таркибини меъёрлаштириш ва атамалар тизимини тараққий эттириш имкониятларини аниқлаш билан боғлиқ.

Нутқ узусига боғлиқ бўлган социолингвистик ҳодисалар қуйидагилардан иборат:

1) адабий тил фаолият доирасининг кенгайиши;

2) миллий тилнинг алоҳида вариантларининг ички интеграцияланиши; адабий тил ва маҳаллий диалектлар орасидаги фарқлар тобора камая боради. Бу кўплаб мамлакатлардаги урбанизация жараёнининг жадаллашуви, жамият тизимининг ўзгариши туфайли рўй беради.

3. Нутқ узуси адабий тил нормаларига катта таъсир ўтказа бошлаган янги зиёлилар авлодининг шаклланиши.

Барча табиий тиллар фикр ифодалашнинг универсал системаларидир. Тил ёрдамида маданият ривожининг турли босқичларида турган ҳар қандай жамоа барча турдаги коммуникатив эҳтиёжларини қондиради. Ҳозирги замон адабий тилларининг характерли хусусиятларидан бири, масалан, юқорида зикр қилинган «интернационаллашув» ва «интеллектуаллашув»дир. Бунинг натижаси ўлароқ, барча мамлакатларда, нафақат миллий ўз-ўзини англаш ва она тилига, унинг маданиятига, балки тилларнинг луғат таркибини бошқа тиллар орқали бойитишга ҳам эътибор кучайди (Бушуй 2003: 120-124). Масалан, Жанубий - Шарқий Европа тилларида XX аср давомида ижтимоий-сиёсий атамалар тизими шаклланишига назар солсак, у ўхшаш ўзгарувчан коммуникатив вазиятлар шароитида юзага келган ҳамда янгидан вужудга келган маънавий ва моддий маданиятга оид тушунчалар ҳисобига бойиганлигини кўрамиз. Аммо бу жараён турли тилларда турлича йўллар билан кечди. Масалан, болгар тилида луғат таркибининг бойиши кўпроқ рус тилидан кириб келган сўзлар ҳисобига рўй берди. Румин тили француз тили, янги грек тили қадимий юнон тили ҳисобидан бойигани кузатилди. Албан тилида эса, она тили элементларидан янги сўзлар яшаш аънанаси, серб-хорват тиллари рус тилидан ўзлаштириш ва она тили захирасидан фойдаланган ҳолда янги сўзлар ясалиши билан характерланади. Дикқатга сазовор томони шундаки, болқон тилларининг ўзаро муносабатлари уларнинг ижтимоий-сиёсий лексикасида қарийб ўз аксини топмади ва ушбу тилларда инновацион жараёнлар кўпроқ нолисоний факторларнинг таъсири ҳисобига кечди.

Тиллараро муносабатларга тил маданияти назарияси нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, бу ўринда академик Л.В.Щербанинг қуйидаги ибратли фикрини келтирмоқ жоиз: «Янги тушунчаларни номлаш учун тилнинг ўзида сўз топилмаса, ўзга тиллардаги тайёр сўзлардан, айниқса, улар байналминал кўринишда бўлса, фойдаланишдан чўчимаслик керак. Мабодо, янги тушунчани ўз воситалари билан ифодалаш имконияти бўлса (сўз яшаш ёки кўшма сўзлар тузиш), албатта, ўз луғат таркибини бегона элементлар билан

тўлдирмаслик яхши. Бироқ, бу икки ҳолатнинг чегаралари шунчалик нозикки, уни махсус лингвистлик, адабиётшунослик сезгиси билангина пайқаш мумкин. Бироқ, бу сезги албатта мистик характерга эга эмас ва у филологик тарбия натижасида шаклланади» (Щерба 2000: 117).

Ҳозирги пайтда жаҳонда миллий тилларни атамалар яратиш ҳисобидан бойитиш борасида катта тажриба тўпланди. Масалан, малай тили қуйидаги принциплар асосида ясалган атамалар орқали ўз таркибини бойитмоқда:

1. Дастлаб умумфойдаланишда бўлган сўзлар асосида атамалар яратиш. Масалан, «бирга қочмоқ» маъносидаги малазийча «selari» сўзи илмий тилдаги «параллел» маъносида ишлатилади;

2. Мумтоз малазий тилининг луғат бойлиги семантик ўзлаштирма сўз манбаи вазифасини бажаради. Масалан, «жисм» - олдин «тана, вужуд»ни англатиб, ҳозирда «осмон жисми» маъносидаги тушунчани ифодалайди.

3. Илмий атамаларнинг бир қисмини атамаларга айланган диалектга оид сўзлар ташкил қилади. Масалан, кедах ва келантан диалектларидаги «охир», «якун» маъносидаги «sut» сўзи илмий терминологияда бошқа маънода ишлатилади. Шунингдек, семантик деривация, калькаш, фонетик ўзгартириш ва бошқа сўз яшаш усулларида ҳам фойдаланилади (Istilah pendiekan Melayu- Inggeris... 1996).

Тил маданияти социолингвистик ҳодиса сифатида мажмуавий хусусиятга эга. Тил маданияти деганда, адабий тилнинг асосий қонуниятларини ва ўзига хос хусусиятларини, унинг ижтимоий нормаларини (орфоэпик, орфографик, лексик, морфологик, синтактик воситаларини) онгли ва мустақкам ўзлаштириш тушунилади. Бунга адабий тилнинг функционал услубларини ҳам киритиш мумкин. Тил маданияти доирасига тилнинг жамиятда тутган ўрнига боғлиқ бўлган ҳодисалар ҳам мансубдир. Барча диалектлари билан муносабатда бўлган адабий тил маданийлашади³⁰.

Тил маданияти масалаларини ўрганишда ҳар бир адабий тил ўзига хос хусусиятлари билан фарқланиши ва бу хусусиятларнинг мулоқот муҳити ва вазияти билан боғлиқлиги ҳисобга олинади. Адабий тил нормалари ҳам динамикдир ва унинг ўзига хос хусусиятларидан бири ифода воситаларининг вариантлилигидадир.

Тил маданияти учун ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, миллий онг, маданий омилларнинг таъсири тилнинг ички тизимий ўзгаришлари фаоллиги, меъёрлаштириш сиёсатининг таъсирчанлиги катта аҳамиятга эгадир.

Тил нормасига таъсир қилувчи ички жараёнлар қаторига, биринчи навбатда, сўзлар полиморфизмининг чекланганлигини ва аналитик конструкциялар салмоғининг ошиб бораётганлигини киритиш мумкин. Бу жараёнлар таъсирида муқобиллар миқдори ошиб бормоқда. Уларни баҳолаш ва энг маъқул вариантларини танлаш бугунги кундаги кўплаб мамлакатларнинг меъёрийлаштириш борасидаги сиёсатининг долзарб масаласи ҳисобланади.

³⁰ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.77

«Тил маданияти» тушунчаси умумий «маданият» тушунчаси доирасида унинг бошқа соҳалари билан боғлаб ўрганилади.

Ўтмишда тил маданияти энг аввало пуризм (тилни ёт унсурлардан тозалаш) ғояси билан боғлиқ ҳолда ўрганилган ва у назарий тилшунослик тамойилларидан анча йироқ бўлган. Ҳозирги пайтда тил маданияти мустақил илмий предмет сифатида шаклланыпти³¹.

Тил маданиятининг асосий ўлчови сифатида, қандайдир бир мавҳум меъёр (софлик) эмас, балки тилнинг ўз асосий вазифаларини бажара олиш қобилияти қабул қилинди. Ҳозирги замон тил маданияти фани ўз олдига эркин ва аниқ нутқий мулоқотни таъминлашни асосий мақсад қилиб қўяди. Масалан, Европада бу ишга Прага тилшунослик мактаби ўзининг катта ҳиссасини қўшди (тилга функционал ёндашув, тил тизимининг динамик мувозанати ҳақидаги таълимотлар).

«Тил маданияти» тушунчасини унда сўзловчи шахслар маданияти билан боғлаб ўрганиш зарур. Чунки «тил маданияти» тушунчасида бир томондан тил системаси ва нутқ фаолиятининг, иккинчи томондан, тил ва нутқ орқали юз берадиган ижтимоий ва индивидуал фаолиятнинг диалектик муносабатлари ўз аксини топади.

Тил маданиятининг бу томонлари алоҳида шахс фазилятларининг мажмуасини ташкил қилади. Шу сабабли, тил маданиятини шакллантириш шахсга таълим ва тарбия бериш жараёнида муҳим босқичлардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги масалалар муҳокамаси муҳимдир: 1) шахснинг таълим ва тарбияси жараёнида тил маданияти қандай рол ўйнайди? 2) таълимнинг турли босқичларида тил маданиятини ўргатиш борасида қандай вазифалар илгари сурилади?

Сўзловчи шахс ва тингловчи нутқий мулоқот жараёнида ўзаро тўрт турдаги *социолингвистик муносабатлар пиллапоясини* эгаллаши қайд қилинган, булар – *юқори, тенг, паст ва нейтрал*.

Бундай даражаланишда нутқий мулоқот иштирокчиларининг «ижтимоий масофа» си (social distance) ҳам ўз ифодасини топади. Бу кўпинча мулоқот жараёнининг «юқоридан пастга» қабилида, суҳбатдошни менсимаслик, буйруқона оҳангда рўй беришига олиб келади. Бундан ташқари, суҳбатдошларнинг бир-бирларини яхши танимаслиги оқибатида рўй берадиган «бетакаллуф» мулоқот тури ҳам мавжуд. Мулоқотда иштирок этувчи шахсларни бир-биридан ажратиб турувчи бу ҳолатлар нутқий мулоқот муносабатларининг даражасини белгилайди. Масалан, ўғилнинг ўз отасига муносабати «пастдан юқорига» ва «ўзаро яқинлик» даражаларида баҳоланади. Буларнинг ҳаммаси тил маданиятини белгиловчи муҳим омиллардир.

Таъкидлаш жоизки, кўрсатилган муносабат даражаларининг бирор бир тилда тўлиқ ифодаланиши қийин масала. Масалан, К.М.Ҳорненинг кузатишларига кўра, инглиз тили учун кўпроқ «бетакаллуф нейтрал» даража характерлидир (Horne 1995: 77-87). Француз-немис ва испан тиллари эса бу

³¹ Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.123

борада «яқин - нейтрал» («close - neutral») ва «узоқ нейтрал» («distant - neutral») даражаларидан фойдаланишади. Айни пайтда, корейс тили юқорида келтирилган даражаларнинг олтитасидан фойдаланиши билан бошқа тиллардан фарқ қилади: «узоқ-юқори» («distant-superior»), «яқин-тенг» («close-equal»), «узоқ-паст» («distant-inferior»), «узоқ-нейтрал» («distant-neutral»), «шахссиз-нейтрал» («impersonal-neutral»), «яқин-нейтрал» («close-neutral»). Яван тилида эса, нутқ даражаларининг сони тўққизтага етади. Яван тиллари доирасида юқори мансабдор шахсларнинг болалари нутқ маданияти даражаларини коллежга ўқишга кириш пайтларидаёқ эгаллаб оладилар.

Нутқий мулоқот даражасини ифодаловчи воситалар турли-тумандир. Шундай бўлса-да, ҳар бир тилда, одатда, қайсидир бир усул устувор характерга эга бўлади. Масалан, тай тилида асосан расмий (protocol) иборалар ишлатилса, яван тилида бундай ҳолда шунга мос лексика танлашга интилишади. Корейс тилида эса, бошқа ифода воситаларидан фойдаланиш истисно қилинмаса-да, грамматик кўрсаткичларга таянилади (Horne 1995: 85-86). К.М.Хорне таклиф қилган бу модел ҳозирги пайтда ижтимоий-маданий ўзгаришлар нутқ даражаларидаги фарқларни камайишига олиб келаётган япон ва бошқа тилларда содир бўлаётган айрим силжиш, янгиликларни аниқ тавсифлашга ёрдам беради³².

Нутқ маданияти тил воситаларидан муайян нутқ вазиятига мос ҳолда фойдаланишни тақозо қилади. Сўзловчи турли функционал услублардан эркин фойдаланиши лозим. Ижтимоий коммуникатив фаолиятни муайян қонун-қоидалар асосида ривожлантириш, тил маданияти ва тил сиёсатига оид назарий ва амалий масалаларни ҳал қилиш умуммаданий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Нутқ маданияти ғояси доирасида ривожланаётган назарий йўналишлар куйидагилардир:

- 1) нутқ нормаларининг вариантлилиги;
- 2) нормаларни баҳолашга вазифавий ёндашув;
- 3) адабий тил нормаларининг шаклланиши ва ривожланишида ташқи ва ички (лисоний ва нолисоний) факторларнинг алоқаси;
- 4) миллий тил таркибида адабий тил элементларининг ўрни, роли ва бошқалар.

Нормативлик масалаларига тил бирликлари вазифалари нуқтаи назардан ёндашув маданий мулоқот фаолиятининг лисоний тарбия дастурига айланишига, лисоний ҳиссиётнинг шаклланишига, мулоқот малакасининг ривожланишига, ҳар қандай нутқий вазиятларда жамиятда ўрнатилган қонун-қоидаларга мос равишда образли ифода воситаларидан унумли фойдаланишга олиб келади. Бундай ёндашув тил нормасини, адабий тилни, унинг функционал алоқаларини ва диахроник ўзгаришларни тарихан, ижтимоий ва лингвистик жиҳатдан англашни тақозо қилади. Н.Махмудов таъкидлаганидек. «маданий нутқ учун фақат грамматик тўғрилиқ эмас, балки танланган ифода вариантнинг ижтимоий мақбуллиги, ўринлилиги ҳам

³² Alex Moore. Teaching and Learning: Pedagogy, curriculum and culture. London and New York 2012. P.52

муҳимдир» (Махмудов 2007: 13). Тил маданияти нутқ маданиятига нисбатан кенг тушунча; Биринчиси, нафақат эшитиладиган нутққа, балки матнга ҳам тааллуқлидир. Нутқ маданияти эса аввал эшитиладиган ва кейин идрок қилинадиган ҳодисадир. Бироқ улар орасидаги барча зиддиятлар лисоний фаолият жараёнида ечилади. Бу жараёнда тил захираларига гоҳ фаол, гоҳ онгли муносабатлар кўзга ташланади ва айнан улар тил маданиятининг моҳиятини ташкил қилади.

Тил маданияти тушунчасининг мазмуни ҳам кўп қирралидир. Масалан, миллий (масалан, немис тили) адабий тилнинг нутқ маданияти шу миллатнинг анъаналари ва ҳозирги эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир ва улар миллий маданиятнинг умумий шарт-шароитлари ва улар тарқалган ҳудуддаги тил қурилиши билан ифодаланади. Масалан, Швецияда немис тилининг софлиги немис стандарт тилининг софлиги деб эмас, миллий хусусиятларга эга бўлган швецар узусининг немис адабий тили меъёри деб тушунилади.

Шундай қилиб, маданият деганда, инсоният жамияти томонидан яратилган ва шу жамият амал қиладиган хулқ-атворлар мажмуаси тушунилади. Тил умумийлиги дейилганда эса, тарихан шаклланган, бир хил лисоний бирликлардан фойдаланиш, шунингдек, фойдаланиладиган тилга нисбатан мавжуд умумий социал баҳолашлар системаси тушунилади.

Инсоннинг умумий маданияти тил маданияти билан узвий боғлиқ. Инсон умумий маданиятининг ривожига энг муҳим ютуқлардан бири ўз тилидаги қоқоқ элементларни йўқ қилишга интилишдир. Бу шахснинг ўз фикрини самарали равишда оғзаки ва ёзма баён қила олиш, тилнинг замонавий лексик ва фразеологик воситаларидан, стилистик захираларидан фойдалана олиш қобилиятини ифодалайди.

Тил маданиятининг тараққиёти ҳам ижтимоий, ҳам лингвистик омилларга боғлиқ. Ижтимоий омиллар қаторига жамиятнинг муайян даражадаги тараққиёти, иқтисоддаги, халқаро миқёсдаги, фан ва маданият соҳасидаги интеграциялашув анъаналари киради. Бу омиллар лингвистик факторлар билан бирлашиб, ягона бутунликни ҳосил қилади, яъни миллий тилни, биринчи навбатда, адабий тилни илмий англаш орқали тил маданиятининг тўлиқ назарияси яратилади.

Тил маданиятининг назариясини ва амалиётини, социолингвистик асосларини қуйидаги вазифалар фаоллаштиради:

- тил маданиятини тадқиқ қилишни маданият тушунчасининг умумий доирасида ташкил қилиш.

- тилни онгли равишда маданийлаштиришга интилиш (Германия, Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Болгария, Франция, Туркия).

- фуқароларнинг адабий тилга нисбатан мустаҳкам ва ижобий муносабатларни шакллантиришга йўналтирилган тил ва маданият сиёсатини қўллаб - қувватлаш, чунки тил маданияти борасидаги ҳар қандай фаолият, сўзловчи шахснинг тилга муносабатини эътиборга олиши лозим. Бундан ташқари, ушбу фаолият муайян, олдиндан мавжуд бўлган қоқоқда, йўл-йўриқлар, объектив баҳо шартларига ҳам таянади.

У.БИТИРУВ ИШЛАРИ УЧУН МАВЗУЛАР

1. “Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатига кўра турлари” модулини ўқитишда график органайзерлардан фойдаланиш.
2. “Нутқ услублари ва бадий услуб” модулини ўқитишда ахборот технологияларидан фойдаланиш.
3. Лексикологиянинг “Эвфемизм ва дисфемизм” модулини ўқитишда инновацион технологияларидан фойдаланиш.
4. Электрон таълим технологияларидан фойдаланиб “Атамалар ва уларнинг вужудга келиши” модулини ўқитиш.
5. “Иккинчи тил таълимига маданиятлараро ёндашув” модулини ўқитишда муаммоли таълим технологиясидан фойдаланиш.
6. «Фонетика» модулини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш.
7. “Савод ўргатиш дарслари” модулини ўқитишда миллий меросдан фойдаланиш.
8. Матн билан ишлаш технологияси асосида ўзга тилли гуруҳларда “Улуғ аждодларимиз” модулини ўқитишни лойиҳалаштириш ва режалаштириш.
9. “Сўз маъносининг кўчиши” модулини ўқитишда концептуал жадвалдан фойдаланиш.
10. “Бобур лирикаси” модулини ўқитишда концептуал жадвалдан фойдаланиш

VI.КЕЙСЛАР БАНКИ

1-кейс. Қуйидаги тушунчаларга таъриф беринг ва мисоллар келтиринг:

1. Табиий моделлар – бу
2. Математик моделлар – бу
3. Мантиқий-математик моделлар – бу
4. Компьютер моделлари – бу


Инглиз, рус тилларида содда гап қурилиши доир қуйидаги моделга мисоллар айтинг

C + B + O: C == эга, O = тўлдирувчи, B = кесим.

Ўзбек тилида содда гап қурилиши моделини айтинг ва мисоллар келтиринг.

2-кейс. Сўз туркумларини формаллаштириш. Гап бўлақларини формаллаштириш

Ўзбек тилидаги формаллаштиришга қуйидаги йўналишлар бўйича мисол келтиринг



3-кейс. Ўзбек тили грамматикасининг компьютер моделини яратишнинг аҳамияти нималарда намоён бўлади.? *Фикрингизни асослаб беринг.*

4-кейс. Ўзбек тилидаги матнларни таҳрир қилиш дастурларини яратиш давр талаби эканлигини изоҳланг. *Автоматик таҳрир дастурининг ишлаш принципини тушунтиринг.*

5-кейс. Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таржима қилиш дастурларини яратиш давр талаби эканлигини изоҳланг. Таржимон дастурлар ҳақида маълумот беринг.

Автоматик таржима дастурининг ишлаш принципини тушунтиринг
6-кейс. Қуйидаги жадвалда берилган мисолларни давом эттиринг ва моделлаштиринг.

Шахс отларининг ясалиши		
терим	-чи	теримчи
	-кор	
	-шунос	
	-дор	
	-хўр	
	-паз	
	-боз	
	-бон	
Нарса- буюм отларининг ясалиши		
кура	-к	курак
	-қ	
	-оқ	
	-ла	
	-чоқ	
	-қи	
	-ги	
	-диқ	
Сифат ясалиши		
гул	-дор, -ли	гулдор, гулли
	-дон	
	-дор	
	-қи	
	-ги	
	-қоқ	
	-чоқ	
	-қ	

1-кейс

Муаммо: Квалент, ионли, металл боғланиш – лексик-семантик, грамматик, синтактик бирикувлар.

Вазият(ўқув машғулоти асосида):

Ўқитувчи талабаларга кимё фанидаги кимёвий боғланиш ҳақидаги таълимот хусусида фикр юритиб, ҳозирги кимё фанининг энг марказий масалаларидан бири эканлигини таъкидлайди. Валентлик атамаси ва тушунчаси илк бор кимё фанида қўлланила бошланиб, 1853-йилда инглиз кимёгари Эдуард Франкелд томонидан олиб кирилди. Кимё фанида бирор элемент атомининг

бошқа элемент атомлари билан бирика олиш қобилияти деб тушунилади(Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М., 1981. – 172 б.). Валентлик – элементнинг муҳим миқдорий тавсифи(Асқаров И. ва б. Кимё. 7-синф дарслиги. – Т.: Шарқ, 2005. – Б. 31.). Чунончи, рус кимёгари А.М.Бутлеровнинг элементларнинг кимёвий тузилиш назариясини кашф қилишида валентлик назарияси муҳим ўрин тутди. Д.И.Менделеев кимёвий элементларнинг даврий системасидаги ўрни билан валентлик ўртасида боғланиш борлигини исботлади ҳамда фанга ўзгарувчан валентлик тушунчасини киритди.

Ўқитувчи: Кимё фанида “бир валентли”, “икки валентли”, “кўп валентли” каби атама­лар ҳам ишлатилади. Ушбу тушунча тилшуносликда лисоний бирикларнинг ҳали юзага чиқмаган бирикувчанлик-бириктирувчанлик имкониятлари сифатида қаралувчи лисоний ҳодисага нисбатан қўлланилди. Буни қандай тушуниш керак?

Талабалар: Валентлик сўзи лотинча “валентиа” лексемасидан олинган бўлиб, “куч” деган маънони англатади. Физика фанидан маълумки, куч – ўзаро таъсир ва боғланиш демакдир.

Кимёда валентлик(лар) сонини аниқлашда маълум бир элемент (бир) атомининг модда (молекула) таркибида водороднинг (Н) неча атоми билан бирикиши назарда тутилади. Чунончи, H_2O (сув) молекуласида кислород атоми (О) икки валентли бўлиб, у водород (Н) атомининг иккитаси билан бириккан. Демак, сув формуласида кислород икки валентли (H_2)дир:

О

Н Н

Аммиак таркибидаги (NH_3) азот (Н) уч валентлидир, чунки азотнинг бир атоми водороднинг (Н) уч атоми билан бирикишни талаб этади:

Н

Н Н Н

Тилшуносликка ҳам ўтган асрнинг 40-йилларидан татбиқ этила бошланган.

Шундан сўнг талабалар ўз жавобларини изоҳлашга киришдилар. Хулосалар турлича бўлди. Ўқитувчи ечимга ойдинлик киритиш учун талабаларга мини кейс ва топшириқларни эълон қилади:

1) С.Д.Каснелсон - «О грамматической категории» асари; 2) кимёда бир элемент атомининг бошқа элемент атоми билан боғланиши - тилшуносликда

лексеманинг бошқа лексема билан боғланиши; 3) Л.Тенер қарашлари; 4) лексик валентлик.

Савол ва топшириқлар:

1. Кимёвий валентликни тил ҳодисаларига боғлаб ўрганган олимлар ҳақида нима биласиз?
2. Валентликнинг синтагматик муносабат билан алоқадор томонлари нимада?
3. Лексик, грамматик, синтактик валентликлар ҳақида гапиринг.
4. Гап таркибида сўз бирикмалари бўлади. Шу ўринда ҳам валентлик ҳақида гапирса бўладими?

Кейсолог эчими:

Фанда жуда кўп кашфиёт ва қонуниятлар Шарқда очилиб, Ғарбда нашъу наво топиб, кейин ғарбона бўлиб Шарққа қайтганидек, валентлик назарияси асосларининг ватани ҳам Шарқдир. Валентлик назарияси тарихи, унинг ўзбек тилшунослигида оммалашishi масаласи профессор С.Муҳаммедованинг тадқиқот ишида батафсил ёритилган. С.Муҳаммедова тавсифи бўйича бу назариянинг қисқача тарихи қуйидагича:

Тил ҳодисаларида валентлик қонуниятларининг мавжудлиги даставвал вербосентризм ғояси билан уйғун ҳолатда тушунтирилган бўлса, XIX аср охиридан бошлаб, бу соҳада жиддий изланишлар юзага келди. Жумладан, А.М.Пешковский асарларида феъл бошқаруви тўғрисида, Фитрат лингвистик қарашларида кесимнинг марказий бўлаклиги ва гапдаги тўлдирувчилар иштирокининг унга боғлиқлиги масалалари ёритилган бўлса, француз тилшуноси Л.Тенер валентлик тушунчасининг назарий асосларини ишлаб чиқди.

Сўзларнинг бирикиш қонуниятлари, валентликни тавсифлаш методикаси, айниқса, Германияда немис тилшунослари томонидан кенг тадқиқ қилинган. Бу соҳада Г.Хелбиг, А.Балвег-Шрамм, Г.Шумахер каби олимларнинг хизмати беқиёс.

Сўзнинг маъновий (лексик-семантик) валентлиги тушунчаси ўтган асрнинг 20-30-йилларида шаклланди ва жуда тез оммалашди. XX асрнинг 40-йилларида совет тилшунослигига валентлик тушунчасини С.Д.Каснелсон олиб кирди. Маъновий (семантик) ва синтактик, лисоний ва нутқий валентлик талқини устида олимлар ўртасида узоқ йиллар баҳс давом этди. Мазкур жиддий масала ечимини ўзбек тилшуноси Р.Расулов ва олимнинг издошлари беришди. Олим масалани лисон-нутқ, имконият-воқелик, сабаб-оқибат диалектикаси аспектида талқин этиб, лисоний (семантик) валентлик

ходисасини имконият, синтактик (нутқий) валентликни воқелик сифатида баҳолади. Шу билан бирга валентлик ҳодисасининг ҳам семантика, ҳам синтаксисга дахлдорлиги диалектик нуқтайи назардан очиб берилди.

Лисоний валентлик сўзнинг семантик структурасида мужассамланган яширин имконият, моҳият, умумийлик, заруриятдир. Нутқий валентлик эса лисоний валентликнинг рўёбга чиқишидир. Масалан, юрмоқ лексемаси ўз маъновий хусусиятларига кўра бир қатор сўзлар билан аниқланишни талаб этади – юриш ҳаракати кимнингдир томонидан, маълум бир мақсадда, қай бир макон, замон, тарз, шароитда, маълум бир восита билан бажарилади (қар.: чизма):

ким? юрмоқ қаерга?

қаердан? ким билан?

нима учун? қачон?

Шу асосда юрмоқ феъли мана шу маъноларни ифодалайдиган – сўроқларга жавоб бўла оладиган сўзлар билан бирикиш қобилиятига эга. Бу лисоний, маъновий қобилиятдир. Нутқда, қўлланилишда мана шу имконият муайян моддий шаклда воқеланади. Бундай воқеланишда жуда катта ранг-баранглик мавжуд. Мана шу муайян воқелик семантик (лисоний) имкониятнинг нутқий воқеланиши бўлиб, синтактик (нутқий) валентликни ташкил этади ва шу асосда нутқда гаплар воқеланади. Грамматик валентлик деганда – морфологик шаклнинг ва синтактик мавқе (позиция)нинг ўзига хос бирикувчанлиги, бошқа сўз ёки бўлак билан кенгайишни талаб қилиши ва лексеманинг семантик-синтактик валентлигига таъсири, уни ўзгартириши тушунилади. Чунончи, “Салиманинг китоби” сўз бирикмасида биринчи тобе компонент облигатор валентликка эга ва эгалик қўшимчали ҳокимни талаб қилади, эгалик қўшимчали ҳокимсиз меъёрий нутқда тўлиқ шаклда воқелана олмайди. Иккинчи компонент эса қаратқич келишиги шаклидаги тобе компонент билан бирикиш имкониятига, яъни имконий (факультатив) валентликка эга ва “Салиманинг китоби” сўз бирикмасида икки грамматик шакл – облигатор валентликли қаратқич шаклининг ва имконий (факультатив) валентликли эгалик шаклининг валентликлари ўзаро уйғунлашади. Шунинг учун валентлик нуқтайи назаридан “Салиманинг китоби” сўз бирикмасининг моделини қуйидагича кўрсатиш мумкин: [грамматик шаклнинг облигатор валентлиги + грамматик шаклнинг факультатив валентлиги].

VII. ГЛОССАРИЙ

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	
Арго (франс.)	ясама тил. Бирор ижтимоий гуруҳ, тоифа (масалан, талабалар, спортчилар, ўғрилар)нинг ўзига хос, бошқалар тушунмайдиган луғавий бирликлардан иборат ясама тили.	fake language. The artificial language of a social group, category (for example, students, athletes, thieves), which is a collection of vocabulary items that are not understood by others.
Анализ	табiiй тил хусусиятларини тушуниш учун компьютерда амалга ошириладиган морфологик, синтактик ва семантик таҳлил. <i>Морфологик анализ</i> морфемаларга ажратиш ҳамда грамматик маълумотлар таҳлилини ўз ичига олади.	computer-based morphological, syntactic, and semantic analysis to understand natural language features. Morphological analysis includes the division into morphemes and the analysis of grammatical data.
Аналогия –	ўхшатиш, ўхшатма, ўхшашлик.	to resemble, to simulate, to resemble.
Ассимиляция	қатор келган нутқ товушларининг бир-бирига таъсир қилиб ўзига мослаштиришидир.	is the adaptation of a series of speech sounds to one another.
Аспект	Нуктаи назар, қараш (бирор нарсани, воқеани, ҳодисани текшириш, ёритиш ва ш.) Масалани турли аспектларда текширмоқ.	Regardless of the point of view (something, event, event, illumination, etc.) to examine the issue in various aspects.
Аффет	/лот. <i>Аффетус</i> важоҳат, қайғу/ - одамда жуда тез ва қиска муддатда рўй берадиган кучли эмотсиал ҳолат бўлиб, у кўпинча одамдаги онгсиз мотивларга боғлиқ ҳаракатларни келтириб чиқариши мумкин.	lot. Affetus is an emotional, sad / intense emotional state that occurs very quickly and in short periods of time, which can often result in actions related to unconscious motivations in a person.
Амалий тилшунослик	Тилшуносликнинг лингвистик масалаларни (мас., машина таржимасини) ҳал этишни ҳисобга олган ҳолда амалий йўл билан ўрганувчи соҳалари (экспериментал фонетика, лексикография, лингвостатистика каби).	Areas of practical linguistics (such as experimental phonetics, lexicography, and linguistics), taking into account linguistic issues (eg machine translation).

<p>Автоматик таҳрир</p>	<p>компьютер лингвистикасининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, компьютердаги матн муҳаррирлари (Мирософт Word, Эхел, Wordпад, Лехион) ривожланиши билан боғлиқ бўлган таҳрир жараёни. Автоматик таҳрир матндаги механик хатоларнинг автоматик тарзда тўғриланиши ва хато эканлиги ҳақидаги сигналларнинг userga таклиф этилиши кабилар билан боғлиқ.</p>	<p>One of the main areas of computer linguistics is the editing process associated with the development of computer text editors (Mirosoft Word, Exel, Wordpad, Lexion). Automatic editing is related to automatic correcting of mechanical errors and inviting user to receive error signals.</p>
<p>Бевосита иштирокчилар (immediate constituents)</p>	<p>синтактик моделлар. Бевосита иштирокчиияр методига мувофиқ таянч нуқта конструкция хисобланади. Конструкция таркибидан иштирокчилар ва бевосита иштирокчилар ажратилади.</p>	<p>syntactic models. The base point is the design according to the direct participatory method. The structure of the structure is divided into participants and direct participants.</p>
<p>Бихевиористик ёндашув</p>	<p>мавжуд анъанавий ўқитиш тизимининг барча жаб-ҳаларини эътиборга олувчи ўқитиш механизмлари, билимларни баҳолаш, шунингдек, лексик минимумлар бўйича билимни назорат қилишга йўналтирилган дастурий таъминотга асосланган ўқитиш тизими. Бунда бихевиоризмнинг «стимул-реакция-мустаҳкамлаш» формуласига асосланилади. Ўқитиш усуллари «стимул» (туртки) вазифасини бажаради, ўрганувчи бундан таъсирланади ва билимни мустаҳкамлайди.</p>	<p>a training system that focuses on all aspects of the existing traditional teaching system, a software-based learning system that focuses on knowledge assessment, as well as on the control of lexical minimums. This is based on the "stimulus-reaction-reinforcing" formula of bicycleiorism. Teaching methods act as a "stimulus" for the learner, as well as the learner.</p>
<p>Гештальтпсихология</p>	<p><i>гештальт</i>—шакл, образ/ - Ғарбий европадаги етакчи психологик ёъналиш бўлиб асосчилари тарафдорларининг асосий ғояси – психикадаги яхлитликни қидириб қатор соф психологик ҳодисалар моҳиятидан четлашди. Асосий</p>	<p>gestalt — form, image / - The leading psychological direction in Western Europe, the founders of the founders, abandoned a number of pure psychological phenomena in their quest for integrity in the psyche. The basic idea is the</p>

	ғояси –“фигура ва фон” ҳақидаги таълимотдир.	doctrine of "figure and background."
Глоттохронлогик метод	тил доимо ўсишда, ривожланишда бўлган динамик ҳодисадир. Ана шундай ўзгаришлар даврлар ўтиши билан йиғилиб, миқдор ўзгариши сифат ўзгаришига олиб келади.	language is a dynamic phenomenon that is constantly growing and developing. Such changes accumulate over time, and quantitative changes lead to qualitative changes.
Дедукция <i>p+lom.</i>	Умумий ҳолатдан хусусий ҳолатга ўтиб муҳокама юритиш; умумий ҳолатдан жузъий натижа чиқариш	Discussion from general to private; to produce a partial result from the general state
Дистрибутив метод	(инглизча дистрибуция - таксимот) ёрдамида тилдаги бирлик ва ва элементларнинг қўлланиш ўринлари ва ҳолати тушунилади.	(English distribution - distribution) means the use of language units and the position and position of elements.
Жаргон	бирор гуруҳ вакиллари билан ўз ичига олиб туриш мақсадида ўзгача маънода қўллайдиган ўз ва иборалар.	words and expressions used by members of a group in a special way to separate themselves from the majority.
Инновация	ижтимоий амалиётда сезиларли ўзгаришлар туғдирадиган турли хил янгиликлар яратиш ва тадбиқ этиш.	to create and introduce various innovations that will bring about significant changes in social practice.
Интеллектуал система	билимлар базаси, масалани ечувчи тизим ва интеллектуал интерфейсларни ўз ичига олувчи тизим.	knowledge base, problem solving system and system containing intellectual interfaces.
Квантитатив метод	лисоний тилларни белгилашда ва тилларни оилаларга бирлаштиришда квантитатив ва тарихий-генетик методлардан кенг фойдаланилади.	Quantitative and historical-genetic methods are widely used in the design of linguistic languages and in the integration of languages into families.
Контраст дистрибуция	гўё зидловни эслатади. Бир ўринда қўлланиб, маънони фарқлашга хизмат қилувчи элементлар контраст дистрибуция дейилади: ток-пок-нок сўзлари бошидаги ундошлар контраст	as if it were a contradiction. Elements that serve to differentiate meaning are called contrast distributions: the consonants in the beginning of the talk-talk-

	дистрибутсия бўлиб, шу сўзларни фарқлайди.	pok are the contrast distributions that differentiate those words.
Компонент таҳлили методи	кўпроқ семантикада сўзларнинг маъноларини чуқурроқ ўрганишда қўлланади. Бунда сўзларнинг маънолари уларнинг фарқланувчи семантик белгилари – семалар ёрдамида таҳлил қилинади.	it is used in more semantics to deepen the meaning of words. Here the meaning of words is analyzed using their semantic signs - semesters.
Когнитивизм	/лот. <i>огито</i> – фикр билан/ - фақат тафаккур қилиш йўли оламни билиш ғоясини илгари сурувчи йўналиш.	lot. <i>ogito</i> - with the mind / - the only way of thinking is the way forward for the idea of knowing the universe.
Майдон методи	лексик-семантик майдон ёки грамматик-лексик майдон ва баъзан майдон назарияси.	lexical-semantic field or grammatical-lexical field and sometimes field theory.
Метод	ҳар бир фан учун хусусий ва барча фанлар учун умумий бўлган (масалан, қиёслаш методи), манбаларни тўплаш ва тасниф қилиш, улардаги энг асосий хусусиятларни ўрганиш учун тилдаги барча бирликлар, сатҳлар ва ривожланиш жараёнларини, ўзгаришларни билиш ва аниқлаш учун қўлланадиган услуб ва йўллар мажмуидир.	a set of methods and techniques used to identify and identify all units, levels, and development processes in a language to collect and classify resources, to study the main features that are specific to each subject and common to all disciplines (for example, a comparison method).
Методология	(грекча <i>methodos</i> - билиш йўллари, илми) қандай назария ва принтсиплар асосида илмий тадқиқ қилиш пойдеворини яратишдир.	(The Greek <i>methodos</i> - ways of knowing, science) is the foundation of scientific research on the basis of the theory and principles.
Методика	илмий метод натижасида аниқланганларни амалда тадбиқ этишдир. Шу мазмунда хорижий тилларга ўргатиш ҳам ўз методикасига эга. Уларни интерактив методика, таржима воситасида тилга ўргатиш методикаси деб аталади.	the practical application of the results obtained by the scientific method. In this context, teaching foreign languages also has its own methodology. They are called interactive techniques, the technique of language teaching through translation.

<p>Модел (лот. <i>modelus</i> “нусха”, “андаза”, “ўлчов”, “меъёр”)</p>	<p>муайян оригинал-обектнинг ҳосиласи, моддий қурилма, график, схема, умуман, билиш воситаси. Модел табиий обектларнинг имитатсиясидир (оъхшаши, тақлидий коъриниши), у оъзбек тилидаги қолип, андаза соъзларига мос келади. Масалан, <i>глобус</i> ернинг модели, <i>оъйинчоқ машина</i> ҳақиқий машинанинг модели.</p>	<p>derivation of a particular original object, a material device, a graphic, a scheme, and generally a means of knowing. The model is an imitation of natural objects (similar or imitation), which fits in with the Uzbek mold and standard words. For example, a globe earth model, a toy car is a model of a real car.</p>
<p>Моделлаштириш</p>	<p>барча фанлар учун хос боълган умумилмий метод.</p>	<p>a general method common to all disciplines.</p>
<p>Муаммо</p>	<p>назарий билиш шаклларида бири бўлиб, ҳали ўрганилмаган, лекин ўрганилиши лозим масалани ўз ичига олади.</p>	<p>is one of the forms of theoretical knowledge that has yet to be explored but has to be studied.</p>
<p>Лингвистик универсалия</p>	<p>барча тилларга ёки дунё тилларининг мутлақ кўпчилик қисмига хос умумий қонуниятлар</p>	<p>general laws common to all languages or the absolute majority of world languages</p>
<p>Нейрон тармоқлар</p>	<p>инсон миёсидаги нейронлар модели асосида яратилган, сунъий интеллектнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган тизим</p>	<p>a system based on the neural model of the human brain, an essential component of artificial intelligence</p>
<p>Неологизм (юн.)</p>	<p>янги ўз, иборалар. Неологизмлар – тараққиётни жадаллаштиришга алоқадор тушунчаларни белгилаш мақсадида яратилган янги, ҳали ўзлашиб кетмаган ўзлардир.</p>	<p>new self, phrases. Neologisms are new, uncontested ones created to define concepts related to accelerating development.</p>
<p>Назарий билиш методлари</p>	<p><i>мавҳумийлик, расмийлаштириш, компьютерда моделлаштириш</i> ва шу қабилар.</p>	<p>abstractions, formalization, computer modeling and so on.</p>
<p>Перцепция</p>	<p>/лот.<i>перепти</i> – идрок қилиш / - туб маънода ҳам шахснинг идрок жараёни назарда</p>	<p>perepti - perception / - literally refers to the process of perception of the</p>

	тутилади.	individual.
Синтез	компьютерда матннинг грамматик шакллантирилиши ва генерацияси (ҳосил қилиниши). <i>Морфологик синтез</i> матнга автоматик ишлов бериш жараёнида ёки унинг сўнгги босқичида (натижаларни инсон ҳукмига ҳавола қилишда) сўзларнинг турли шакллари чиқариш, анализ натижаларини умумлаштириш иборат.	grammatical formation and generation of text on a computer. Morphological synthesis consists of summarizing the results of various forms of words in the process of automatic processing of text or its final stage (referring the results to human judgment) and generalizing the results of the analysis.
Слот	фреймни ташкил этувчи қисмлар. Слотларда объектларга хос белгилар маъноси қайд этилган бўлади.	frames that make up the frame. The slots contain the symbols of object-specific characters.
Тавсифий метод	тилшуносликдаги энг қадимий ва энг кенг тарқалган метод ҳисобланади. Айниқса, у тил ўқитиш тажрибаси учун катта аҳамиятга эга.	is the oldest and most widely used method in linguistics. It is especially important for the language teaching experience.
Тавсиф қилиш методи	тилдаги турли ҳодиса ва маълумотларни, унинг сатҳи ва бирликларини изоҳлаб беради. Бу метод ёрдамида турли тилларнинг фонетика ва стилистикаси шарҳлаб берилди.	interprets various events and information in a language, its levels and units. This method explains the phonetics and stylistics of different languages.
Тарихий-генетик (генеологик) метод	тилларнинг фонетик, лексик-грамматик бирликларини қиёслаб, уларнинг ўхшаш белгиларини аниқлаш асосида муайян тил оилаларига бирлаштириб ўрганиш тарихий-генетик метод ҳисобланади.	Historical-genetic method of studying phonetic, lexical-grammatical units of languages and their integration into certain language families on the basis of identifying similar signs.
Трансформация методи	тилдаги элементлар ва бирликларнинг турли гапларда бошқача йўл билан қайта тузишда қўлланилади. Трансформациянинг синтаксисдаги элементларни ўзгартиришда қўлланувчи оддий	It is used in different ways to rearrange elements and units in language. Simple types of transformations used to change elements in syntax are: moving, adding, subtracting, and omitting.

	турлари: ўрин алмаштириш, кўшиш, қисқартириш ва тушириб қолдиришдир.	
Флектив тиллар	ўзак морфема ва аффиксал морфема чегарасини ажратиш қийин бўлган тиллар.	languages that are difficult to differentiate between the root morpheme and the affix morpheme.
Формал грамматика	муайян шакллар ёрдамида сунъий тил белгилари орқали ифодаланган грамматик қоидалар мажмуи.	a set of grammatical rules expressed through artificial language symbols using certain forms.
Фрейм (инглизча <i>frame</i> – “каркас”, “рамка”, “скелет”)	билимлар структурасига оид таянч тушунчалардан бири, сунъий интеллект тизимида билимларни, стереотип (жуда кўп кузатиладиган, типик) вазиятларни тавдалантиришнинг бир усули. Фреймга моделлаштириладиган ҳодиса, вазият ва жараёнларни умумлаштирилган ҳолда жойлаштириш мумкин. Фрейм турлари: фрейм-намуналар, фрейм-структуралар, фрейм-ролллар, фрейм-сценарийлар, фрейм-вазиятлар.	One of the key concepts in the structure of knowledge is a way of introducing knowledge, stereotypes (typical, common) situations in the system of artificial intelligence. The framework can be summarized by generalizing the events, situations, and processes that are being modeled. Frame-types: frame-patterns, frame-structures, frame-roles, frame-scripts, frame-states.
Фрейм-сценарий	баъзи ҳаракат, воқеа-ҳодисаларнинг характерли жиҳатларини ўз ичига олган типик структуралар ҳамда вазиятларнинг ривожланиши, кетма-кетлиги (алгоритмик босқичлари).	some of the actions, typical structures that contain the characteristics of events, and the development, sequence (algorithmic stages) of situations.
Экспериментал фонетика	нутқ товушлари артикуляциясидаги ҳаво тебраниши, тебраниш миқдори сарфланган вақт, обертон қандай юзага чиқиши кабилар маълум техник аппаратлар воситасида аниқланади ва шу асосда фонетик қонуниятлар бўғин, урғу, интонацион хусусиятлар аниқланади.	air vibrations in articulation of speech sounds, the amount of vibration spent, and how the overton is formed are determined by certain technical devices, and on this basis phonetic regularities are defined as syllables, accents, and intonation features.

VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истиқболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи // Халқ сўзи. 2017. 16 январь, №11.

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг кўшма мажлисидаги нутқ. Т., 2016. 56 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 104 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш-юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. 2016 йил 7 декабрь. Т.: Ўзбекистон, 2017. 48 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. Мазкур китобдан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 1 ноябрдан 24 ноябрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри сайловчилари вакиллари билан ўтказилган сайловолди учрашувларида сўзлаган нутқлари ўрин олган. Т.: Ўзбекистон, 2017. 488 б.

II. Норматив- ҳуқуқий ҳужжатлар

3. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16 апрелда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва кўшимчалар билан). Т., 2014.

4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборот-номаси. 1997. 9-сон, 225-модда.

5. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури / Ўзбекистон Респуб-ликаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. 11-12-сон, 295-модда.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбир-корлик фаолиятига жалб этиш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил май-даги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сонли Фармони.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4797 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-2909 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789 сонли Фармони

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги №-797 сонли Қарори

III. Махсус адабиётлар

15. Абдусайдов А. Газета тилида фразеологизмлар. Самарқанд: СамДУ. 1990. – 120 б.

16. Абдусайдов А. Газета тилининг лексик-стилистик хусусиятлари. – Самарқанд: СамДУ. 1991. – 80 б.

17. Абдусайдов А. Газета жанрларининг тили ва услуби. Монография. – Самарқанд, 2001. – 192 б.

18. Абдусайдов А. Ўзбек тилининг ижтимоий моҳияти. – Самарқанд, 2008. – 120 б.

19. Абдуллаева. К. Янги педагогик технологиялар. “Бошланғич таълим”.-№4.-Тошкент, 1999.

20. Abduhamidova L. Tilshunolsikning yangi yo‘nalishlari: kompyuter

lingvistikasi.-Т.,2015.

21.Азимова И. Ўзбек тилидаги газета матнлари мазмуний перцепциясининг психолингвистик тадқиқи: Филол. фан. номз. ... дисс. Автореф. – Тошкент, 2008.

22.Ахмедова Г. Матбуот тилининг тасвирий-таъсирчан воситалари.- Самарқанд, 2015.

23.Алимова Г., Арипова З. Инновация. “Biznes-ekspert”. 2012 йил 15 февраль.

24.Бушуй А.М., Сафаров Ш. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси.-Т.: Фан, 2007

25.Cuddon J.A. The Penguin Dictionary of Literary Terms and Literary Theory. London: Penguin Books, 1991.

26.Дадабоев Ҳ. Тилшунослик назарияси ва методологияси. – Т., 2003.

27.Загвезинский. В.И.Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука. Тюмень, 1990

28.Зимняя И.А. Научно-исследовательская работа: методология, теория, практика организации и проведения. М. 2000.

29.Ирискулов М. Лингвистик таҳлил методлари. Китобда: Тилшуносликка кириш. Тошкент. 1992.

30.Niyozmetova R.. Uzluksiz ta’lim tizimida o‘zbek adabiyotini o‘rganish metodikasi. Toshkent, Fan, 2007.

31.Раҳмонов Н. Ўзбек адабиётини даврлаштириш масалалари.- Тошкент,2016.

32.Сайидиахмедов. Н .Янги педагогик технологиялар. –Тошкент: Молия,2003.

33.Сластинин.В.А.Кедымова., Л.С. Педагогика. Инновационная деятельность.-М.,1997.

34. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б

IV.Электрон таълим ресурслари

1. www.ziyonet.uz

2. www.edu.uz

3. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz

4. www.tdpu.uz

5. www.pedagog.uz

6. www.nuuz.uz

7. www.bimm.uz

8. www.literature.uz

9. www.kutubxona.uz

10.[http:// www.dissertation.ru/pedagog.html](http://www.dissertation.ru/pedagog.html)

11.<http://www.istedod.uz/>

12.www.scopus.com

